

Мелиорация том мавнода хужаликларини

бутун-бутун районларнинг яшаш қобилятини  
белгилаб беради.

R 496  
1985/2

К. У. ЧЕРНЕНКО



616  
'85

**ГУЛИСТОН**

2  
1985






# МЕЛИОРАЦИЯ — ЕР БАХТИ

Султон ЖУРА

## ПАРТБИЛЕТ ОЛАРКАН

Холдор ЕҚУБОВ,

В. Д. Журиги номидаги Ўрта Осиё Сув хўжалиги илмий-тадқиқот институти  
директорининг ўринбосари



**М**АЪЛУМКИ, КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленумида ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программаси қабул қилинди. Мазкур программада мамлакатимизнинг сув ва ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш, шунингдек, мелиоративлашган тупроқнинг самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. «Хар бир республика ва областда, ҳар бир районда белгиланган тадбирларни, — деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко мазкур Пленумда сўзлаган нутқида, — рўёбга чиқаришнинг маҳаллий ишлаб чиқариш ва

табiiй-иқлим шароитларини эътиборга олиб, аниқ планини белгилаш ва амалга ошириш керак.»

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистоннинг табiiй-иқлим шароитлари мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ошириш йўли билан мўлжалдаги ҳосилни олиш учун ерларни оширилган нормада сугоришни тақозо этади. Бунинг устига қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилган ерларнинг 40—50 проценти, ўзлаштирилиши лозим бўлган ерларнинг эса 70—75 проценти шўрхокдир. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорига мувофиқ 2000 йилгача сугориладиган майдонлар ҳозирги 3 миллион 700 минг гектардан 5—5,5 миллион гектарга етказилиши лозим. Демак, кейинги ўнбеш йилда 1,3—1,8 миллион гектар шўрхок ва оғир мелиоратив ҳолатдаги янги ерларни ўзлаштириш назарда тутилмоқда. Айни вақтда эскидан сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, унинг шўри фойдаланиш давомида муттасил ювиб борилади.

Сув хўжалиги лойиҳалаш институтларининг ҳисоб-китоблари асосида янги сугориш техникасини ва зовур типларини қўллаш, барча каналларнинг фойдаланма ҳаракат коэффициентини ошириш ҳамда оқова сувларни такрор ишлатиш йўли билан дарёларнинг сувларини кўп муддатга тўлиқ бошқариш ва сугориш системаларида сувларнинг бекорга исроф бўлишини камайтириш имкониятлари ҳисобига Ўрта Осиёда 9 миллион 300 минг гектарнинг сугорилишини таъминлаш режалаштирилган. Шундан 5 миллион гектари Амударё ҳавзаси ва 3,4 миллион гектари Сирдарё ҳавзаси бўйича белгиланган.

Ўзбекистон ССР учун белгиланган сув ресурслари лимити 4,5 миллион гектар майдонни сугоригна етади. Бундай шароитда КПСС Марказий Комитети Октябрь пленуми қарорларида сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари олдига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш бўйича белгиланган улкан вазифаларни мавжуд мелиоратив системаларнинг техник даражасини, шўрхок ерларни мелиоративлаш усулларини такомиллаштириш ҳамда фан ва техника ютуқларини сувни муҳофаза қиладиган тадбирлар сифатида жорий этиш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Ҳисоб-китоблар гектарига оқизилдиган сув миқдорини ҳозирги 15,5—17 минг куб метрдан 10—11 минг куб метрга камайти-

Мен шу кунни сира унутмайман:  
Бу кун менда янги тетиклик.  
Ҳаётимда бу кун байрам туси...  
Қарашимда янги етуклик!

Рухим — лочин, бу кун кўкрагим — тоғ;  
Паст севади бошим осмонни...  
Ҳарбий салом билан кириб келдим,  
Маҳрам тортиб аскар тасмамини.

Юлдуз ёнар заррин поғонида...  
Ўзи очик, сочи олтинранг.  
Жой кўрғади майор ҳурмат билан...  
(Соддаликка шундай қолдим танг).

У қўзғалди қисқа суҳбат ўтгач,  
Ўнг қўлида қизил партбилет!  
Сапчик турдим, мен ҳам

қаддирослик  
Ҳолатини шу он шарт қилиб.

Топшираркан бошлиқ зўр ҳужжатни,  
Ҳар ўгитин дилга қилдим жо;  
— ЕСТЬ, асрайман кўзим қорасидек,  
Зиммамдадир ҳар икки соҳа:

Ҳам милтигим, ҳамда созим ила  
Шу унвонни оқламоқ — қарзим!  
Майдон ичра, гарчи зарур экан,  
Жонфидолик — жанговар фарзим!

О!.. Жаранглар эди қасамимда  
Коммунистнинг ишонч овози!  
Эй, бош штаб, улуг йўлинг учун  
Шу борлигим, шеърим навоси!

Мен коммунист!  
Қандай мағрур бу сас!  
Бу сас ўзи менинг ғалабам.  
Шу товуш-ла жангда қатъий қасос,  
Уч оламан фашист ғаладан!..

Шу онт билан чиқдим кабинетдан,  
Эх... ажойиб қалбим тепкиси!..  
Ҳам шу қадар севинар экан  
«Улуг унвон олдим», деб киши!..

Йўлга тушдим. Хаёл назаримда  
Гавдаланди шундай тасаввур:  
Гўё ўтар энгиз кўчасидан  
Ишчи синфининг илғор ясови.

Мен — коммунист!  
Қандай мағрур бу сас!..  
Бу сас ўзи менинг ғалабам,  
Шу товуш-ла жангда қатъий қасос,  
Уч оламан фашист ғаладан!..

Ҳаракатдаги армия.  
1942 йил

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Экз.  
№6

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали

№2 (420)  
Февраль  
1985

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

(Давоми 2—3-бетларда)

40



## ПУЛЕМЕТЧИ ОВОЗИ

Армоним йўқ, Ватан жангида  
Бурчим ўтаб олдим жойимни.  
Шу шараф-чун орзу тонгида  
Талпинарди қалбим доимий.

Наводчикман, «Максим» йўлдошим,  
Санчдим ёвга ўлим ўтини.  
О! Қойилман аъло ишимдан,  
Жон пулемёт менинг йўлдошим!

Зарнинг заргар... курашнинг жангчи  
Жангда билур қиммат, кадрини,  
Ев улгурмас «Максим» сайраса  
Мурдасига қазиб қабрини.

Атрофида портлар миналар,  
«Зув-зув» учар ўқлар тепадан.  
Майли, ёгсин алланималар,  
Ахир нега кўрқар оқманар.

Тишларим ҳам ўқдай, лентадан  
Приёмникка ўтиб тургандай;  
Шу қадарлик зич сиқилганки,  
Ев бағрига ботиб киргандай.

«Олга» деди туриб капитан,  
Фронт сари кўтариб қўлин.  
Пулемётим билан кўчдим-у,  
«Сайра, дедим, жангчи булбулим.»

Галабанинг соати яқин,  
Эй, бўш келма, жангчи

«Максимим»,

Биз енгамиз! Бу қатъий якун,  
Жангчинг билан ишинг ҳақ сенинг!

Марказий фронт,  
1943 йил, 5 ноябрь.



(Боши 1-бегда).  
риш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Бунга янги ўзлаштирилган ерларда техник жиҳатдан мукаммал суғориш системаларини қуриш ва эскидан суғориладиган ерларда эса мавжуд суғориш шаҳобчаларини реконструкция қилиш йўли билан эришиш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари кенг муҳокама қилинган Октябрь пленумида худди шундай тadbирларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Сувнинг маълум қисми суғориш пайтида исроф бўлаётгани ва унинг олдини олиш чоралари ҳақидаги масала халқ манфаатига молик масаладир. Ҳозирги шароитда республика бўйича суғориш шаҳобчаларига олинган сувнинг 60—62 проценти далага етиб бормоқда, унинг 38—40 проценти эса, экин майдонларига етмасдан исроф бўлмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм каби қатор областларда эса каналларда сувларнинг 45—50 процентигача исроф бўлмоқда. Бу нарса ўз навбатида сувнинг анча қисми ер ости сувларига қўшилиб, унинг юқорига кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Тўғри, исроф бўлаётган сувнинг маълум қисми коллектор-завурлар орқали суғориш манбаларига минераллашган, сифати бузилган ҳолда қўйилмоқда.

Мукаммал суғориш шаҳобчаларига (хўжалик ичидаги кичик нов ариқлар) эга бўлган ҳамда хўжаликларов ва хўжалик ичидаги каналлари бетонлаштирилган Мирзачўл ва Жиззах чўлларида сувнинг исроф бўлиши 18—20 проценти ташкил этмоқда.

Шундай қилиб, яқин йилларда нов ариқлар, ёпиқ қувурлар ўтказиш конструкциясини такомиллаштира бориб ҳамда йирик каналлари бетонлаштириш билан сувнинг исроф бўлишини 15 процентга келтириш мумкин. Каналларда сувнинг беҳуда исроф бўлишига қарши курашиш айни вақтда маълум даражада ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва суғориш манбаларида сув сифатини яхшилашнинг қулай йўли ҳамдир. Бироқ суғорма сувлардан иқтисодий фойдаланиш имкониятлари бу билангина чекланмайди.

Ҳозирги шароитда обикор дехқончиликда чекланган жиҳатлардан бири — бу қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўлиб, у асосан тупроқ юзасидан (ғўза жуъаклари бўйлаб) ўтади ва беда, шולי ва бошқа экинлар эса қўллатиб суғорилади. Ғўзани жуъаклар бўйлаб суғориш ҳали механизмлашмаган, у асосан қўлда бажарилади. Бунга ҳар йили

30 миллион киши-кундан кўпроқ меҳнат сарфланмоқда ва суғориш билан 200 мингдан ортиқроқ киши банд бўлмоқда.

Емғирлатиб суғориш ускуналарини эса ерости чучук сувлар яқин жойлашган ёки кам минераллашган ва шўр бўлмаган майдонларини (Чирчиқ ва Ангрэн дарёлари этакларини) суғоришда кенг қўллаш мумкин.

Суғоришда сувнинг исроф бўлишини автоматлаштирилган нов ариқлар, эгилувчан ва қаттиқ қувурлар сингари сув тақсимловчи воситалар ёрдамида ҳам анча камайтириш мумкин. Бу суғориш механизмлари сувни эгатиб бўйлаб бир меъёрга тақсимлаб, тупроқнинг бир текис намлигини таъминлайди. Ҳозирча суғориладиган майдонларнинг атиги 3—5 проценти шундай воситалар билан таъминланган ҳолос. Бу ерлар ҳам янги ўзлаштирилган бўлиб, эгилувчан қувурлар лойиҳа бўйича энди жорий этилмоқда.

В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё сув хўжалиги илмий-тадқиқот институти мутахассислари эгилувчан шланг-қувурларни ёйиб-йиғадиган агрегат ишлаб чиқди. Бундай осма агрегатни «АДС» маркали тракторга тиркаб, эгилувчан шланглари исталган майдонда ва ҳар қандай ҳолатда 90—250 метр узунликда жойлаштириш мумкин. Суғориб бўлингач, шланглари даладан йиғиштириш ҳам осон кўчади.

Махсус давлат конструкторлик бюросида тайёрланган шундай агрегатлардан 20 таси ҳозир Сирдарё ва Жиззах областларининг турли хўжаликлариди, жумладан, институтимизнинг Гафур Гулом номидаги тажриба совхозиди ишлаб чиқариш синовидан ўтмоқда. Тажриба синовлари бир агрегат билан мавсумда 400—450 гектар экинзорни суғориш мумкинлигини кўрсатди. Келажақда эгилувчан шланг-қувурлар ёрдамида 1 миллион 500 миң гектар майдонни суғоришга эришиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, бу улкан вазифани адо этишда КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорларини амалга оширишга қатъий бел боғлаган институтимиз олимлари, мутахассислари фаол иштирок этадилар. Чунончи, институтимиз коллективи ва ирригация бўйича Махсус давлат конструкция бюроси ходимларининг ҳамкорлигида диаметри 150 миллиметр бўлган «ТАП—150» ва «ПАР—100» типидagi енгил алюминдан ясалган қувурлар Тошкент областининг суғо-



Тошкент Мотор заводининг иккинчи навбати қурилиши зарбдорлари — монтажчилар Иzzат Мамаҳўжаев ва Игор Петушковлар илғорлар сафиди боршимоқда.

А. Усмонов фотоси  
(ЎзТАГ)



риладиган Паркент зонада сабавтор экинларни, шунингдек, Мирзачўлдаги 1-а совхозда ва Қарши чўлида ғўзаларни сугоришда қўлланилмоқда. Унинг узунлиги 12 метр бўлган 10—12 қувурдан иборат бир комплект билан мавсумда 15 ва 25 гектар экинзорни сугориш мумкин. Яқин йилларда бундай қувурлар билан 300 минг гектар ва келажакда эса 950 минг гектар майдонни сугориш мўлжалланмоқда.

Бизнинг институтиимиз Ўрта Осиё Электрлаштириш-механиклаштириш институти мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиққан автоматлаштирилган нов ариқлар Мирзачўлнинг ва Қарши чўлининг тегишли совхозларида ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтди. Натижа яхши: бир сувчи у билан мавсумда 50 гектар экинзорни сугориши мумкин.

Лекин шу билан бирга яқин сугориш системаларини қуришда ва эскиларини реконструкция қилишда ёпиқ қувурли сув тақсимлагичларни егилувчан ва каттик шланг-қувурлар билан ишлатишга катта эътибор беришимиз лозим. Ёпиқ сугориш системасида сугоришни мақсадга мувофиқ уюштириш учун кулай шароит яратилади.

Богларни ва тоқзорларни еростидан томирига томчилатиб ва қуйиб сугориш усули ҳам кенгайди. Институтимизда ўтказилган ҳамда Р. П. Шредер номидagi Богтоқзорчилик бирлашмаси хўжаликларидagi ўтказилган тажрибалар бу усулда сугориш эгаллаб сугоришдаги қараганда сугориш нормасини 2—2,5 марта камайтириши мумкинлигини кўрсатди.

Экинзорларни сугоришдаги юқорида санаб ўтилган тадбирлар сувнинг исроф бўлишини гектарига 1,3 куб метргача камайтириш ёки сугориш техникаси коэффициентини ҳозирги 0,4—0,45 дан 0,75 гача кўтариш имкониятини беради. Бу сувни тежаш ва ундан тўғри фойдаланишни йўлга қўйишда муҳим рефердир. Энди бундай такомиллашган сугориш воситаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масаласини ҳал этиш Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрилиги, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрилиги ҳамда Ўрта Осиё Совхозлар қурилиши бош бошқармаси раҳбарларининг, мутахассисларнинг ташаббусларига, ғайратларига боғлиқ бўлиб турибди.

Шўр ва шўрхок ерларда юқори ҳосил олиш бўйича тўпаланган кўп йиллик тажриба бундай ерларнинг шўрини кузги-қишки ювиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бирок сугориладиган шўр ерлар тегишли зовурлар (дренажлар) билан яхши таъминланган бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда умумий сугориладиган 3 миллион 700 минг гектар майдоннинг 2,5 миллион гектариди шундай зовурлар мавжуд. Шунинг 900 минг гектариди мукамал тик ва ёпиқ зовурлар қурилган. Натижада экин экиладиган ерларнинг сифати бирмунча яхшиланди: ўта шўрхок ерларнинг шўри камайди ва унинг бир қисми шўрсизланди. Бу эса шу ернинг унумдорлигини оширди.

Такомиллашган зовурлар қуриладиган майдонлар келажакда 3 миллион 700 минг гектарга яқин ерни ташкил этади, шундан 1 миллион 270 минг гектари янгидан ўзлаштириладиган ерлардир. Бундай катта ҳажмдаги такомиллашган зовур шаҳобчаларининг қурилиши республикада эскидан сугориладиган ва очик канал-зовурлар билан банд бўлган экинбоп 50—55 минг гектар ерни бўшатиш ва ҳар гектар ҳисобига 2,5—3 куб метр сувни тежаш имкониятини беради. Бундан ташқари, такомиллашган зовурлар шаҳобчаларидан кенг фойдаланиш натижасида ариқ-каналларда сув сифатининг пасаиш жараяни ҳам оқова сув миқдорининг камайиши ҳисобига сустлашди.

Юқорида кўрсатилган такомиллашган зовурлар ҳажмининг қуришни республикамизда кейинги 10—15 йил ичida амалга ошириш учун биз моддий-техника базасига эгамиз. Гап энди сув хўжалиги ташкилотларида.

Узун ва тик зовурлар техник жихатдан мураккаб мелиорация воситалари бўлиб, буларни қуриш ва ундан фойдаланиш катта харажатлар ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун бундай зовурларни қуриш сифатига бошданок эътибор берилиши керак.

Ҳозир у ёки бу сабабларга кўра мавжуд ёпиқ зовурларнинг 30 проценти ишламайди, артезиан қудуқлардан тўлиқ фойдаланилмаёттир. Партиямиз Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорларида бундай камчиликларга барҳам бериш зарурлиги алоҳида ўқтирилди. Тегишли сув хўжалиги ташкилотлари бундай камчиликларни тезроқ туғатиш чораларини кўришлари лозим.

Бу борада колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларининг эътиборини ҳам шу нарсага қаратмоқчимизки, улар ўз хўжаликларни территориясида қурилган тик ва узатма-ёпиқ зовурлар иншоотларининг созлиги ва бутлигини муҳофаза қилишлари керак. Уларни сувга бостирмасликлари, зовур қудуқларга оқова сувларни туширмасликлари лозим.

Хўжаликларнинг ходимлари сугориладиган гектарларнинг самаралорлигини оширишга қаратилган тадбирлар шу хўжаликларнинг территориясида қурилган зовурларнинг бутлигини ва иш бериш имкониятига боғлиқ эканлигини ҳамisha назарда тутмоқлари керак. Улар мазкур сув иншоотларини ишлатувчи ташкилот ходимларига кўмакдош бўлишлари лозим.

Энди шўр ювиш билан боғлиқ тадбирлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу борада республикамизда кейинги ўн йилда шўр ерларни куз-қишда ювиш жараянида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Республиканинг Фарғона облаstdан ташқари ҳамма областларида шўр ерлар 5—10 гектарли (баъзан 15—20 гектарли) катта майдонларга ажратиб ювилмоқда. Бунда ҳар гектарга 2,5—3 минг куб метр ўрнига камида 4—5 минг куб метр сув қўйилмоқда. Қурилган зовурлар эса бу миқдордаги сувни қисқа муддатда — бир ярим-икки ойда олиб кетишга мўлжалланмаган. Шу боисдан ҳам шўрни бу тартибда ювиш ернинг бир текис шўрсизланишини таъминлай олмаслигидан ташқари, ернинг кия-пастилига қараб тупроқнинг намланиш даражаси турли хил бўлади. Бу эса ўз навбатида ерларни экишга тайёрлашни кечиктиради. Шунинг учун ҳам район сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари шўр ювишда унчалик мақсадга мувофиқ бўлмаган бу усулдан воз кечган холда куз-қишда ерларни ярим ва бир гектарли кичик бўлақларга ажратиб (даланин текислиги ва нишаблигини ҳисобга олган холда), шўрини ювишга ўтсалар, айна мудабо бўлади. Бунда шўр ювишга кетадиган сув миқдорини 25—30 процент камайтириш имконияти ҳам туғилади.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленумида жуда тўғри таъкидланганидек, сугоришда такомиллашган техника конструкцияларини кенг қўллаш, эскидан сугориладиган ерларда эса, гидромелиоратив системаларнинг техник даражасини мукамаллаштириш йўли билан сув ресурсларидан тежаб ва тўғри фойдаланиш мумкин. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини оқизиб келиш билан сув камчилигини қоплашга умид боғлашга ҳам ҳали вақт эрта. Шунинг учун «сув сероб» деган гапнинг нисбийлигини ҳисобга олиб, сувнинг қадрига этиш, дала шароитида ундан тежаб фойдаланиш қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ҳар бир деҳқоннинг, хўжалик раҳбарининг ва мутахассисларнинг муқаддас бурчидир. Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ходимлари эса сув техникаси конструкцияларини янада такомиллаштиришлари, унинг энг самарали типларини яратишга эришишлари лозим. Партия ва ҳукуматимиз бугун ҳаммаимизнинг олдимизга ана шундай масъулиятли, айна вақтда шарафли вазифани қўймоқда.



Адхам РАХМАТ

## ШИНЕЛЬ

Сени кийсам мағрурланиб кетардим,  
Эса тушмас эди хатто бекасам.  
Чунки сени кийганимда Ватани,  
Сақламоққа ичган эдим мен қасам.

Сени кийиб, жондан азиз юртимни  
Сақлаш учун оқолларда ётдим мен.  
Неча минглаб гўдакларни йиғлатган,  
Ётим қилган ёвузларни отдим мен.

Сени кийиб қайтсам агар уйимга,  
Ҳеч йўқотмай, сақлайман деб айтганман,  
Галабанинг шухратини сен билан  
Бирга олиб азиз юртга қайтаман.

Керак бўлса кийиб яна шинелни,  
Ёвузларни бўғиш келар қўлимдан.  
Улуғ Ленин барпо қилган Ватани  
Сақлаш учун кўрқмайдурман ўлимдан.

Кенисберг, 1946 йил.

## МЕНИ КУТ

К. Симонова ўхшатма

Вилгинки жоним, баъзан оқопа,  
Ўқлар ёмгири ёғилган тоғда,  
Менин-ла ҳамроҳ ушбу вилтовка,  
Меҳнат завқини сурганингда кут.  
Эрта нахорда турганингда кут.

Милтигим тушмас асло қўлимдан,  
Номардман агар кўрксам ўлимдан,  
Номини унут қайтсам йўлимдан,  
Дўсту ёронлар қайтганида кут.  
Шодлик кўшигин айтганида кут.





Юлдуз чарогон, ойдин кечада,  
Навқирон ёшлик ўтган кўчада,  
Билмайман, жоним, соат нечада,  
Тўрғайлар сайраб учганида кут,  
Ворликни шодлик кучганида кут.

Ерларда майса ўсганда буткул,  
Қачон сайраса боғларда булбул,  
Гулдаста ясаб, бинафшалар юл,  
Ваҳорги ёмғир ёққанида кут,  
Сувлар шарқираб оққанида кут.

Ишда чечан бўл, орқада қолма,  
Елғизлигингни кўнгилга солма,  
Нопармон гулин тўққанда олма,  
Кuşлар чийиллаб сайраганда кут,  
Ваҳор барқ уриб яйраганда кут.

Эккан чигитинг қулоқ отганда,  
Бўйинга бўйи бориб етганда,  
Кулча ой чиқиб келаётганда,  
Ўзани чошиқ қилганинда кут,  
Пахтазор аро елганинда кут.

Ишқомда узум шира олганда,  
Чарос кизили лабда қолганда,  
Булбуллар сайраб-сайраб толганда,  
Тонг еллари-ла елиб мени кут,  
Еру дўстлар-ла кулиб мени кут.

Мен ҳам қайтаман, тезда қайтаман,  
Сен бирла бирга қўшиқ айтаман,  
Ғолиблар каби, мен ҳам сафдаман,  
Ииртқич фашист зот бўлади капут.  
Худди ўша кун ёрим мени кут!

Калуга,  
1942 йил, 20 декабрь.



Аҳмад БОБОЖОН

## АМЕРИКА ИШСИЗЛАРИГА

Океanning ортидаман, сендан жуда йироқда,  
Қийноқларда кун кўришинг менга маълум шу чоқда.  
Мен биламан ишсизлигинг, парча нонга зорлигинг,  
Эшикларда тентирашинг, уйсизлигинг, хорлигинг.  
Иш тополмай, иқболингни, соатда юз қаргайсан,  
Узун тунлар гўдак каби хўрсинасан, йиғлайсан.  
Кунлар бўйи юриб-юриб, тополмайсан парча нон.  
Хўрлик босар, кўзинг тиниб халқумингга келар жон.  
Ердам тилаб қўл узатсанг шу он қўлинг кесилар,  
Калтак билан жавоб берад цилиндрли бўрилар.  
Кеч кираркан, сен қайтасан, чарчаб, ерга эгиб бош,  
Сени қучиб, дада, нон дер жигарпора икки ёш.  
Оталигинг оқлаёлмай яна титрайди танинг,



Яна гаму изтироблар чулғаб олар баданинг.  
Кўз нурларинг — икки ўрлинг қийналмоқда очликдан,  
Кўча-кўйга чиқолмайди ёринг яланғочликдан.  
Сен бахт учун курашганинг, бахтинг тортиб олдилар,  
Эрк истаган бошинг узра минг кулфатлар солдилар.  
Қачонгача бош эгасан ҳаётинг ёвларига,  
Қачонгача чидагайсан кишанлар говларига?  
Зулм олдида бош эгмоқлик ўлим демак, биродар,  
Тақдир дея жим қолмоқлик ўлимдан ҳам минг баттар!  
Нега букун тақдир дея бошинг қуйи соласан,  
Жаҳон тинчлик истаганда, сен нега жим қоласан?  
Сен иқсонсан — ўз тақдиринг бўлсин доим қўлингда,  
Тинчлик бўлса гуллар битгай кечиб ўтган йўлингда.  
Яхши англа — ёрдам сураб сен сари қўл чўзмадим,  
Мақтубимни атомлардан қўрққанимдан ёзмадим.  
Тинчлик учун курашайлик то бор экан танда жон,  
Биз «йўк» десак ер юзиде уруш булмас ҳеч қачон.  
Қадинг ростла, урушларга қарши очайлик кураш,  
Сафга турсин эрк истаган миллион-миллион

меҳнатқаш.

Синдирайлик уруш ўтин ёққанлар қилотини,  
Кел, кўмайлик мангуликка мудқиш уруш отини!

# ИПАК ПАХТА

Валихон ака колхоз идорасига борди. Қабулхонада раиснинг ёлғиз ўтирганини ва ичкарига бемалол киравериш мумкинлигини айтишди. У кирганида раис ниманидир берилиб ёзар, ҳар замонда ёнидаги ҳисоб чўтнинг тошини у ёқ-бу ёққа суриб қўяр эди.

Раис деярли рўпарасига келиб қолган Валихон акани кўрдию ўрнидан турди. Улар қўл олиб сурашгач, Валихон ака сиполик билан гап бошлади:

— Вильтдан шикоят қилиб келдим, Юсуфжон ака. Мени бир нарса безовта қилаяпти. Ерларимиз яхлит, ҳавас қилгудек текис. Аммо вильт кургур оқининг тинкасини қуритапти. Агар малол келмаса, бирор чидамли навни экиб кўриш керакмикин, деган маслаҳат билан келувдим.

— Гапингиз тўғри, Валихон ака! — деди раис. — Бошқа мутахассислар ҳам шу фикрни айтишяпти. Шундай қилмасак бўлмайдиган кўринаяпти.

— Албатта.

Бу воқеа 1968 йилда бўлган эди. Колхоздаги мавжуд пахта майдонлари вильт касалига мубтало бўлиб, пахта тайёрлаш давлат плани ярим йўлда қолиб кетган эди.

1969 йил эрта баҳордаёқ Лутфулла Йўлдошев етакчилик қилган бригадада 50 гектар майдонга чигитнинг «590 — И» нави синов тарикасида экилди. Экиш ишлари олиб борилаётганда районнинг ва колхознинг барча мутахассислари, тажрибали деҳқонлари бу ерда бўлиб, экиш сифатини мунтазам кўздан кечириб бордилар. Натижа ёмон бўлмади. Бехато унган гўзалар вильтга чидамлилигини кўрсатди. Бу эса мутахассислар учун янги қўриқ очиб эди. Чунки экилган янги нав колхозда ипак пахта уругини ёппасига жорий қилиш учун йўл очган эди.

Кейинроқ янада мукамалроқ нав — «С—6030» экилди. Бу иккинчи типдаги тола берувчи нав эди. Унинг яна бир ютуғи давлат харид нархи «С—6037» навига нисбатан анча арзон эди.

1970 йилдан бошлаб эса, «С—6037» навли чигит экиш колхознинг барча бригадаларида жорий этилди. Чунки бу уруғ колхоз ерларини яхши қўриб қолган ва ўзининг баракали навлигини намоён қилган эди.

— Биз селекционер Хуторний группаси томонидан яратилган «С—6037» навидан унумли фойдаланмоқдамиз, — ҳикоя қилади колхознинг бош агрономи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Саидобид Дарвешев, — чунки унинг хосиятли томони бор. У биринчи тип тола беради, вильтга чидамли. Ҳосилдорлиги ошдик.

Бу навинг бошқа фазилатлари ҳам бор. Иқтисодий жиҳатидан афзаллигини айтмайсизми? Бу хом ашё саноат учун гоят қимматли аҳамиятга эга. У ўрта тотали пахтага нисбатан икки баробар тола беради. Толаси ингичка ва узун, пшиқ. Бир тонна шу навинг таннархи 1390 сўм туради. Вильтга қарши кураш, ҳосилдорликни кўтариш фақат янги нав экилиши билан боғлиқ эмас. Чунки ҳосилдорлик пасайиб кетишининг яна бир сабаби бу зарарли ҳашаротларнинг қўлайиб кетиши эди. Уларга қарши курашда Чортоқ райони бўйича фақат шу — «Москва» колхозиде чек қўйилди. Бунга асосан биологик усулнинг кенг қўлланилиши натижасида эришилди. Биологик кураш атроф муҳитни муҳофаза қилибгина қолмасдан химикатларга сарфланадиган маблағни ҳам иқтисод қилиб қолиш имконин бермоқда.

Валихон Дадахонов бригада

си эса колхознинг илгор коллективларидан ҳисобланади. Бригада сардори 1957 йилдан буён мазкур бригадага етакчилик қилади. Суяги деҳқончиликда қотган Валихон ака колхозда ингичка толали пахта экишнинг ташаббускорларидан эди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. Валихон Дадахонов Ленин ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва «В. И. Ленин турилган куннинг 100 йиллиги» медали билан мукофотланган. 4 марта Социалистик мусобақа ғолиби нишондори, икки марта Вутуниттифоқ кишлоқ хўжалиги кўргазмасининг олтин медалини олишга сазовор бўлган.

Бу йил бригада коллективи 117 гектар ерга чигит қадаб, йил охиригача жами 431 тонна ингичка толали пахта бериш учун меҳнат қилмоқда. Бригаданинг Хосиятхон Эшонова, Маъсуда Нарзуллаева, Тилобат Ҳамроева, Тождор Жўраева ва Жамила Султонова каби дала лочинлари кунига 140—150 килограммдан «оқ олтин» териб, эл олқишига сазовор бўлдилар. Бу теримчиларнинг ҳар бири мавсумда 9,5—10 тоннадан пахта териб беришди.

Колхозда ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили зафарлар йили бўлиб қолди. Юбилей йилида 700 гектар ерга чигит экилди. Гектаридан 41 центнердан ингичка толали пахта бериш

учун кураш йил бўйи давом этди. Мавсум давомида хўжалик пахтакорлари икки ўн кунликда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қасаба Союзлари республика Совети ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Долзарб кунларда 753 колхозчи, 120 нафар хашарчи, 840 ўқувчи ғайрат билан етиштирилган Ватан бойлигини йиғиб-тешиб олишда ғайрат кўрсатдилар. Дала меҳнаткашлари учун етарли шароит яратилди. Колхознинг ҳозирги раиси Холмуҳаммад Ғайбуллаев, партия комитетининг секретари Муҳаммадали Акбаров раҳбарлигида тажрибали, тадбиркор деҳқонлар Валихон Дадахонов, Аҳмаджон Абдурахмонов, Қўчқорбой Паттоев, Усмонжон Қорабоев бошлиқ бригада, Аълохон Раҳмонов, Обиддин Турсунов ва Муҳаммадали Хусайнов каби коммунистлар етакчилик қилаётган звено пахтакорлари пахта йиғим-теримини мавсумда ҳар жиҳатдан пухта ва сифатли ўтказиш, она-Ватан хазинасига 2800 тоннадан зиёд қимматбаҳо сановат хом ашёси етказиб бериш учун бор имкониятларини ишга солишди.

Жўра РАҲИМ

Чортоқ

40



Илос МУСЛИМ

## МОСКВА

Салом, эй, Москва, қаҳрамон шаҳар,  
Халқлар чин қалбидан сени қадрлар.  
Сени деб жангларда кундуз, кеч,

сахар —

Ошдик биз кўп доvon, дарё, адирлар...  
Тут каби тўкилди остонамда ёв,  
Кўзларга тўтиё бўлди тупроғинг.  
Вотирлар ўз тавин танка қилди гов,  
Яшнайдй давронинг, чаманинг боғинг.

Ҳаққоний жангларда қозондик

зафар,

Энг оғир йўлларни босиб ўтдик биз.  
Қурбонлар бердик биз саноксиз нафар,  
Мардларнинг шўхрати йўқолмас биз

Москва, мардларни ўстирган бешик,  
Гўдаклик чоғидан сени биламиз.  
Илк замон душманлар қоққанда эшик,  
Барчасини ер билан яксон этдик биз!

Сен чексиз қудратли, мард, азим

шаҳар,

Сендадир ҳамиша фикру ёдимиз.  
Сендан нур оламин қундуз, кеч,

сахар,

Сенга содик бўлиш — бизнинг оинтимиз!

1942 йил.

## ДУСТЛАР, КЕЛИБ ТУРИНГ БИЗГА!

Дўстлар, келиб туринг бизга,  
Кенг кучоғин очар элим.  
Дастурхонни ёздик Сизга:  
Қовун, тарвуз тилим-тилим!



Фаргона область, Киров райони марказида ўрнатилган ёдгорлик.

Н. Муҳаммаджонов фотоси



# ЖАНГЧИ МАТОНАТИ

Узум, анжир, асал,  
қаймоқ —  
Сизни имлар: — Олинглар! —  
деб.  
Тандир сомса, дўлма,  
қуймоқ —  
Совимасдан қолинглар еб.

Ҳар томонга қўз ташлайди  
Митти мезбон — Мукаррама;  
Зориқиб у, сўз бошлайди:  
— Теароқ келишсайди ҳамма!

Бир аумдаёқ ўғил-қизлар  
Стал узра бўлишди жам.  
Баъзан суҳбат, баъзан  
рақслар —  
Уйимизга киритди жон.

Дастурхонда ҳар нарса  
бор:  
Ўрик, майиз, писта, бодом,  
Помидор-у беҳи, анор,  
Маза қилар еган одам.

Хизмат қилдиқ шимариб енг,  
Меҳмон — бизнинг тан-жонимиз.  
Юртимиз кенг, бағримиз кенг,  
Дўстлик юрти — Ватанимиз.



**М** АҲМУД Ражабов — кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган кишилардан. У асли Қашқадарё область, Деҳқонобод район, Оқрабод қишлоғидан бўлиб, Сурхон-Шеробод даштларига ҳужум бошланган пайтда Сурхон воҳасига кўчиб келган. Эндиликда Маҳмуд ака оила аъзолари билан кўриқ Ленин йўли районининг Будённий номли совхозида яшайди.

Улуғ Ватан урушида кўрсатган мардлиги учун у икки марта «Қизил Юлдуз», II даражали Богдан Хмельницкий, I даражали Ватан уруши орденлари ва жанговар медаллар билан тақдирланган. Уруш кезларида йирик совет ҳарбий арбоблари, таниқли адиб ва журналистлар назарига тушган...

1929 йилнинг охири, коллективлаштириш қизғин бошланган дамлар. Уша йиллардаги бир воқеа Маҳмуд аканинг хотирасидан сира кўтарилмайди.

— Бир куни отам мени ўзи билан халқ сайлига олиб борди, — деб эслайди у. — Наврўз сайлида қишлоқ одамлари қирга тўпланишарди, кўпқари, полвонлар кураши бўларди. Қишлоғимизда Тўрачайир лақабли полвон бўлиб, ёши йигирмалар атрофида, кенг елкали, савлатидан ман-ман деган одам ҳайқарди. Тўрачайир шу кунги сайлда уч полвоннинг елкасини ерга тегизди. Шунда даврага баковул чиқиб:

— Тўрачайир номига бош соврин: бир кило бугдой қўйдим, — дея йигиланларга бир-бир қараб чиқди. Аммо ҳеч кимнинг полвон билан беллашувга юраги дов бермади. Хаёлимда эса: «Қани энди шу полвоннинг курагини ерга тегизиб, унинг ноиндан татисам, юқиндисидан бўлса ҳамки, аталасидан ичсам», деган ўй кезарди. Қандай қилиб ўртага чиқиб кетганимни билмай қолдим. Атрофдагилар:

— Хой бола, жимгина ўтирсанг-чи, бирор жойингни майиб қилиб қўямасин тагин, — дейишиб, менинг шахдимни қайтармоқчи бўлдилар. Иккаламиз ҳам анча вақт силташиб ҳолдан тоя бошлаган эдик. Ниҳоят, бутун кучимни йғиб, унинг белидан ушлаганча азот ерга ташладим...

Кураш тамом бўлагач, баковул зарда билан:

— Ма, ол! Қорни нонга тўймаган баччагар, — дея тупроқ аралаш бугдойни оҳори кетиб қолган, тешиқ дўппимга солиб берди. Дўппимнинг тешиқларидан ерга тўкилаётган бугдойни битталаб териб оларканман, ниятимга етганимга сира ишонгим келмас эди...

Йиллар оқар сувдек ўтиб борарди. Маҳмуд қишлоқ мактабиде савод чиқарди. 1936 йили уни Қаршига — ўқитувчилар тайёрлаш уч ойлик курсига ўқишга юборишди. Курсни битиргач, Деҳқонобод район комсомол комитетиде инструктор бўлиб ишлаш бошлади.

У бу ерда тобланди, кўп нарсаларни ўрганди. 1937 йилда Маҳмуд Ражабов Қизил Армия сафига қақирилди. Бу ерда у бир йиллик ҳарбий билим юртида таҳсил олди. Курсни тугаллагач, 157-кавалерия полкида бўлилма командири бўлиб хизмат қилди.

Қизил Армия Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияда халоскорлик кураши олиб борарди. Шундан сўнг бу жойлар Совет Украинаси ва Совет Белоруссиясига қайта қўшилди. Маҳмуд Ражабов ҳам Қизил Армия сафиде Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияни озод қилишдаги жангларда актив қатнашди. Худди шу йили фин босқинчиларини тор-мор қилишда жасорат кўрсатди. 1940 йилда эса Маҳмуд Ражабов ҳарбий хизматни тугатиб, қишлоғига қайтди...

Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки кунларданок Деҳқонобод район ҳарбий комиссариатига ҳар куни ўнлаб кўнгиллилар фронтга жўнатишларини сўраб келишарди. Уруш нималигини ўз бошидан кечирган Маҳмуд Ражабов ҳам ҳарбий комиссариатга ариза берди.

— Раҳмат, ўғлим, — кекса ҳарбий комиссар уни бағрига босди. — Она-Ватанимизнинг сиздек фарзандлари бор экан, албатта галаба қиламиз.

Маҳмуд шу куни иш кийимини ҳарбий гимнастёрка билан алмаштирди. Маҳмуд Ражабов бу гал дастлаб Москва остоналарида душманга қарши жангга кирди. Жиздра ёнида бўлган жангда унинг взводи устига душмanning ўн саккиз танки бостириб кела бошлади. Лекин Ражабов бўш келмади.

Кейинчалик 1-Украина фронтида ўзбек тилида чиқиб турган «Ватан шарафи учун» газетасининг 1944 йил 7 ноябрь сониде Маҳмуд Ражабовнинг «Қон-қардошлик бурчи» мақоласи босилиб чиққан эди.

— Мен ўз взводим билан Днепрдан биринчи бўлиб кечиб ўтдим, — деб эвади ўз мақоласиде Маҳмуд Ражабов. — Ун қирғоқда кичиккина ерни эгалладик. Туни билан қаттиқ жанг бўлди. Бир қадам ҳам чекинмадик. Биз ёндирган танклар, пачаклаган автомашиналар, пулемётлар ва минометлар немисларнинг ўз йўлини тўсди. Ердამга келган ўроқларимиз билан фашистларга янада қаттиқроқ ҳужум қилдик. Шиддатли жанглар билан Украина шаҳарларидан Житомир, Владимир-Волинский, Сокольный босқинчилардан озод қилинди.

Галаба кунлари яқин қолганини юракдан сезмоқдамиз. Виз фашист газанданинг ўт ичиде қолган усини кўриб турибмиз. Назаримизда, Берлин устига осмон ағдарилиб тушгандай бўлмоқда...

Маҳмуд Ражабов Европа мамлакатлари халқларини фашизм зулмидан халос этишда қатнашди. Душманин қувиб, Берлингача борди. Улуғ Ватан уруши бошлангандан то

Ғалабага қадар 101-кавалерия дивизионининг рота старшинаси, 1-Украина фронтдаги 1-кавалерия корпусининг командири бўлиб жанг қилди.

\* \* \*

Маҳмуд аканинг қуролдош дўстлари орасида таникли кишилар анчагина. 1-Украина фронтда, айниқса Киев ва Житомир шаҳрини озод қилишдаги жангларда Маҳмуд ака душман билан олишувда бир неча бор матонат кўрсатади. Шу йилларда Абдуллажон Турдиев деган жангчи билан ҳам танишиб қолди. Уруш тўғрисида икки дўст жангчи кўп ўтмай ҳар томонга ажралшиб кетишади. Шу ўринда жасур жангчининг наманганлик дўсти ҳақида икки оғиз сўз: Абдуллажон Турдиев Наманган области, Турақўрғон район, «Намуна» колхозида туғилган. Наманган район ички ишлар бўлимининг бошлиғи бўлган. Милиция подполковниги.

1974 йили «Гулистон» журналининг октябрь ойи сонида «Мангу дақиқалар» сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақолани ўқир экан, Маҳмуд аканинг кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди. Уртоғининг тирик эканлигини эшитиб, журналини бағрига босди. Мақолада авторлар атоқли ўзбек адиби Ойбек ва унинг энг яқин дўсти Абдуллажон Турдиев ҳақида ёзган эдилар.

Маялумки, атоқли адибимиз Ойбек ўз ҳаёти даврида кўплаб одамлар билан учрашган, дўстлашган, улар билан мунтазам хатлар ёзишиб турган. Адиб республикамиз санъаткорлари, ёзувчилари билан фронтга борганида ўша пайтда катта сержант бўлган Абдуллажон Турдиев билан ҳам танишиб қолади. Ҳатто Ойбек учрашув пайтида Абдуллажон Турдиевга бағишлаб кичик бир шеър ҳам ёзиб, ўқиб беради. Ўша кундан бошлаб ҳурматли адибимиз А. Турдиев билан кадрдон дўст бўлиб қолади.

Ойбек дўстига юборган бир хатида шундай деб ёзганди:

«Абдуллажон! Сиздан бир илтимос, отлик разведкачи лейтенант Ражабов деган йигитни биласими, исми нима? Қайси полкда қизмат қилган? Сизлар билан бошқа Ражабов бирга бўлганми? Жабов ёзинг...»

Ҳақиқатан ҳам ўша пайтда адиб излаган ва Абдуллажон Турдиевдан сўраган отлик разведкачи лейтенант Ражабов худди Маҳмуд ака эди. Бунга эса етарли асослар бор. Чунки Маҳмуд ака ўша пайтларда жангда жасорат кўрсатиб, ҳарбий журналистлар ва ёзувчилар, жангчилар назарига тушган эди.

Собиқ жангчи Маҳмуд Ражабов биз билан суҳбатда шундай ҳикоя қилиб берган эди:

— Жангчилар ёзувчи Ойбек келганлигини айтишди. Шундан сўнг у киши биз жангчилар билан анча вақт кизгин суҳбат қилди. Янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Ўзбекистонимизда бўлаётган ишлар, янгилıklar, оғир дамларда мардоннавор иш олиб бораётган кишилар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилди.

Адиб билан бўлган ўша кунги учрашувдан кейин Маҳмуд Ражабов ваздо билан фронтнинг бошқа позициясига жўнаб кетди ва Абдуллажон Турдиев билан бўлак учраша олмади.

Маҳмуд ака йирик ҳарбий арбоб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник Ока Иванович Городовиков раҳбарлик қилган миллий отлик қисмда жанг қилган ва шахсан у билан учрашган эди. Шун айтиш керакки, О. И. Городовиков 1932—1938 йилларда Урта Осиё ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари, будёнийчи саркарда бўлган. Улур Ватан уруши даврида эса кавалерия қисмларини ташкил этишда раҳбарлик қилган.

1943 йили Ока Иванович Городовиковнинг Москвада «Совет Иттифоқи ўғлонлари» сарлавҳали йирик публицистик мақоласи босилиб чиқади. Бу мақолада О. И. Городовиков немис фашистлари билан бўлган жанглар

миллий отлик қисмларнинг улкан жасорати тўғрисида ёзади. Шунингдек, ҳарбий қўмондан ўз мақоласида отлик қисм старшинаси Маҳмуд Ражабов ҳақида шундай дейди:

«Бир кавалерия бўлимасига қарши немисларнинг ўттизта танки босиб келарди. Старшина Ражабов бир группа жангчилар билан немис машиналарига кучли ўқ оловлари билан зарба берди ва ўнга яқин душман танкларини ёндириб юборди. Танклар орқасидан немис автоматчилари Ражабов ваздога қарши ўқ ёғдирарди. Қўршовга тушиб қолиш хавфи туғилганлигини билган старшина Ражабов қизил аскар Юрьевга ўрмонга чекинишни буюрди, ўзи эса автомат билан қолиб, Юрьевни ҳимоя қилиб турди. Ражабов томон ўнчача немис солдати эмақлаб келарди. У автомат ва гранатларни ишга солиб, ҳамма немисни нобуд қилди ва янги позицияга, қизил аскар Юрьев кутиб турган жойга муваффақиятли етиб келди. Юрьев бу орада Ражабов томонга бостириб келаётган иккита немис танкини ишдан чиқарган эди».

Жангларда тобланган коммунист Маҳмуд Ражабов урушдан кейин Деҳқонобод район ички ишлар бўлимида хизмат қилди. Жиноятчилик, майда безорилик, давлат мулкни талон-торож қилувчиларга қарши курашдаги хизматлари учун иккинчи марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

...1964 йилнинг қаҳратон қиши. Оқрабод қишлоғи: «Маҳмуд қариндош-уруғлари билан Шеробод даштига кўчиб кетаётганмиш», деган гап тарқалди. Ҳамқишлоқларининг кўпчилиги: «Мард кишининг жойи чўлда» деса, баъзи бирлари: «Оилангни, болачақангни иссиқ ўрнидан қўзғаб нима қиласан, ҳамма нарса етарли бўлса», дейишди.

Ўша йилларда Шеробод даштларини ўзлаштириш-қизғин тус олган эди. Комсомолободда улар вагон-уйга жойлашдилар. Дашт бўрони кечаю кундуз увос солар, изгири кишининг суяк-суягигача ўтиб кетар эди. Айниқса жилловсиз «афғон шамоли» қуёшли кунларда ҳам атропофни кумга тўлдириб юборарди. Чўлга кўчиб келганларнинг айримлари тизгинсиз дашт «қилиқлари»га бардош беролмай қайтиб кетишди. Маҳмуд аканинг оиласи эса, чўл тўсиқларини мардоннавор энгиб ўтди.

Тез орада уни бригадага бошлиқ этиб тайинлашди. Деҳқончилик учун етмиш гектар ер ажратилди. Дастлабки йили Маҳмуд Ражабов бошлиқ бригада коллективи йиллик пахта тайёрлаш план-топширигини муддатидан илгари ошириб бажарди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерга етказилди. Бу эса чўл шароитида ўша вақтда рекорд ҳосил эди. Шундан сўнг у беш йил «Советобод» совхозида йирик бўлимининг бирига бошчилик қилди, қолақ бўлган бу бўлимини илғорликка кўтарди. «Уста пахтакор» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ватан учун жангларда тобланган киши меҳнат фронтининг ҳам оғир участкаларида бўлишни истар экан. Комсомолобод даштлари ўзлаштирилгач, 1970 йилларнинг бошларида Истара ва Бандихон чўлларини мазмунчилик масканига айлантиришга киришди. Маҳмуд ака ҳеч иккиланмай иш энг қайноқ ва қийин кечадиган Истара массивига йўл олди.

Отанинг етти фарзанди у билан ёнма-ён. Еш коммунист Зубайда Эрматова отанинг келини. У районда машғал теримчи, дала ишини ҳам, рўзгор ишини ҳам ўз ўрнига қўядиганлардан. Вақти келса, «Зангори кема» рулини бошқаради. Айни пайтда катта бригадага раҳбарлик қилади. Маҳмуд отанинг фарзандлари Отақул, Йўлдош, Бахтиёрлар ҳам пахтакор.

Маҳмуд ота Ражабов баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам дала кезиб юради. Унинг ниёт-мақсади битта. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига муносиб тухфа тайёрлашни ўйлайди у. Эзгу мақсадларининг рўёбга чиқишига эса отанинг ишончи қомил.

И. ФОЛЬКИН,

СССР Журналистлар союзи аъзоси

40



НАЗАРМАТ

## У ЙИГИТЛАР, У ҚИЗЛАР

У йигитлар, у қизлар,  
Жангда эди ёнма-ён.  
Ботир ади ой юзлар,  
Бир-бирига кадрдон,  
Едда жасоратлари,  
Едда муҳаббатлари.

Севиншарди жонидан,  
Эди Ширин ва Фарҳод,  
Утли жанг майдонидан  
Утар ажвал ва ҳаёт.  
Висол дерди диллари,  
Иқбол дерди йўллари.

Очилганда тўп оғзи,  
Дилда қолди ишқ рози,  
Ишқ-оравда бор улар,  
Эл ёдида бор улар,  
Уққа учган муҳаббат  
Фарёдида бор улар.

Муҳаббатни кадрланг,  
Етмаганлар етишсин,  
Ишқ қудратин жасорат,  
Қадринга тенг етишсин.  
Урилмасин ишқ тошга,  
Ухшасин у қуёшга.

О муҳаббат қудратвор,  
Олам сендан чаманзор.






Душан ФАЙЗИЙ

## ҲАЁТ ҚИРРАЛАРИ

Уша —  
мозийдаги музлар кучоғидан,  
Офтобга интилиб майсалар ўси.  
Тирик ҳаёт эди,  
мурғак чоғидан,  
Бир илиқ нафаски —  
оламга эсди.  
Уша —  
кўз илғамас олис йўллардан,  
Қуёш сари талпинди еримиз.  
Тасаввурга сизмас —  
миллиард йиллардан,  
Ҳамонки энтиқиб келаётимиз...

1

Бинафша ранг аро товланар баҳор,  
Урик гулларидан оламки — оплоқ,  
Оқ ҳарирга ўранмиш олчазор,  
Кўклам жозибаси —  
зумраддир ҳаммаёқ,  
Яшил қир этаги,  
фидойи деҳқон,  
Ерга уруғ сочар — ризки-рўзидир.  
Ташвиқ, тирикчилик —  
ёзуғ ва турғён,  
Эртанги хирмонга тикилган кўзидир.  
Деҳқон,  
тонготардан окшомга қадар,  
Белбоғига тугилган ярымта нони,  
Кун бўйи мункайиб ер қайдар,  
Ерки — отамерос дунёси, жони.  
Деҳқон уруғ сочар!  
ризки — рўзидир,  
Эртанги хирмонга тикилган кўзидир.



# АФСОНаВИЙ ҚАХРАМОН

Машҳур қутбчи, география фанлари доктори, контр-адмирал, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Дмитриевич Папанинни ҳар бир совет киши-си яхши билади. У 30-йиллардаёқ «Северний полюс-1» қутб станциясининг жасоратли бошлиғи сифатида кишиларимиз қалбида қувонч ва фахрлиниш туйғуларини уйғотган эди. Унинг мислсиз қаҳрамонликлар билан йўғрилган шонли ҳаёт йўли замондошларимиз ва келажак авлодлар учун ибратдир.

И. Д. Папаниннинг ёшлиғи (у 1894 йилда туғилган) Севастополь шаҳрида, матрослар оиласида ўтди. У 1917 йилнинг охирида биринчи Қораденгиз Қизил гвардия отрядига қиради. Ушанда Иван Дмитриевич Денгиз кўшинлари штабининг йўлланмаси билан Азов-Дон ҳарбий флотилиясини ташкил этиш учун юборилади. Бу ерда у Повстан армияси қўмондони А. В. Мокроусов билан учрашади. Қўмондоннинг ўша пайтда Қримда хуруж қилаётган Врангель кўшинлари орқасига десант тушириш учун отряд тўплаётганини билгач, Иван Дмитриевич дарров десант тайёрлаш ишига бош қўшади.

Врангель кўшинлари ичига биринчи десантни туширишда кўрсатган фаоллиги ва жасорати учун И. Д. Папанин ўзининг биринчи юксак мукофоти — Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади.

1920 йилнинг сентябрида Қрим-Повстан Революцион армияси штаби уни махфий ҳарбий ҳужжатлар билан Совет Россиясига юборади. Иван Дмитриевич ўша вақтда душман итилосида бўлган Қрим территорияси орқали Туркия соҳили бўйлаб не-не



Иван Дмитриевич Папанин.



## ЮМАЛОҚ ТОШ «ОМБОР»ЛАРИ

Она сайёраимизда табиатнинг ўзи бунёд этган ҳажман бир-бирига жуда ўхшаш юмалоқ тошлар даласи учраб туради. Дунёдаги энг йirik шундай юмалоқ тошлар «омбор»и Мисрнинг Харча воҳасида жойлашгандир. Афсуски, бу «омбор»даги юмалоқ тошларни кум бўронлари емириб анча шикаст етказган, натижада тош шарлар маълум даражада ўз шаклларини йўқотган. Мазкур тош шарлар бундан йигирма миллион

йил бурун пайдо бўлган, деб ҳисобланмоқда.

Шунга ўхшаш топилма «омбор»лар жаҳоннинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам маълум. Масалан, Мексикада «Болас Пьедрас» — «Тош шарлар» деб аталадиган тош кони бўлиб, юмалоқ тошлар у ерда тез-тез учраб туради. Тош кони ичида бундай топилмалар коллекцияси мавжуд. 1978 йилда эса Карпат тоғолдида, Костешти (Руминия) шаҳарчаси яқинида ерга ишлов берилётган пайти бир неча улкан, кўптоннали кум шарлар топилди.



## МУРАЛАГАН МУЎЖИЗА

Ниначининг парвозини диққат билан кузатиш-а: бирданга отялиб учадиган, зумда орқага қайтади, юксак учувчилик кўрсатувларини маҳорат билан ижро этади. Лекин фақат сузанаклари, момолари, боболари — йirik ниначиларгина шаффоф қанотлари билан шундай ича олади. Қизгўзаллари унча катта бўлмаган сув хавзалари бўйида кезиб юради. Уларнинг пириллаган парвози у қадар тез эмас. Қанотлари ҳам тиник кўк, тиник яшилдир.

Барча ниначилар — йирткич. Улар чивилларни, чиркайларни қиради. Афсуски, айрим ниначилар шу қадар камайиб кетдики, «СССР Қизил китоби» саҳифасига тушиб қолди, баъзи бирлари эса, йўқо-

машақатлар билан Кавказга етиб келади. У ердан олдин Новороссийска, кейин Харьковга боради. Бу ерда Жанубий фронт қўмондониди М. В. Фрунзе билан учрашиб, унга Қримдаги партизанчилик ҳаракати ҳақида ахборот беради.

Шундан сўнг И. Д. Папанин Украина Коммунист (Большевик)лар партиясидида ҳарбий шариҳатдаги муҳим сирли топшириқларни бажариш бўйича масъул вазифада ишлади. Кейин эса денгизчиларни гоёт оғир шариҳатда Новороссийскдан Қримга иккинчи десант қилиб туширишга раҳбарлик қилди. Маскур десант иштирокчиси, машкур драматург Всеволод Вишневский ўша воқеа ҳақида шундай ёзади: «Папанин синалган кўнгилли денгизчиларни танлаб олди. Операцияни тезроқ амалга ошириш керак эди. Кеч бўлгач бутун Новороссийск порти соқчилар билан ўраб олинди. Папаниннинг янги десант отряди яширин равишда жўнаб кетди».

1925 йилнинг кузиди Иван Дмитриевич Екутистонга келади. Уни ҳукуматимиз Лена дарёсининг ўнг жилғаси — Алдан Қирғидаги Томмотда радиостанция қурилишини ташкил этиш учун ўша ерга йўллаган эди. Бу, Екутистондаги биринчи радиостанция эди. Станция қурилишида Иван Дмитриевич гоёт ташкилотчилик кўрсатади. И. Д. Папанин: «Менинг ҳаётимнинг шимолий қиссаси шу радиостанция қурилиши билан бошланди», деб эслайди.

1932 йилда Иван Дмитриевич хотини Галина Кирилловна билан «Малигин» музёрар пароҳидида Франц-Иосиф оролларига келади. Унга Гукер оролида Иккинчи Халқаро кутб йили программаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориладиган обсерватория қурилишига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган эди.

1934 йилда эса «Сибиряков» музёрарида И. Д. Папанин бошчилигида Евразиянинг энг шимолий нуқтаси бўлган Челюскин бурнига бир гуруҳ кўтбчилар туширилади. Қисқа вақтда бу ерда бинойидек поселка қад ростлайди, унда радиоминоралар ўрнатилди. Бу, И. Д. Папаниннинг Арктикада иккинчи бор қишлови эди.

Умуман, Шимолий кутб илмий-тадқиқот станциясида тўққизи ой давомида муҳим текширишлар, экспериментлар ўтказилади. Экспедиция раҳбари О. Ю. Шмидтнинг сўзи

билан изоҳлаганда: «Бу XX асрнинг энг улкан географик тадқиқоти эди».

Шимолий кутбдаги мисли кўрилмаган қаҳрамонлик папанинчиларни жаҳонга танитди.

Музлик жануб томон силжиган сари унинг сатҳи тобора кичрайиб борарди. Бу эса кутбчилар ҳаёти учун катта хавф туғдирарди. 1938 йилнинг 4 февралига келиб унинг сатҳи атиги 1500 квадрат метр бўлиб қолади, ҳатто музлик бир неча жойидан дарз кетади. Ана шундай қалтис шариҳатда Папанин ва унинг ўртоқлари чинакам бардошлик ва ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатдилар. Улар то 19 февралгача катта бир муз парчаси устида яшай билдилар. Совет ҳукумати папанинчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш чораларни кўрди.

Папанинчилар узоқ шимолдан тантанали қайтиб келгач, орадан ўн кун ўтиши биланок Иван Дмитриевич СССР Халқ Комиссарлари Совети қопидаги Шимолий денгиз қўллари Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари этиб тайинланади. 1939 йилдан то 1946 йилнинг июль ойи охиригача эса у шу Бош бошқарманинг бошлиғи бўлиб ишлаб, давлат аҳамиятига эга бўлган кенг миқёсдаги муҳим ишларни бажаради.

Улуғ Ватан уруши йилларида И. Д. Папанин Давлат Мудофаа Комитетининг вакили сифатида Оқ денгизда ва Архангельск портида юкларни ортши ва тушириш ишларини уюштиришда ташкилотчилик кўрсатади.

1942 йилнинг ноябрида эса папанинчи кутбчиларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига тайёрланган «Советский полярник» танк колоннаси фронтга жўнатилди. Бу, совет кишига хос ватанпарварликнинг ажойиб намунаси эди!

И. Д. Папанин истеъдодли олим, ажойиб тадқиқотчи сифатида ҳам Ватанимиз фанининг шухратини оширишда самарали хизмат қилиб келмоқда. У 90 ёшга борганига қарамаздан ҳозир ҳам СССР Фанлар академиясининг Денгиз экспедицияси ишлари бўлимига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳа, И. Д. Папаниннинг номи — бугунги ва келажак авлод учун жасорат ва қаҳрамонлик тимсоли, севакли Ватанимизга, шонли партияимизга хизмат қилишнинг ажойиб намунаси.

Г. ТИХОМИРОВ

Сой соҳили,  
Мажнун толлар сочларин ёзмиш,  
Бодом гулларининг чиройи ёниқ,  
Ошиқ ва машуққа бунда пинҳон кезмиш,  
Эркин нур ародир бутун борлик.  
Йигит энтикади сеғги суруридан,  
Қизнинг сочларини силайди энтикиб.  
Қалбарки —

равшандир муҳаббат нуридан,  
Йигит тўймак кизга кўз тикиб.  
Термулади йигит қизнинг кўзларига,  
Қизнинг қарашлари сеҳрли, ҳаёли.  
Юрак энтикади қизнинг сўзларига,  
Севишар аро гўрқидир йигитнинг ҳаёли.  
Сой соҳили сўлим ва соқин,  
Бодом гулларидан —  
оламки ёрқин!

3

Қорамтир харсанглардан  
тикланган қаср,  
Қоронғу ўрмонда баҳайбат, соқин,  
Мингёёқ, чопоғон йигирманчи аср,  
Бу ерда —  
ғиллофа бандидир букун...

Ўша —  
кўзойнакли алломай замон,  
Нимёруғ хонада, рангу рўй заҳил,  
Дунёнинг кўзидан биқиниб, пинҳон —  
Урinar!

Бир муҳит — кўрғошндай зил.  
Ақл-идрок гўё илмига қурбон,  
Бошга тож кийдирмиш —  
ялтiroк шухрат.

Бунёдкорни бир дам олқилар жаҳон,  
Ярқ этиб кетади лаҳзалик муҳлат...  
Аллома тер тўкар —

ғуборли зарралар,  
Чирмашиб бир даҳшат касб этар гўё.  
Атом бомбалари йўрғакка ўралар,  
Ваҳима!

Қалтираб кетади дунё.  
Ўша —  
кўзойнакли алломай замон,  
Нимёруғ хонада тер тўкар ҳамон.

4

Дунёни чулғади илқ,  
заррин нур,  
Дарахлар уйғонди,  
куртаклар маржон.  
Яшил ранг ичида қолди дала-қир,  
Баҳор нафасдан ҳансирар жаҳон.  
Тераклар учиди қушлар базмидир,  
Бир жуфт кабутарки —  
ин қурар ўзига.

Яшмоқ,  
тириклик — ҳаётнинг измидир,  
У — ширин кўринар куннинг ҳам қўзига.  
Қаранг,  
қалдирғочлар югуриб-елиб,  
Айвон пештоқига ташир хору хас.  
Қайдандир,  
жанубдан — олислардан келиб,  
Уй ясашар, бир муддат тинмас!  
Тераклар учиди қушлар базмидир,  
Яшмоқ,  
тириклик — ҳаёт измидир!

5

Тасаввурга сизмас —  
миллиард йиллардан,  
Ҳамонки энтикиб келаетирмиз...

Самарқанд




либ кетиш арафасида. Шу сабабли илмчиларни тутманг, табиатнинг бундай гўзал ажойиботлари борлигиндан завқланинг.

Илмчиларнинг уругдан эндигина чиққан илқобдор кўртлари сувда яшайди. Улар сув ўтлари орасида имиллаб, зўрға судралаиб юради, ўлжани кўрган заҳоти беқиниб олади ва пайт пойлаб, уни қўлга туширади.

Илмчиларнинг илқоби бор — дастакка мустаҳкамланган кучли «омбур» — уларнинг бу қуролни сув ости ҳашоратларини, итбаликларни, ҳатто майда баллиқларни овлаш-

га қодир. Уларнинг нафас олиш аъзолари хилма-хил тузилган. Майда илмчилар кўртларининг ойкулоғи — гавдасининг охиридаги учта «гулбарг» нафас олиш аъзоси ҳисобланади. Илмчиларнинг нафас олиш аъзоси яна ҳам қизилқандир. Агар диққат билан уругдан чиққан илмчилар кўртлари кузатила, листирмада ўтирган илмчилар кўртларининг қоринлари гоҳ шишиб, гоҳ пасайиб турганини кўриш мумкин. Қорини шишган чо-



да сув ичкака тушади, килород ичка деворларидан танага сингади. Душман пайдо бўлиб қолса, сув зум-



да чиқариб ташланади ва илмчи кўрти шу заҳоти бир неча сантиметр олға «учиб» ўтади. Янги муҳитга ҳозирлик кўриш вақти етган, улгайган илмчи кўртлари ўсимликлардан ўрмалаб, сув юзига кўтариллади, бир мунча вақт ҳаводан нафас олади. Ҳавони симириб бўлгач, сувни бутунлай тарқ этади ва янги мўъжиза бошланади — улар тезуچار қанотли илмчиларга айланади.

Худди мана шу мўъжизаларни журналхон Дохновский- (Давоми 10-бетда).

# НОЁБ СУРАТ

Маълумки, 1925 йилнинг февраль ойида Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон Советларининг I съездлари бўлиб ўтди. РКП(б) Марказий Комитети Сибсий бюросининг тошширигига мувофиқ Ўзбекистон республикасиغا СССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Михаил Иванович Калинин таширф бу юради ҳамда республика партия ва совет органларининг раҳбар составини сайлаган ушбу олий анжуманларда иштирок эта-

ди. РКП(б) Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, СССР МИК Раиси сифатида нутқ сўзлаган Михаил Иванович Калинин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ҳукуматининг олдида турган асосий вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон партия ташкилоти ва ҳукуматининг раҳбарлиги Ўзбекистон Компартиясининг ва республика Советларининг II съездларида социал-иқтисодий

гаражқийёт босарида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бердилар. Республика партия ва совет ташкилотларининг бу борадаги фаолияти маъқулланди.

Республика Советларининг II съезди 1927 йилнинг март ойида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг состави билан бир пайтда Советларнинг Бутуниттифоқ IV съездига делегатлар сайланди. Делегатлар составида республика партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам бор эдилар. Советларнинг Бутуниттифоқ IV съездига сайланган делегатлар орасида мен ҳам бўлганлигимдан ҳамон фахрланиб юраман.

Биз, делегатлар, Ватанимиз пойтахти Москвага ўз вақтида етиб келдик ҳамда Советларнинг 1927 йил апрель ойида бўлиб

ўтган IV съездида фаол иштирок этдик.

Танаффус пайтларидан бирида «Известия» газетаси фотомухбири Ўзбекистон делегациясининг бир гуруҳ аъзолари — республика партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини суратга туширди. Ҳозирги кунда тарихий нуқтаи назардан ноёб бўлиб қолган ушбу суратни фахр-ифтихор туйғуси билан «Гулистон» журнали саҳифаларида эълон қилиш учун тақдим этаман. Фотосуратда акс этган баъзи делегатларнинг номлари хотирамдан кўтарилгани ва уларни аниқлаш мумкин бўлмаганлиги учун ҳурматли журналхонлардан уз сўрайман.

**Очил ҚОДИРОВ,**

Советларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати,  
1925 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Суратнинг биринчи қаторида: У. Қосимова, Очил Қодиров, Акбаров; иккинчи қаторда: Абдулла Ермуҳамедов, В. А. Иванов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Йўлдошев, Акмал Икромов; учинчи қаторда: Акбар Исломов, З. Ҳақимов, Насим Ширинов, Ш. Абдурасулов, М. Ухматов, Абдулхай Тоқиев.

(боши 8—9-бетларда)

лар кузатишга эришганлар. Улар бу номаълум жонзоти баъзи бировлардек ўлдирмаганлар, балки бир неча соат пинҳанига айланишдек гўзал жараёни кузатганлар ва суратга олганлар. Ниячи кўрти кўкрагининг усти қисмида аввал дарз пайдо бўлган, вақт ўтиши билан миллиметр-миллиметрлаб боши, кўкраги, оёғи, гавдаси кўрина бошлаган. Сўнгра анча ёш, бироқ вояга етган ҳашорат хордиқ чиқариб турган. Бу вақт ичида елкасидаги шаклсиз қопчиқчада бўшлиқ суякнинг чайқали — қанотлар юзга келган. Ниячи қанчадир масофани судралиб ўтгач, қанотлар қотган, яна дам олган ва ниҳоят, у парвоз



этиган. Улар мана шу жараёнинг ҳаммасини суратга олиб, «Наука и жизнь» журнаliga юборганлар.

Табиятда ўн миллионлаб шунга ўхшаш мўъжизалар бор, лекин биз уларга жуда кам эътибор берамиз.

**Л. СЕРГЕЕВ,**  
биолог

ЮМРОНҚОЗИҚЛАР

Жаҳон адабиётининг бир қанча асарларида тасвирланган «Хамельник сичқон оловчилар» ҳақидаги афсона албатта кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Канада армиясининг офицерлар мактаби тингловчиси Жозеллик Скоблнинг юмронқозиклар курсида най чалиб турган ушбу суратига кўзингиз тушганда беихтиёр ўша афсона эсингизга тушади. Бу юмронқозиклар кутилмаганда найдан таралаётган оҳангни эшитиб, мактаб ҳовлисида пайдо бўлишади. Ғайритабиий «томоша» зоология мутахасссларининг музиканинг жонзотларга таъсирини астойдил ўрганишларига туртки бўлди.



• ЭТО ЛЮБОВЬНО

МУЗЫКА И СУСЛИКИ

**М**ЕХНАТКАШЛАРНИ  
коммунистик руҳда  
тарбиялаш йўлларини  
такомиллаштириш,  
коммунизмнинг муно-  
сим бунёдкори бўлган  
янги инсонни камол  
топтиришнинг конкрет  
масалалари коммунистик қури-  
лиш тажрибаси кун тартибига то-  
бора қатъий тарзда қўйилмоқда.  
КПСС Марказий Комитетининг  
1984 йил Апрель пленумида тар-  
бия масаласига алоҳида эътибор  
берилганлиги бежиз эмас. «Совет  
жамияти улуг мақсадларимиз  
сари дадил олға силжимоғи учун  
ҳар бир янги авлод маълумот ва  
умумий маданиятнинг, касб-кор  
малакаси ва граждон активлигини  
янада юқори поғонасига  
кўтарилиши керак. Таъбир жоиз  
бўлса, социал тараққийнинг ко-  
нуни мана шундай», — деб уқтир-  
ди КПСС Марказий Комитетининг  
Бош секретари, СССР Олий  
Совети Президиумининг Раиси  
ўртоқ К. У. Черненко мазкур  
Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи-  
да.

Шахсни ҳар томонлама камол  
топтириш учун, бир қанча объ-  
ектив шарт-шароитлар билан бир  
қаторда гоёвий-сиёсий, меҳнат,  
ахлоқий, эстетик ва жисмоний  
тарбиянинг ягона системаси ҳам  
мавжуд бўлиши керак. Кишини  
ҳаётга тайёрлаш гоёт муҳим иж-  
тимоий масаладир. Вунинг учун  
серғайрат, ижодкор шахсни  
шакллантириш, кишиларда  
муайян ахлоқий принципларни,  
актив ҳаётий позицияни, ижти-  
моий бурчга оғли муносабатни,  
сўз билан ишнинг бирлигини,  
умуман одамларга ва ҳар бир  
кишига ҳурмат-этиборни, ўз  
«яшаш йўли», юксак идеал ва  
мақсадларига иш кўзини билиб  
ва принципаал эргашишни тарби-  
ялаш зарур.

Янги жамият кишини кам-  
молга етказишда эстетик тарбия-  
га алоҳида аҳамият берилган.  
Шахс маънавий дунёсини, унинг  
борлиққа бўлган оғли маданий  
муносабатни шакллантиришда  
санъатнинг аҳамияти бениҳоя-  
дир. Ривожланган социализм ша-  
роитида эстетик тарбиянинг роли  
ва аҳамияти беқиёс ўсиб боради.  
Коммунистик қурилишнинг бут-  
ун жараёни, ўз моҳиятига кўра,  
гўзаллик қонунлари асосида  
дунёни ва кишиларни тубдан ўз-  
гартариш жараёнидир.

Маълумки, бугунги кунда санъ-  
ат совет кишилари ҳаётида жуда  
катта социал ўрин тутади. Санъат  
фақат қувонч, бахтиёрлик ва  
яхши кайфият бағишлаб қолмай,  
балки баъзи хасталикларни даво-  
лаши ҳам мумкинлиги ҳақида  
кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Ҳа-  
қиқатда яшаб ўтган врач, файла-  
суф ва шоирларнинг бизгача етиб  
келган асарларида эса санъат  
муолижа воситаси сифатида тад-  
қин этилганлигининг гувоҳи бў-

# ЯНГИ КИШИНING КАМОЛИ

ламиз. Масалан, юнон олими  
Арасту «катарсис», яъни олими  
асарлари таъсирида инсон ахлоқ-  
ий ҳамда жисмоний нуқсонлар-  
дан халос бўлиши мумкинлиги  
ҳақидаги таълимотни яратган  
эди.

Ҳа, сихат-саломатлик деганда,  
фақат жисмоний хасталиклардан  
форигликка эмас, балки киши-  
ни маънавий жиҳатдан камол  
топтириш ҳамда ижтимоий фой-  
дали фаолият жараёнида киши-  
ларда ижодий қобилиятнинг тўла  
намоён бўлишини таъминлаш  
ҳам тушунилади. Бундай талқин-  
нинг ҳамма жиҳатларига санъат  
бевосита алоқадордир.

Сўнги ўн йилликлар мобайни-  
да врачлар ана шу ажойиб шифо  
воситасидан муайян методик  
усуллар ёрдамида унумли фойда-  
ланишни ўрганиб олдилар. Меди-  
цинада музика билан даволаш,  
яъни музикатерапия кенг қўлла-  
нилмоқда.

Баъзи беморларнинг соғлигини  
тиклашда бадий адабиёт асарла-  
ридан мохирона фойдаланиш-  
нинг ҳам аҳамияти катта. Бундай  
даволаш усули библиотерапия деб  
ном олган. Ҳарбий врачлар  
А. Толстойнинг «Рус характери»,  
Н. Островскийнинг «Пўлат қан-  
дай тоблани» асарлари мутола-  
аси медиклар бошқа даволаш  
воситалари ёрдамида эриша ол-  
маган шифони берганини таъкид-  
лайдилар. Санъат ярадорларга  
ҳаётга муҳаббат ва ўз кучларига  
ишонччи қайтарган, оғир азобни  
енгишга ёрдам берган. В. Поле-  
войнинг «Чин инсон киссаси» аса-  
рини эсланг! Урушда иккала  
ёғидан ажралган, сўнг ирода  
кучи билан яна учувчи бўлиб  
сафга қайтган Алексей Мересь-  
евнинг ҳаёти урушдан кейинги  
йилларда оғир хасталикларни  
енгишда ўз кучларига ишонч  
пайдо қилишда, Ватанга керакли  
инсон бўлишда кўпгина киши-  
ларга ёрдам берди.

Театрнинг соғлиққа яхши таъ-  
сир этиши ҳам кўпдан маълум.  
Театр санъати бизга ҳиссиётлар  
тўлқинини — шодлик, яхши кай-  
фият, руҳий кучларнинг энгилла-  
шуви ва жўшқинлашувини бах-  
шида қилади. Врачлар, психо-  
терапияда, масалан, театротера-  
пиянинг бошқа методлари билан  
биргаликда Станиславский  
методи асосида беморнинг  
нормал ҳаёт вазиятига «син-  
гиз кетиши»ни муваффақият бил-  
ан қўллаяптилар.

Дарҳақиқат, музикатерапия бо-  
ладилкан тўғри ва тугал бадий,  
мусиқавий тарбия олган киши-  
ларга айниқса самарали таъсир

кўрсатиши мумкин. Қадимдан  
музика Шарқда, шу жумладан,  
Урта Осиёда ҳам, жисмоний ва  
руҳий хасталикларни даволай  
олувчи самарали тиббий восита-  
лардан бири сифатида қўлланиб  
келинган. Буюк олим Абу Али  
ибн Сино музиканинг қўлланили-  
ши ҳар томонлама самарали  
эканлигини илмий жиҳатдан  
асослаб берди. «Тиб қонунлари»  
ва бошқа асарларида у беморга  
таъсир кўрсатишнинг энг муҳим  
воситаларидан бири сифатида му-  
зикани тавсия этади. Ибн Сино  
музиканинг шифобахш хусуси-  
ятларини инсонни маънавий ка-  
молотга етказиш вазифалари ва  
воситалари билан уйғунлашти-  
риб талқин қилди. Абу Райҳон  
Беруний ҳам шунга ақин нуқтаи  
назарни баён қилади: «Қамиш,  
сурнай ва куйларга келсак, ула-  
рининг қалбга таъсири аниқдир ва,  
эҳтимол, уларнинг (қалб билан)  
ақинлигидан, муайян ҳолларда,  
бадан ҳам фойда олгусидир». Абу  
Наср Форобийнинг музиканинг  
соғлиқни мустаҳкамлашдаги роли  
ҳақидаги мулоҳазалари ҳам  
диққатга сазовор. «Бу илм бадан  
сихати учун фойдалидир, чунки  
бадан хасталанганда қалб ҳам  
заифлашади, бадан қийинчилик-  
ка дучор бўлганда, қалб ҳам  
шундай синаотга юз тутади. Қалб  
шифо олганда, унинг қувватлари  
ана шундай амалии келтирувчи  
товушлар ёрдамида қалб субстан-  
циясига ҳадланган ва мослашган-  
да бадан ҳам шифо топади». Му-  
зика билан даволаш соҳасида  
Шарқ табиблари тўплаган таж-  
рибаларни махсус ўрганиш гоёт  
фойдали бўлур эди.

Халқ фақат музика фольклори  
намуналаринингина эмас, балки  
профессионал санъат асарларини,  
Шашмақомни, оммабоп катта  
ашуаларни ҳам севиб ардоқлай-  
ди. Биргаликдаги кечинма, бирга-  
ликдаги ижодийнинг ўзбек ма-  
халлий шариотларда музикатера-  
пия методларини ишлаб чиқишда  
негиз бўлиши мумкин. Музика  
меросини сақлаб қолиш, ўрганиш  
ва тарғиб қилишда халқ музика-  
сининг Юнус Ражабий, Тўхтасин  
Жалилов ва бошқа билимдонлари  
амалга оширган улкан иш тадқи-  
қочиларга республикамизда му-  
зикатерапиясини илмий асосларини  
ишлаб чиқиш учун бой материал  
беради.

Айтиш керакки, фан-техника  
тараққийи шариотида касаллик-  
ларнинг характери тубдан ўзгар-  
ди. Шаҳарларнинг кўпайганлиги,  
ишлаб чиқариш жараёнларининг  
механизмлашуви ва автоматлаш-  
тирилиши жисмоний меҳнатни

бирмунча камайтириб, бир ма-  
ромли қилади, технологик сурь-  
атларни тезлаштиради ва оқибат-  
натижада инсон фаолиятида руҳ-  
ий-эмоционал тарангликни ку-  
чайтиради. Шунинг учун фан-  
техника тараққийи шариотида  
санъатнинг «профилактик-соғ-  
ломлаштирувчи» имкониятла-  
рини амалга оширишда техника  
эстетикаси жуда катта роль  
ўйнайди. Меҳнат эстетикасини  
вужудга келтириш иш пайтида  
чарқоқни камайтиради. Иш  
жойини тоза, шинам — эстетик  
жиҳатдан нормал тутиш орга-  
низм фаолиятини яхшилади.  
Иш фаолияти санъат турлари  
билан уйғунлаштирилганда эса,  
организм функциялари ҳам нор-  
маллашади. Юрак уриши, нафас  
олиш ва нафас чиқариш, уйку ва  
бедорлик, юриш ва нутқ функция-  
лари ҳаммаси бир-бирига бўйсу-  
нади. Ана шу сабабдан меҳнат  
эстетикасига эришиш кишилар-  
нинг иш фаолиятига жуда самар-  
али таъсир кўрсатади. Масалан,  
биргаликда ишлаётган кишилар  
гурӯҳи ҳаракатларини ягона ма-  
ромга келтиради, бу эса меҳнат  
унумдорлигини оширади, меҳнат-  
натияна янада жозибали ва ёқимли  
қилиб, организмнинг қаттиқ то-  
лиқнишга йўл қўймайди. Шу  
боисдан бўлса керак, композитор-  
лар ҳам маршлар ижод қилишда  
инсон организмнинг биологик  
маромига таянадилар.

Соғлом кишининг ҳаёти ишчан-  
лик, ёрқин, жўшқин ва шу каби  
турли-туман ҳиссий кечинмалар  
билан характерланади. Куйни  
ёки бадий асарни идрок қилиш  
эса қўллаб образларни жонланти-  
ради, унда ёрқин ҳаяжонли ке-  
чинмалар бўрони жўш уради. Бу  
ҳаяжонли кечинмалар киши ор-  
ганизмнинг асаб, юрак-контми-  
р, нафас, ҳаракат ва бошқа  
системаларига янги куч бахш  
этади. Санъатнинг соғлиғимизга  
кучли таъсири негизини айни шу  
руҳий — физиологик кечинмалар  
ташкил қилади. Эстетик ҳисси-  
ётларнинг шифобахш кучини ту-  
шуниш керак. Зеро, кўпгина ка-  
салликлар турғун салбий ҳисси-  
ётлар заминидан пайдо бўлишини  
унутмаслик зарур. Эстетик ке-  
чинмалар ақлий фаолиятга ҳам  
таъсир кўрсатади, шу билан бу-  
тун руҳий фаолиятимизни салбий  
ҳиссиётлардан «тозалашга» ёр-  
дам беради.

Кузатишлар юрак-контми-  
р ҳамда руҳий асаб касалликлари  
ўртасида муайян ўзаро боғлиқ-  
лик мавжуд эканлигини кўрсат-  
моқда. Бу хил касалликларнинг  
олдини олиши жуда ёшлқдан

**Тадқиқот,  
кашфиёт,  
ахборот**

## Тадқиқот кашфиёт ахборот

бошлаш керак, чунки айна шу паллада кишининг характери, унинг ижтимоий воқеликка муносабати, атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларга аралашуви, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатлари шаклланади. Ана шу мураккаб жараёнда кишининг умуман руҳиятига санъат чуқур эмоционал таъсир кўрсатади. Кишининг ўзи бу ҳодисага эмоционал муносабатда унинг ҳиссиётлари, дидининг ривожланиш даражаси ва характери, иродаси, граждандлик ва ахлоқий интилишлари ўз ифодасини топади. Эмоционал реакциялар кишининг дунёқарашини, унинг ижтимоий ҳаётини позициялари билан шубҳасиз боғлиқ. Эстетик тарбия дунёқарашининг шаклланишига ҳам таъсир қилади. Эстетик муносабатсиз дунёқараш ҳеч қачон бир мақсадга йўналган, воқеликни объектив ва бутун тўлалигича қамраб олишга қодир бўлиши мумкин эмас. Эстетик қарашлар дунёқарашнинг бир қисмини ташкил этиб, эмоционал соҳа билан чамбарчас бирликда ривожланади ҳамда инсоният бутун эстетик тажрибасини мантикий ифода қилади ва умумлаштиради.

Санъатнинг таъсирчан, маънавий сарфарб қилувчи роли социалистик фаолиятда гоъвий ва ахлоқий тарбия системасининг энг муҳим жиҳатларидан бирини ташкил қилади. Эстетика ёрдамида тарбиялаш янги кишини камол топтиришда реал куч, фаол восита бўлмоқда.

«Социализмни барпо этиш ва унинг тақомиллаштириш — замонавий завод ва электр станциялар қуришдан, ермизининг, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг чиройини очишдангина иборат эмас. Бу — коммунистларнинг доимий, аммо асло ягона юмушигина эмас, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток К. У. Черненко, — кишиларнинг турмуш шароитини ўзгартириб бериб, айна вақтда уларни гоъвий-маънавий жиҳатдан камол топтириш учун ҳамма ишчи қилиш зарур. Кишиларни маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни социалистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта ишлар қилмай туриб, етук социализмни тақомиллаштириш вазифаларини удалаб бўлмаслиги равшан».

Ҳақиқий коммунистик жамият инсон шахсини мислсиз уфқларга чорламоқда. Шу билан биргаликда ўзининг бутун тарихи давомида ўз буюк эстетик қимматини ибботлаган барча халқларнинг тинчлиги, меҳнати, озодлиги, тенглиги, қардошлиги ва бахтсизлиги каби инсоний муносабат ва идеалларини таъсис этувчи янги жамият учун курашда инсон ўзининг маънавий гўзаллигини тўла-тўқис намойиш этади.

Татьяна ОСИПОВА,  
фалсафа фанлари кандидати

Машҳур Галлей кометаси Ер сатҳига сари ҳар суткасига бир миллион километр тезлик билан яқинлашиб келаётган. Ана шу комета билан учрашш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан бир неча планеталаро станциялар бепойн фазага учиб кетди ва учиб кетмоқда. 1984 йилнинг 15 ва 21 декабрь кунлари ана шу само мўъжизаси томон биринчи бўлиб совет ашаратлари йўл олади.

Фазовий меҳмон ўзининг қандай хусусиятлари билан бу қадар катта қизиқиш уйғотаётган? Олимлар комета билан учрашувдан қандай мақсадларни кўзда тутишлари? «Литературная газета» нинг муҳбири Л. Харьковна ана шу саволлар билан СССР Фанлар академияси Космик тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари В. Балебановага мувожабат қилди. Қуйида ана шу суҳбат таржимасини журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

— Кометалар қадим-қадим замонлардан буён фавкуллода ҳодисаларнинг элчиси сифатида кишилар онга ва тасаввурига таъсир этиб келган. «Думли юлдуз»ларнинг ана шу «хосияти»ни қандай тушуномқ керак?

— Бу нарсани аввало ана шу кометаларнинг фавкуллода кўриниши ва ҳолати билан изоҳламоқ керак. Бепойн бўшлиқда ниҳоятда узун думи алангаланиб учиб бораётган юлдуз кишиларни ҳайратга солибгина қолмай, уларда хурофий даҳшат туйғуларини

ётнинг пайдо бўлиши масаласига аниқлик киритишга умид боғламоқдалар.

Кометаларнинг ядролари, масалан, Күёш системасини пайдо қилган ўша газ-чанг булутларининг эҳтимолий қолдиқлари ҳисобланади. Ана шу «дастлабки» моддан кометалар ўз «бағрида» «сақлаб» келаётганга ўхшайди.

Бундан ташқари, махсус, бошқача айтганда, кометавий шароитда рўй берадиган кимёвий ўзгаришлар Ер атмосферасида органик моддалар пайдо бўлиши-

# ГАЛЛЕЙ БИЛАН УЧРАШУВ

ҳам уйғотган. Энг йирик ва ёрқин кометалардан бири бўлган Галлей ўтмишдошларимиз тасаввурини осмон ёриткичларининг энг муҳиши, ваҳималиси бўлган. Мазкур «думли юлдуз»нинг тарихан маълум ва машҳур эканлиги сабаби ана шунда. Эски маълумотлар ва турли хил ҳужжатларда кометанинг Күёш ёнидан 29 марта ўтганлиги қайд этилган, унинг ҳақидаги илк хабар эра-миздан аввалги 240 йилга таллуқли. Кометанинг 1910 йилдаги сўнгги ташрифи ҳам замин кишиларини ўта даражада кўрқитиб юборган. Албатта, кўрқув ва даҳшатлар ўринсиз эди. Олимлар комета билан учрашув онларини сабрсизлик билан кутмоқдалар, кўплаб муаммоларни ҳал этишга, жумладан ер юзиди ҳа-

нинг дастлабки сабабкори бўлган, деган тахминлар ҳам мавжуд. Илмий фаразлардан бирига биноан, айнан ана шундай кометалар баҳайбат думлари билан ерни туртиб ўтиб, ҳаёт пайдо бўлишини таъмин этганлар.


— Агар кометаларнинг ўзи бизлар томон келаётган экан, уларни қаршилагга космик аппаратлар жўнатиш шартми? Бу экспедицияларнинг илмий қиммати нималардан иборат?

— Кометанинг деярли барча массаси унинг ядросига тўпланган бўлиб, уни, таъбир жоиз бўлса, ҳали ҳеч ким ҳеч қачон ўз кўзи билан кузатишга муваффақ бўлмаган. Комета ядросининг таркиби ниҳоятда кичик ҳажмли бўлганлигидан, у ҳатто ердаги

қудратли телескоплар воситасида ҳам кўзга қалинмайди. Ядросининг ўзи қандай тузилганлиги — у яхлит бутунликдан иборатми ёхуд бир-бирига яқин учиб бораётган жисмлар йиғиндисидан иборатми? — деган масала ҳам ноаён. Комета ядросининг суратга олиниши натижасида бу масала хусусида тўқисроқ маълумотга эга бўлаемиз, албатта.

Кутилаётган ноёб экспериментлар натижасида олимлар, шунингдек, комета плазмасининг марказлашуви ва составини, мавжуд бўлган тақдирда магнит ва электр майдонларининг катта-кичиклигини аниқлаш, кометанинг күёш шамоли билан ўзаро муносабати характери кўзатиш ва коказо масалаларни ҳал этишга олимлар катта умид боғламоқдалар.

Учрашув 1986 йилнинг март ойида, Ердан тахминан 150 миллион километр олислиқда содир бўлади. Учрашув жойига планеталаро туртга автоматик станция учиб кетади. Уларнинг иккитаси советларники («Вега» лойиҳаси), бири Ғарбий Европаники («Жотто» лойиҳаси) ва яна бири — японларники («Планета — А» лойиҳаси). Совет аппаратлари комета билан бир неча кун аввал учрашиб, «Жотто» ва «Планета — А» программаларини йўналтиришга ёрдамлашади. Хусусан, «Вегалар» томонидан берилган маълумотлар чет эллик олимларга комета ядросига яқинлашиб бориш учун таваккал йўл тутиш шартини-шарт эмасми, деган муаммони ҳал қилишга қўмақлашади. Бизнинг космик станциямиз («Вега-1») учушининг биринчи босқичида туширилувчи аппарат ёрдамида Венера планетасининг атмосферасини, булут қатлами ва юзини ўрганиши ҳамда аэростат зонд ёрдамида Венера атмосферасининг айланисини ва унинг метеорологик параметрларини ўрганишга доир принципал янги экспериментлар ўтказишни давом эттириш режалаштирилмоқда. Шундан сўнг у комета билан яқинлашув траекториясига чиқади. Бундай эксперимент жаҳон космонавтикаси тарихида биринчи марта амалга оширилмоқда.



Н. Муҳаммаджонов фотоси  
Техника экинга шай.

# ХАЛҚ МАОРИФИНИНГ РАВНАҚИ УЧУН

Мактаб таълими—  
умумхалқ иши

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча миллий сиёсатга амал қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ миллий ўлкалардаги меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш шароитларини яхшилаш, саводсизликни тугатиш, мактаб ва маориф системасини қайта қуриш чораларини кўрди.

1919 йил 26 декабрда В. И. Ленин тарихий ҳужжатга — «Саводсизликни тугатиш тўғрисида»ги Декретга имзо чекди.

«...Мамлакатимизда саводсизлик каби ҳоллар давом этар экан, — деган эди В. И. Ленин, — сиёсий маориф ҳақида гапириш жуда қийин бўлади, бу сиёсий вазифа эмас, бу бир шароитдирки, узис сиёсат ҳақида гапириш мумкин эмас. Саводсиз киши сиёсатдан четда туради, унга аввало алифбени ўргатмоқ керак. Бусиз сиёсат бўлиши мумкин эмас, бусиз фақат миш-миш гаплар, ғйбат, чўпчаклар, хурофий гапларгина бўлиши мумкин, лекин сиёсат эмас». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-том, 63-бет).

Мазкур Декретга асосан 1920 йил 17 сентябрда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети граждандарни саводли қилиш ҳақида 118-сонли буйруқ чиқарди.

...Буюк революция туфайлигина Наманган меҳнаткашлари учун ҳам чинакам илм-маданият эшиги очилди, янги типдаги совет мактабларини ташкил этишга имкон туғилди.

1922 йилда ҳозирги Наманган области территориясида 57 умумтаълим мактаби бўлиб, унда 8 минг 857 ўқувчи ўқирди.

Коммунистик партия ва Совет давлати ғамхўрлигининг самараси ўлароқ бу областда ҳам маориф ишлари кенг ривож топди. Агар 1927—1928 ўқув йилида Наманганда умумий ўрта таълим мактаблари 192 та бўлиб, унда 11 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олган бўлса, 1940—1941 ўқув йилида мактаблар сони 327 тага, ўқувчилар сони эса 101 мингга етди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил 22—30 ноябрда бўлиб ўтган II съездининг резолюциясида шундай деб кўрсатилди: «Хотин-қизларни тўла озоод қилишнинг асосий шартларидан бири — уларнинг маданий савиясини оширишдир. Бу вазифани ҳал қилиш учун партия хотин-қизларни ўқитиш масаласини кенг кўламда ҳал қилиши керак».

Шунга мувофиқ республика партия ва ҳукумати меҳнаткашлар ўртасида саводсизликни тугатиш учун кенг кураш бошлади. Мактаб ва ўқувчилар сони тобора ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ўқитувчи кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

1926—1927 ўқув йилларида Наманган ва Андижон шаҳарларида ҳам ўқитувчилар тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Маълумки, совет мактаби тараққиёт йўли давомида жуда кўп босқичларни босиб ўтди. Еш авлодни тарбиялашда янги-янги прогрессив усуллар ишлаб чиқилди. Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Наманган областида ҳам халқ маорифи, хунар-техника таълими тармоқлари кенгайиб, ўқув-тарбия жараёни такомиллаштирилди. Ҳозирги кунда областда 504 мактаб бўлиб, буларда кўплаб малакали педагоглар ёш авлодга билим беришда фидойилик кўрсатмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1984 йил) пленуми таълим-тарбия ишларини замон талаби даражасига кўтариш, янги авлоднинг коммунистик қурилишда янада кенгроқ иштирок қилишини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўйди. Бу борада Наманган областида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда областдаги 25 тадан ошиқ ўқув-ишлаб чиқаруш комбинатида мактаб ўқувчилари турли хунар ва касбларни эгалламоқдалар. Масалан, Норин райониде тўртта йирик ўқув ишлаб чиқаруш комбинати ташкил қилинган бўлиб, унда 12 хил касб-хунарни ўрганиш курслари ташкил қилинган. Йўлдош Охунбобоев номидаги 23-ўрта мактаб ўқувчи-

ри механизаторлик, дурадгорлик, гулчилик каби касбларни ўрганиш билан бирга Калинин номидаги колхознинг 3-ва 4-бригадаларини оталиққа олишиб, уларга хўжалик ишларида кўмаклашмоқдалар. Мактабда янги таълим системасини ҳаётга татбиқ қилишга амалий тайёргарлик кўришмоқда. Мазкур мактабнинг Шокиржон Собиров ва Солихон Аҳмедов сингари тажрибали ўқитувчилари бу муҳим ишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар ўқувчиларга дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлиги, гулчилик санъатини ўргатишда ҳомийлик қилаётирлар.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, мактаб ўқувчиларини ҳар томонлама етук кишилар қилиб тарбиялашда уларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда аввало дарсдан кейинги ташкил қилинадиган ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб ўқувчиларини дарсдан кейин ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида Наманган области мактабларида ибрат бўларли тажрибалар қўлга киритилган. Масалан, Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Мазкур мактабда халқ музейи ташкил қилинган бўлиб, унда ўқувчиларнинг бевосита иштирокида икки мингдан ошиқ тарихий ва этнографик

ёдгорликлар тўпланган. Халқ музейида тарбиявий-маърифий ишларни ташкил қилишда барча ўқувчилар, педагоглар фаол иштирок этмоқдалар. Музейнинг ўн иккита залида ёшлар бўш вақтларида ўлкамиз тарихини, унинг географик тузилишини ўрганадилар.

Мактаб ўқувчиларини ижтимоий фойдали ишларга жалб қилишда Ленин комсомоли номидаги Наманган шаҳар Маданият ва спорт комплекси, 6-микрорайонга қарашли Уй-жой бошқармаси қошидаги Маданият уйи фаолияти ҳам эътиборга моликдир.

Хуллас, область халқ маорифи ходимлари ўқувчи ёшларга касб-хунар ўргатиш, энг аввало, коммунистик қурилиш ишларида фаол иштирок қиладиган малакали ёшларни тайёрлаш борасида тиймай изланмоқдалар. Албатта, бу соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар анчагина.


Бугунги кунда область мактабларида олиб борилаётган ишлар янги таълим системасида белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилган.

Ҳожиакбар САИДОВ,

дочент

Эркин МИРЗААЛИЕВ,

Наманган Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси



Парвоз.

Э. Маликов фотоси

# САРКАРДА ФРУНЗЕ

ТУГИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТУЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

**С**ОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Совет давлатининг йирик арбоби, атоқли саркарда, харбий назарётчи, В. И. Лениннинг шогирдларидан ва сафдошларидан бири, Қизил Армияни ташкил қилишда фаоллик кўрсатган жонкуяр раҳбарлардан бўлмиш Михаил Васильевич Фрунзе туғилганига 100 йил тўлди.

М. В. Фрунзе 1885 йил 2 февралда Туркистон ўлкасига қарашли Еттисув область, Пишпак (ҳозирги Фрунзе) шаҳрида фельдшер оиласида дунёга келди. У 1904 йили Верный (ҳозирги Олмаота) шаҳрида гимназияни тугатиб, сўнг Петербург политехника институтининг иқтисод факультетига ўқишга кирди. Талабалик даври инқилобий кўтарилиш йилларига тўғри келди. У пойтахт студентларининг инқилобий фаолиятида кизгин иштирок эта бошлади. 1904 йилнинг ноябрь ойда РСДРП(б) аъзоси бўлди, революционер-большевик сифатида танилди.

1905 йил 9 январда Петербург ишчилари ўққа тутилган «Қонли яқшанба»дан кейин бутун мамлакатда чоризмга қарши революцион ҳаракат оммавий тус олди. Ана шу пайтда Москва партия комитети М. В. Фрунзени Иваново-Вознесенск санаот районидagi Шуй шаҳар тўқимачиларининг революцион ҳаракатига бошчилик қилишга юборди. Бу ердаги иш ташлаш 72 кун давом этди. Воқеаларни кузатиб борган В. И. Ленин ишчилар эришган дастлабки муваффақиятларга катта баҳо берди. М. В. Фрунзенинг бундан кейинги ҳаёти тўла-тўқис большевиктик партия фаолияти билан чамбарчас боғланди.

М. В. Фрунзенинг моҳир ва тадбиркор саркарда бўлиб камол топишида улур революция ижодкорларининг шахсий намунаси катта аҳамиятга эга бўлди. Узоқ муддатли сургув, ўлим жасосига ҳужм, кийнок ва аюб М. В. Фрунзедай мустақкам ирода кишисининг қаддини бука олмади. У инқилоб мактабида озодлик ва эъгулик учун кураш таълимини олди.

1918 йилнинг 26 декабрда Шарқий фронтнинг 4-Армиясига қўмондон қилиб тайинланганидан сўнг М. В. Фрунзенинг саркардалик фаолияти аяқол кўзга ташланди. Кейинчалик у Шарқий фронтнинг жанубий группасига, Шарқ қўшинларига, Туркистон ва Жанубий фронтларга қўмондонлик қилди, Узининг истеъдодли, янги тилдаги саркарда эканлигини намойиш этди.

1919 йил баҳорида ёш Совет ҳокимияти учун тахликали кунлар бошланди. Шарқда Колчак армияси Самара, Қозон ва Симбирск шаҳарларини босиб олиш хавфини тугдирди. Колчакда асосий зарбани Шарқий фронт қўшинларининг Фрунзе қўмондонлигидаги Жанубий группаси бериши керак эди. 1919 йилнинг 28 апрелида Қизил Армия қисмлари қатъий ҳужумга ўтиб, душманга қўққисдан ва қақшатқич зарба бердилар. Вугуруслан, Вугульман, Белябей озод қилинди. Жанубий группа қўшинларининг бундай муваффақияти Шарқий фронтнинг бошқа армиялари учун ҳам ҳужумга ўтиш имкониятини очиб берди.

В. И. Ленин Қизил Армия олдига душманга тиним бермай, уни Урал тоғлари орқаси-

га улоқтириб ташлаш вазифасини қўйган эди. «Агар қишгача Урални қўлга киритмасак,— деб телеграмма берди Ленин Шарқий фронтнинг Революцион-Харбий Советига,— революциянинг ҳалок бўлиши муқаррар деб ҳисоблайман».

В. И. Лениннинг қақриғи Шарқий фронт қўшинларини рағбатлантирди ва улур ҳужумни янада кучайтирди. 7 июндан 8 июнга ўтар кечаси, Оқ Идил дарёсидан ўтиб, Уфа учун қаттиқ жанг бошланди. Жанг бўлаётган жойга М. В. Фрунзе етиб келиб, Иваново-Вознесенск полкни шахсан ўзи ҳужумга бошлаб борди. Аэропландан ташланган душман бомбаси Фрунзе миниб кетаётган отни ўлдирди. Фрунзенинг ўзи контузия бўлди. Шунга қарамай, Фрунзе жангни бошқаришда давом этди.

1919 йилнинг июлида М. В. Фрунзе В. И. Лениннинг тақлифи билан Шарқий фронт қўмондони қилиб тайинланди. Июль ойи мобайнида Шарқий фронт қўшинлари Урални батамом озод қилдилар. Колчак галалари Сибирга улоқтириб ташланди. 1919 йилнинг 14 августида, Фрунзе Туркистон фронтининг қўмондони қилиб тайинланди. Бу пайтда Колчак армиясининг қолган-қутган тўдалари Қизил Армиянинг Туркистонга ёрдам беришига тўқинлик қилишга уринарди. Оксгардиячиларни батамом яқсон этиш ҳар жиҳатдан муҳим эди. Мавжуд аҳволни атрофлича ўрганиб чиққан М. В. Фрунзе Актюбинск — Орск операциясига моҳирона раҳбарлик қилди. Натияжада душманинг 40 минг кишидан иборат қўшини асир олинди. Шундан сўнг 1919 йилнинг сентябрда Туркистон фронтининг 1-армияси Туркистон республикасининг қўшинлари билан бирлашдилар. Шу муносабат билан М. В. Фрунзе ўз буйругида бундай деб ёзган эди: «Оруз қилинган кун келди! Туркистонга йўл очилди!»

14 сентябрда М. В. Фрунзе В. И. Ленинга қўйидаги телеграммани юборди: «Ховир биринчи армия қўшинларининг Туркистон билан қўшилгани ҳақида хабар олинди... Туркистон фронти қўшинлари Сизни ва республикани ана шу хушхабар билан табриқлайдилар».

М. В. Фрунзе 1920 йилнинг бошларида армияга қўмондонлик қилиш билан бирга Бутуррессия Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлар Совети ва РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бўйича комиссиясининг аъзоси сифатида иш олиб борди. У қўмондонлик қилган Туркистон фронти қўшинлари ўлкадаги ички контрреволюция билан ажнабий интервенциянинг бирлашган кучларига қақшатқич зарба бердилар. Туркистон фронти штаби Туркистон қуроли кучларини қайтадан ташкил қилди. Қўллаб маҳаллий аҳоли вакиллари кўнгилдилар қаторида Қизил Армия сафига кирдилар. Тез орада бутун фронт бўйлаб ҳужум бошланди.

1920 йил март ойи охирида Қизил Армия қисмлари Еттисувда Колчак тўдаларини батамом яқсон қилдилар. Уша йилнинг ёзи ва кузига келиб, Фарғонада ҳам босмачиларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борилди.

М. В. Фрунзенинг Бухоро амирлигини тугатиш операциясига бошчилик қилишдаги, Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилиши-

даги, ички ва ташқи контрреволюцион кучларни тор-мор этишдаги ҳамда ўлкада Совет ҳокимиятини мустақкамлашдаги роли катта бўлди. Мамлакатдаги ички душманлар ҳужуми давом этар, жанубда — Қрим, Перекоп, Чангор атрофларида Врангел армияси қаршилик кўрсатиб турар эди. Ҳар дақиқада душман ҳужумга ўтиши мумкин эди. М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги Жанубий фронт қўшинлари Врангел армиясини тамоман тугатиш чораларини кўрди.

Моҳир саркарда Севаш қўли орқали ўтиб, душманинг орқа томонидан асосий зарба беришга қарор қилди. 7 ноябрдан 8 ноябрга ўтар кечаси Жанубий фронт қўшинлари душманинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Перекоп истеҳкомларини эгалладилар. Кейинги бир hafta ичида Чангор истеҳкоми, Севастополь ишғол қилинди. М. В. Фрунзе 1920 йил 16 ноябрда В. И. Ленинга телеграмма юборди: «Бугун отлик аскарларимиз Керчни олишти, Жанубий фронт тугатилди»,— деб хабар қилди.

Михаил Васильевич Фрунзе нафақат буюк саркарда, балки мамлакатимизда социализм қурилишининг актив иштирокчиси, марксизм-ленинизм таълимоти билан қурулган йирик сиёсий ароб ҳам эди. 1920 йил ноябрда М. В. Фрунзе Украина Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Уша йилнинг декабрда эса Революцион Харбий Советнинг Украина бўйича вакили, Украина Қуроли Кучлари қўмондони ва Украина Халқ Комиссарлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

1924 йил март ойда партия Марказий Комитети М. В. Фрунзени янада масъулроқ лавозимга — СССР Революцион Харбий Совети раисининг ўринбосари ва Харбий денгиз ишлари бўйича Халқ комиссарининг ўринбосари лавозимига кўтарди. 1924 йилнинг апрель ойдан бошлаб у ишчи дехқон Қизил Армиясининг Штаб бошлиғи бўлди ва Харбий Академияга раҳбарлик қилди.

СССР Марказий Ижроия Комитети М. В. Фрунзени 1925 йил январда Революцион Харбий Совет раиси ва Харбий денгиз ишлари бўйича Халқ комиссари қилиб тайинлади. У Совет Қуроли Кучларини мустақкамлаш ишига бор куч-гайратини сарфлади, Қизил Армия сафларини мустақкамлашда ва уни тарбиялашда истеъдодли саркарда ва йирик харбий назарётчи эканлигини кўрсатди. Унинг «Қизил Армияни қайтадан ташкил қилиш» (1921 йил), «Мунтазам армия ва милиция» (1921 йил), «Перекоп ва Чангор эсдаликлари» (1922 йил), «Ленин ва Қизил Армия» (1925 йил), «Европа цивилизацияси ва Марокаш» (1925 йил) ва бошқа кўнгина ўлмас асарларида Совет Қуроли Кучларини мустақкамлаш йўлларини асослаб берди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати М. В. Фрунзенинг партия ва давлат олдидagi хизматларини юксак баҳолади. Граждандар уруши давридаги хизматлари ва шахсий жасорати учун у икки марта Қизил Байроқ ордени ва «Халқ Қахрамони — Михаил Васильевич Фрунзега, РСФСР Умумрессия Ижроия Комитетидан» деб ёзилган фахрий революцион қурул — қилич билан тақдирланди.

М. В. Фрунзе Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолиятида актив ишти-



М. В. Фрунзегга Тошкентда ўрнатилган ҳайкал.

рок этади. РКП(б)нинг X съезида Марказий Комитет аъзоси, XIII съезида эса Марказий Комитет Сиёсий бюро аъзоллигига кандидат қилиб сайланади.

М. В. Фрунзе Турккомиссиянинг аъзоси сифатида ўлкада партия ва давлат қурилиши масаласида ленинча йўлни мустаҳкамлаш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. 1920 йил февраль ойида Туркистонга келган Турккомиссия аъзоси ва Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе Туркистон Компартиясини ленинча йўлдан тойдиришга уриган миллатчи — оғмачиларни фош этишда Большевиклар партиясининг атоқли намоён-даси эканлигини кўрсатди. Туркистон fronti қўшинларини қайтадан ташкил этишга жиддий эътибор берди.

«Ўлкамизда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва мустаҳкамлаш,— деб таъкидлади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. В. Усмонов: «Ҳамма ҳам ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳақида қилган докладыда,— ўзбек халқининг социалистик миллий

давлатини вужудга келтириш тарихий йилномасига Ленин гвардиясининг шонли намоёндалари — Валериян Владимирович Куйбишев, Михаил Васильевич Фрунзе, Шалва Зурабович Элиава, Ян Эрнстович Рудзутак, Сергей Иванович Гусев, Исаак Абрамович Заленский, Филипп Исаевич Голошचेкин, Владимир Иванович Иванов ва бошқаларнинг номлари абадий ёзиб қўйилган».

Дарҳақиқат, ажойиб ленинчи-большевик, ҳарбий ташкилотчи, саркарда Михаил Васильевич Фрунзенинг номи барча совет кишилари учун гоёта азиздир. У туғилиб ўсган Пишпак шаҳри, ҳарбий академия, районлар ва Совет Иттифоқи шаҳарларининг кўпгина кўчалари унинг номи билан аталади.

У ўз умрини халқ озодлиги, бахт-саодати йўлига бағишлаган довурак большевик эди ва халқ хотирасида ҳаммаша шундай бўлиб қолади.

Мусақул УСМОНОВ,  
тарих фанлари кандидати

Умарали  
ҚУРБОНОВ



## СЕНИ ЭСЛАБ...

Навбахор муҳаббат жомини чалар,  
Мен сени энтикиб эслайман бирам!  
Адирда қўл тутиб терганда лола,  
Сукланиб боқарди бизга қуёш ҳам.

Навбахор муҳаббат жомини чалар,  
Наҳот, ишқ дostonин унутиб бўлса!  
Бўтакўз кўксини кучиб эркалаб,  
Болари оларди,  
оларди бўса!

Бугун-чи, Навбахор жомини чалар,  
Вужудни қақшатар унсиз бир садо.  
Куртаклар тўлганар,  
титрар майсалар...

Сен мендан,  
мен сендан бўлганмиз жудо...

\* \* \*

Ишқсиз юрак саҳродир гўё,  
Орзусиз қалб мисли сўқир тош.  
Ишқ, орзудан яшариб дунё,  
Нурга белар заминни Қуёш.

Шулар боис одам одамдир,  
Кимга у-ю, кимга бу насиб.  
Илтижом шу, табиат, сендан,  
Ишқ, орзудан қилма бенасиб!..

\* \* \*

...Гоҳида юракда ўқираб Бўрон,  
Гўё кўпормоқчи ер-у, осмонни.  
Бўронмас,  
қисмат бу,

эй, офатижон,  
Ҳижронда етилган юрак исёни!  
...Гоҳида эркалаб эсар сарин ел,  
Ҳисларим оламга сочиб сарсари.  
Еллар бу — соғинчим,  
жонгинам,  
билгил, —  
Йўлингга тўқилган кўзим гавҳари...

\* \* \*

Хонамда мунисим — онам сурати,  
Ҳатто суратдан ҳам боқар куюниб.  
Онам меҳри менинг қалбим бисоти,  
Фақат эркалайман тушда суюниб.  
Мулоим дердилар:

«Ўғлим, ҳаётда  
Инсон бўл,  
сен бедард яшама асло!»  
Волидам ўғити умрбод ёдда,  
Малҳам бўлай дейман, дардингга  
дунё!..



уш муфассалар Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони «Хамса» тартибидagi иккинчи мустикал дoston бўлиб, у 54 боб ва 5800 га яқин байтни ўз ичига олади. «Фарҳод ва Ширин» 1484 (ҳижрий 889) йилда ёзиб тугалланган. Бу асар шухрати шоирнинг ҳаёт пайтлигидаёқ Кичик Осиё, Хитой, Эрон ва Исфаҳон томонларгача бориб етган эди. Тарихий хроник асарларда берилган маълумотларга кўра Шарқ мамлакатларида Навоий давригача ҳам Ширин образи тимсолида қисса ва ривоятлар тўқилган.

Эзма адабиётга биринчи бўлиб «Хисрав ва Ширин» сюжетини олиб кирган санъаткор Абулқосим Фирдавсийдир. У тўрт табақа Ажам шоҳлари сулоласидаги мавжуд ривоятларга асосланиб «Шоҳнома»да Хисрав ва Ширин образини яратди.

Фирдавсийдан икки аср кейин улуг озарбойжон шоири Низомий Ганжавий (XII аср) ҳам «Хисрав ва Ширин» ҳақида дoston ёзди. Бу дostonга Низомий шoҳ ва малика ўртасидаги ишқий жоҳарларини асос қилиб олган бўлса-да, унда ўз даврининг жиддий муаммоларини акс эттиришга му-

ваддан кеирганлар маънавий мукаммал кишилар қаторида туради. Муҳаббат кишининг дохиятини бaлaнд даражага кўтаради. Фарҳоддаги ишқ ҳам юксак ва қудратлидир. Унинг иродаси бутун қувватини ишқдан олади. Еш шаҳзода ишқ йўлини деб отаси тақлиф этган тайёр салтанатини ташлаб, эзгу мақсад йўлида, «азми гурбат»га интилади. Фарҳод ўз характерининг энг асл томонини Арманистонда, ўзга юртда кўрсатади. Лекин ишқ унинг қалбига ягона ҳоким, бошқа инсонлик туйғуларини, қаҳрамонлик вазибаларини сояда қолдирган эмас. Муҳаббат унда улуг виждонга, фидокорликларга, азамат ҳаммаларга қақирувчи қудратли ички бир ҳисса айланади. Фарҳод бегона мамлакатда, ёт халқ орасига киради. Тоғда юз теша уриб «бир нўхучча тош кеса олмаган», машаққатдан тинкаси қуриган халққа раҳм қилиб, бутун оғирлиқни ўз гарданига олади. Тош кеснишда ҳунари ва кучи билан ҳаммани ҳайратга солади. Бу ерда Фарҳод образи ҳақиқатан чуқур халқчил маъно касб этади. Ишқий-романтик дostonда сув муаммосининг кўйлини ҳам асло тасодифий эмас. Ҳаёт равнаки учун курашган Навоий бунда ўз халқининг юрак орузсини, асрий ҳаёлини ва интилишини ифода-

йўқ. У Фарҳоднинг чин сўзларини эшитган бўлса ҳам, унинг юрагини, сўзларини англашдан озор. «Паншанинг парига ҳам озиб етказишни» истамаган Фарҳод Ширинни душманга таслим қилмаслик учун тоғ устида фидойилик билан курашади. Сонсиз лашкарларнинг сардори Хисрав уни жангда ошқора енга олмасдан, макр-ҳийла билан қўлга туширади. Занжирбад Фарҳод шунда ҳам дадиллигини йўқотмайди. Сипоҳлари билан қуршалиб «тахти каёйи»да ўтирган тоғли душманга қарши янада бaлaндроқ ҳайқиради. Фарҳод жисман асир бўлса-да, маънавий томондан Хисравни мағлуб қилади. Шунинг учун ҳам Фарҳод ва Ширин муҳаббати халқчил, омма қалбига ҳамоҳангдир. Фарҳод ва Ширин образи ҳеч шубҳасиз, халқ оммасининг маънавий ўсишига, тарбиясига асрлар давомида жуда катта таъсир кўрсатди. Халқ Навоийни ўзининг энг содда кишини сифатида таниб келди, курашларда унинг қаҳрамонлигига тақлид қилди. Шоирнинг Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб олиш ҳақидаги гоёси адабиётни кенг халқ оммасига яқинлаштириш, деган гап эди. Унинг фикрича, халқ Фарҳод каби идеал қаҳрамонларни турмушда ўз орасидан қачон бўлмасин етказиб

меҳнаткаш омма зиммасида эди. Халқ машаққатларининг қузатувчиси бўлган шоир султонларга таъна аралаш шундай дейди:

Пардалари рижтаси эл жониди,  
Лаълизо шингарфи улус қониди.

Оддий халқ бунингдек иморат ишларига ўз кучидан ташқари жонини ҳам беради. Чунки ўрта асрда қурилиш иншоотлари учун етарли техника имкониятлари йўқ эди. Шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида, «Тўрт қасри фалак қурилишининг тасвири» бобида халқ қурувчи, яратувчи сифатида намойиш бўлади.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»да илм-маърифат масаласини ҳам алоҳида тарғиб қилади.

Фарҳод улғайганда ўз замонасидаги барча илмларни эгаллашга муваффақ бўлади.

Худди шу «илми маърифат»ни қўлга киритиши натижасида у оғзидан олов пурковчи аждарлар

«ком»дан, аҳраман девлар ҳамласидан ошиб ўтиб, асрлар давомида сирлигича қолиб келган Сулаймон узугини топишга мурасар бўлади. «Искандар тилсини»ни қўлга киритади. Бу ерда Навоийнинг фантазияси асрларни ўтиб, замонамизнинг овоз меҳнати ва юксак фан-техникаси билан қовушади. «Искандар тилсини» қўлга киритилгунга қадар Фарҳоднинг қилган қаҳрамона ҳаракати синчиклаб кузатилади, Навоий Фарҳод образи тимсолида халқпарвар мукаммал инсон қудрати ва қобилиятини бўрттириб кўрсатганлигини ҳамда кенг маънода халқпарвар севги соҳиб ияртилганлигининг гувоҳи бўла-миз. Фарҳоднинг бутун ҳаракатлари заминиде неча юз йиллардан бери азоб-уқубатда эзилган халқларни зулматдан овоз этишдек, эл-юрт учун зиён-заҳмати ҳаддан зиёд бўлган «Заҳҳок»ларни, «аждаҳо»ларни, «аҳраман»ларни йўқотишдек олий мақсад ётади.

«Фарҳод ва Ширин» дostonида улуг шоир Ватан, халқ, жамият ва одамлар тақдирини учун чуқур қайғуради, бутун орзу-умидларини, билиминини олижаноблик билан халқ ишига фидо этади.

Маҳмуд НАЗАРОВ,  
филология фанлари кандидати

# ЭЗГУЛИК ДОСТОНИ

ваффақ бўлди. Низомийдан бир аср кейин «Хамса»чилик анъаналарини муваффақиятли давом эттирган ҳинд шоири Амир Хисрав Деҳлавий бўлди. У, ўзигача яратилган дostonларнинг сюжети ва композициясини сақлаган ҳолда Ширин ва Хисравнинг ниҳоятда жозибали ва ёрқин образларини яратди. Низомий билан Деҳлавий Хисравни ижобий образ сифатида талқин қилади. XV асрга келиб Навоий Хисрав ўрнига Фарҳод образини қўллайди. Унингча, ишқда бекор, худбин ва манъатпараст ҳукмдор мактовга сазовор эмас, жумладан, унинг севгисини ҳам манъатдан рост ва пок ўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Навоий Хисрав ўрнига энг яқин ва халқчил фазилатларини ўзида мужассам этган Фарҳод образини қўллаб, унда зулм ва долат, маърифат билан зулмат ўртасидаги курашни кўрсатиб берди. Навоий ўзининг меҳр қўйиб тасвирлаган қаҳрамон Фарҳодни мукаммал бир инсон, таянчли олим, буюк ақл эгаси лифатида улуглайди. Шоир ишқ муҳаббат масаласини холис таҳлил қилади. Унинг фикрича, ишқ кишининг ички охтиёжи ва уни сар қандай ёмонликдан овоз кутувчи зўр кучдир. Ишқ — кишини ярама сифатларини куйдириб тозаловчи бир ўт. Уни боши-

...Ки шоҳлик ўзгаю ошқинлик ўта.

Фарҳод ўз ишқи йўлида тожутахдан кечиб қўя қолмайди, балки ундан нафратланади, тўплаган тажрибаси «шоҳлик»ка арзimasлагини рўй-рост айтаяди. Фарҳод «подшоҳ»лик дағдагалари элга жабр-зулм қилиш, ўлкаларни талаш, обод ерларни вайрон этиш каби энг ваҳший ҳаракатлар билан боғлиқ эканлигини яқини англайди. Ширинни қўлдан чиқармаслик учун арман юртига қўшин тортиб келган Хисрав бошига шу сўзлар билан қаҳр тошларини ёғдиради:

...Вировисини бериб мулкни барбод,  
Килурсан пованин кўнглини ношод.

Навоий тасвирича, Хисрав ҳаёт гулларини емирувчи, адолат ва ҳақиқат қўшларини сўндирувчи истибод тимсолидир. Унинг ҳаракатларида, сўзларида ошқинликка хос улгуворлик, боқиралик

бера олади. Фарҳоднинг юксак фикрлиги, виждонлиги, меҳнатсеварлиги, севгисига содиқлиги каби олижаноб инсоний фазилатлари уни халққа яқинлаштирди, бу оғзаки ва ёзма адабиёт бадий асарларининг тиник қаҳрамони даражасига кўтарилди. Бундай сифатлар Навоий фикрича, ҳоким синф вакилларида бўлиши мумкин эмасди. Фарҳод ёзғиси Шириннинг муҳаббатини қозонишга бел боғлаган эмас. У ўз муҳаббати софлигини исбот қилиш учун Ширинга ва унинг халқига қилинаётган жабр-зулмга ҳам қарши курашини лозим топади. Бинобарин, соф муҳаббат учун кураш юртининг овозлигини йўлидаги кураш билан қўшилиб кетади. Хисрав лашкар тортиб «Арман сари юзлаганда» Фарҳод унга гуноҳсиз элни қирён келтирмай, ўз юртига қайтиб кетишини маслаҳат беради. Чунки, Фарҳод ўз ғайратини ишга солса, Хисрав қўшинлари нобуд бўлиши муқаррар.


Халқ асрлар бўйи бажариши қийин ишни Фарҳод афсонавий тешаси билан тез ва осон бажаради. Бу билан Навоий дostonда халқ оммасининг меҳнат жараёнидаги курашини ҳам ҳаётини акс эттира билди. Шоир тасвирича, биякорлик ишлари ағча ривожланган бўлиб, бутун оғирлик



Тошкентдаги Тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тикув цехи Коммунистик Меҳнат бригадаси бошлиғи Александра Ховай (чапдан иккинчи) шогирдлари Умида Ҳамидова, Гулнора Тоҳирова, Барно Тошпўлатова ва Рашида Камолова билан суҳбатламоқда.

Шу бирлашма ишчиси, Коммунистик Меҳнат зарбдорлари, Нафиса Мирҳодиева, 2-цех бошлиғининг ўринбосари Валентина Гамазкова ва технолог Гулбаҳор Турдиева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Р. Шамсутдинов фотолари






А. ВИНЕР. УЛҚАН ХИРМОН.




Д. БЕКАНОВ. ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗЛАРИ.



В. ЛЕБЕДЕВ. ХУЖУМ.





Рассом Жавлон Умарбеков ўз иждонасида.

В. Дубровский фотоси

ЛИШЕР Навоийнинг ўлмас «Хамса»сидан ўрин олган «Лайли ва Мажнун» дostonи жаҳон шеърятининг дурдоналаридан биридир. Навоий бу асарини яратшдан аввал турли манбаларда сочилиб ётган ривоятларни синчиклаб ўрганиб чиқиш билан бирга, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий каби буюк устозлар, шунингдек, шоир Ашраф ҳамда замондоши Амир Шайхид Сухайлийнинг шу мавзудаги дostonлари билан ҳам яқиндан танишди.

Навоий нега Лайли ва Мажнун тўғрисидаги афсонага мурожаат қилган? Бизнингча, бунинг асосан иккита муҳим сабаби бор. Биринчидан, Навоий ўзигача давом этиб келадиган хамсанавислик анъанасига амал қилган, иккинчидан, энг муҳими, бу қайгули афсона шоирнинг онгида пайдо бўлган тараққийпарвар гояларни олға суришга, хусусан бу қадимий ривоят ўзи яшаб турган замоннинг қора муҳитидаги иллатларни, кескин зиддиятларни очиб ташлашга қўлай восита бўлган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи дoston сўғида шундай ёзади:

Емоқта бу ишқи жовидона,  
Мақсудим эмас эди фасона,  
Маъмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг тўғайли.  
Лекин чу рақамга келди маъзун,  
Афсона анга либоси мавзун.

Навоий бу дostonни ёзишга сабаб бўлган боислардан яна бирини қуйидагича таъкидлайди:

Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят,  
Ким шухрати чун жаҳонга тўғлай,  
Турк элига доғи баҳра бўғлай.

Алишер Навоий келтирилган парчаларда, биринчидан, «фасона» ва «маъзун», иккинчидан, тил масаласига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлаб ўтмоқда. Чунки XV аср охирида Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар ўртасида лирика жанри анча ривожланиб, унда ижод этувчи Атойи, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби қатор забардаст шоирлар етишиб чиққан бўлсалар, Низомий, Деҳлавий «Хамса»лари сингари йирик, кўп тармоқли бадий асарлар мавжуд эмас эди. Улуг инсонпарвар шоир ўз халқининг бу хилдаги асарларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилган. Унинг ажойиб «Хамса»си, шу жумладан, «Лайли ва Мажнун» дostonи ҳам ана шундай олижаноб мақсадларни кўзда тутган ҳолда яратилган.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг асосий мавзуси Лайли ва Қайс ўртасидаги бахтсиз ва фожиали севги тасвиридир. Шоир ана шу асосий мавзуни ҳар томонлама кенг ёритишга ҳаракат қилиб, уни XV аср ҳаёти тақозо қилган қатор муаммолар, яъни тенглик ва адолат, дўстлик ва вафодорлик, эркин муҳаббат ва оила қуриш, инсоннинг озодлиги ва шахс эркинлиги каби масалаларга қўшиб ёритади, тўғривоғи, шу қўйилган масалаларга яра-

# МУҲАББАТ ҚАСИДАСИ



тилган бадий образлар тақдир орқали жавоб беришга интилади. У ўз олдига қўйган масалаларни ечишда, уларга ўз даврининг илғор киши сифатида қараб, ўзининг инсонпарварлик гояларини илгари суради. Навоий феодализм истибод ҳукм сураётган бир даврда яшаб ижод этишига қарамай, буюк бир жасорат билан инсоният орзу-умидларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқади.

Навоий ижодидаги етакчи мавзулардан бири севгидир. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур мавзудан шоир ўзининг инсонпарварлик, ватанпарварлик гояларини, ижтимоий қарашларини кенг ифодалашда энг қўлай восита сифатида фойдаланади. Винобарин, марҳум академик Воҳид Зоҳидовнинг ўқитиришича, Навоий ижодида қўйилган севгининг объекти инсон, Ватан, табиат ва унинг гўзалликлари бўлиб, шу севгининг мақсади инсон ва унинг бахт-саодати йўлида хизмат қилиш, Ватанни севиб шабилардан иборатдир. Қасаси, Навоий ижоди учун ҳаётий, реал севгини қўйлаш характерлидир. Шоир ҳаётий севгини улуғлар экан, унинг ҳар қандай қимматбаҳо нарсалардан афзал туршини таъкидлайди.

«Лайли ва Мажнун» шоирнинг ишқий мавзуда яратган бошқа асарларидан ажралиб туради. Дostonда тасвирланган Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббати, юзак қараганда, икки ёш ўртасида бўлиб ўтган воқеани ёслатади. Бироқ ана шу ёшлар ўртасида ўз берган севги заминини ўша замонга хос қатор муҳим ижтимоий муаммолар ташкил этади. Бидъат-хурофотга асосланган қолоқ феодализм нуносабатлар, тушунчалар, дунёқарашлар билан эркинпарварлик, тараққийпарварлик каби илғор интилишлар ўртасидаги зиддиятлар мажмуидан иборат бўлиш бу муаммолар «Лайли ва Мажнун» дostonида ўз ифодасини топган.

Дostonдаги тасвирга кўра, Қайс гўзал Лайлини кўриб, уни қаттиқ севиб қолган. Лайли ҳам олим, доно, шоир Қайсга чин юракдан муҳаббат кўяди. Аммо улар севгиси турли тўққинликларга уч-

райди: Қайс мавқеи пастроқ қабиладан бўлганлиги сабабли Лайлининг отаси қизининг истаги, орзу-умидларини ҳисобга олмай, Лайлини Қайсга беришдан орқалади ва уларни таъқиб остига олади. Қайс доимо Лайли ҳаёлида яшайди, унга бағишлаб ажойиб шеърлар айтади. Уни тўлиқ тушуниб етмаганлар Қайсни Мажнун (теља, жинни) деб атайдилар. Бу иккала ёш қалбнинг улуг ва бегуноҳ ишқи фожиага айланади. Бунга сабаб уларнинг мавжуд ҳаётдаги урф-одатлар, қонда-қонунлар билан келиша олмаганликларидир. Асарда тасвирланган бу фожиа тушунчалар ўртасидаги зиддиятгина бўлиб қолмай, шахс эрки билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамдир. Навоийнинг буюк қудрати шундаки, у реал ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликни жонли образлар ўртасидаги тўқнашувлар фониди фож этади. Масалан, Мажнуннинг одамлардан узоклашиб кетиши унинг мавжуд тузумга қарши чиқиши, исёни эди. У диққинафас турмушнинг адолатсизлиги, шафқатсизлигидан норози бўлиб фиғон чекади.

Умид ва орзу ўтида ёнган Лайли ва Мажнуннинг қовушишига мавжуд зулм ва адолатсизлик тўққинлик қилади. Уларнинг эзгу интилишларига содиқ қолган икки ёш бошларига турли қулфатлар тушишига қарамай, мақсадларига етишиш йўлидаги қиранин давом эттирадилар. Аммо уларнинг барча ҳаракат ва интилишлари зое кетади. Оқибатда улар ўз мақсадларига эришолмай, чиркин урф-одат ва феодализм тузумининг аёвсиз кучлари қаршилигига дуч келадилар ва унинг қурбони бўладилар.

«Лайли ва Мажнун»нинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири севгининг идеаллаштирилишидир. Шунингдек, Навоий талқинидаги севги бойлики, миллатни, урф-одатни, эътиқодни, мансабни тан олмайди.

Навоий дostonида инсоний севгини идеаллаштириб тасвирланишига яна бир сабаб шундан иборатки, ислом дини кучли бўлган бир шароитда, дин аҳли ва

унинг тарғиботчилари одамларни ҳаёт лаззатларидан воз кечишга даъват этар эдилар. Уларнинг бундай зарарли қарашларига қарши чиққан Навоий эса:

Хушдурур боғи коинот гули,  
Варчадани яхшироқ ҳаёт гули, —

деб хитоб қилади.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonида илгари сурилган гоялардан яна бири садоқат ва фидокорликдир. Дostonда тасвирланган икки ёшнинг садоқати замонасининг урф-одати доирасидан ташқари чиқиб, ўз табақаси ва даври савиясидан анча юқори кўтарилади.

Зулм, истибодга асосланган жамиятда, хусусан, хотин-қизларнинг аҳволи ниҳоятда ачиқарли эди. Хотин-қизларга чексиз ҳурмат билан қараган шоир уларнинг ўтли фарёдини Лайли тилидан қуйидагича тасвирлайди:

Фарёди ўлгудек гамим бор,  
Тоғ йўқ гар ўзумга мотамим бор!

Лайлининг бу фиғони умри паранжи ва чиммат ичида ўтган ҳақ-хуқуқсиз минглаб Шарқ хотин-қизларининг ўтли охи эди.

«Лайли ва Мажнун» гарчи фожиали тугаса-да, унда шоирнинг ҳаётга бўлган неқбин қарашлари ўз ифодасини топган. Асарнинг бош қаҳрамонлари ўзлари ўлиб кетсалар ҳам ҳаётнинг яна давом этишини, шоир ибораси билан айтганда, «гул кетса жаҳондан чаманга дард етмаслигини», «кун ботса ҳам фалакка гард юкмаслигини» истайдилар ва шундай бўлишига қаттиқ ишонадилар ҳам.

Шарқда машҳур бўлган афсона асосида яратилган бу асар Навоий қаламида монументал шеърли роман даражасига кўтарилди. Қасаси, «Лайли ва Мажнун» шоир ижодининг улкан ютуғи бўлиб, гоълий юксак, бадий жиҳатдан гоъят гўзал бир асар сифатида китобхонларга ҳамisha завқ бағишлайверди, халқимизнинг абадий фахри бўлиб қолаверди.

Тошўлат АХМЕДОВ

# МЕХНАТ — ТУРМУШ ЧИРОЙИ

«Октябрь» колхози Бувайда районидаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу ерда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ҳар йили кўплаб даромад олинаётди. Масалан, ўтган йили фидокорона меҳнат эвазига 4 миллион 320 минг сўм даромад қилинди. Олинган соф фойданинг деярли ярми аҳоли маданий турмушини яхшилашга сарфланди. Зеро, КПСС XXVI съездида: «Кишлоқдаги маданий-маиший турмуш шaroитларини яхшилаш учун, шаҳар билан кишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш учун ҳали кўп куч-ғайрат, вақт ва маблағ сарф қилиш керак бўлади», деб таъкидланган эди. «Октябрь» колхози меҳнат аҳлининг бу

йўналишда амалга ошираётган ишлари алоҳида эътиборга моликдир.

Колхоз марказида қад кўтарган Маданият саройи кишлоқ кўркига кўрк бағишлайди. Иккита ёзги кино клуб, еттита кутубхона меҳнаткашлар хизматида. Бугунги кунда 2470 китобхон мазкур кутубхоналарда маърифат нурларидан баҳраманд бўлмоқда. Жойларда, кутубхоналарнинг ўзида тез-тез китобхонлар конференциялари, янги асарлар ҳақида баҳслар, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам одат тусига кириб қолган.

Кишлоқлар чиройини очиш, уларни маданий-маиший жиҳатдан шаҳарлардан қолишмай диган кўркам, намунали, обод

поёбқаларга айлантириш, уларни замонасининг соғлом вакиллари қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шaroитлар мавжуд. Колхоз территориясида район хўжаликлари меҳнаткашлари фарзандлари учун умумий ҳажми 540 минг сўмлик «Лочин» пионер лагери қурилиши тугалланай деб қолди. Лагерь ишга туширилгач, ҳар йили меҳнаткашларнинг 1 минг 200 дан зиёд ўғил-қизлари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Меҳнаткашлар кўли билан яратилган шўх-оқар сой бўйларидаги соя-салқин боғлар ва мусаффо ҳаво туфайли бу ер районидаги энг шивам оромгоҳлардан бирига айланади.

Мазкур лагернинг «Октябрь» колхози ҳисобидан қурилаётганлиги ҳам бу хўжалиқнинг меҳнаткашлар маданий-маиший турмушини яхшилаш, шаҳар ва кишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотиш борасида каттагина ишлар амалга ошираётганлигидан далolatдир. Кейинги йиллар ичда кишлоқда радио-телевизор устaxonаси, бичиштиқиш, кўплаб савдо-сотик шаҳобчалари ҳам фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда бу ерда меҳнаткашларни гоёвий-сиёсий тарбиялаш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Колхознинг доимий агитпункти ҳаминша тингловчилар билан гавжум. Агитпунктнинг тарғибotchилари, ахборotchилари, «Билим» жамаитининг аъзолари колхоз клуби, трактор парки, ферма ва далачилик бригадаларида иш олиб бормоқдалар. Меҳнаткашларнинг иккинчи уйи бўлиб қолган дала шийпонлари оммавий сиёсий-тарбиявий ишларнинг марказига айланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур колхозда дала шийпонларининг замон талаблари даражасида бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, КПСС XXVI съездида айтиб ўтилганидек, « завод, ферма — бу ҳам бир уй бўлиб, меҳнаткашлар умрининг камда учдан бир қисмини шу ерда ўтказиши ».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президентининг Раиси К. У. Черненко Москва шаҳар Куйбисhev райони сайловчилари билан бўлган суҳбатда: «Яхши яшаш учун аввало яхши ишлаш лозимлигини ҳеч қачон эсдан чикармаслик керак», деди.

Колхозда келажак авлодни



Гулистон районидаги универсам.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Матмур ҚАХҲОРОВ,

Кўкон Давлат педагогика институти ўқитувачиси

**Ч**УЛНИНГ осмони кенг, бағри бепоёнлиги учунми, инсон кўзи узоқ-узоқларни ҳам бемалол илғай олади. Зовур уюмлари-ю, паст-баланд қумтепалар оша назар ташласангиз, ҳаммаёқ кафтек кўриниб туради. Дарвоқе, тепаликда атрофга тикилиб турганларнинг бири Кўпайсин опа — барваста, юмалок юзли, сочларига бироз оқ оралган, ўрта ёшлардаги аёл. Иккинчиси — онаси Унсин хола, қўлига хасса олмаган бўлса-да, анчагина кексайиб қолган, оқсоч, оқ юзли, нуроний онахон.

— Қизим, чўл қувиб борган янги жойларингни бир кўрсам дедим, — деганди бундан ярим соатлар олдин бўлим идораси олдидаги ховуз бўйида ўтириб.

Кўпайсинхон онасини машинага ўтқизди-да, бу ерга олиб келди. Мана, энг баланд бархан устида туришибди: бир ёқда яшил пахтазор, қўшнинг оч қизил нурлари ғўзанинг қўм-қўк ранги билан уйғунлашиб, камалакдек товланади. Иккинчи томонда асрий чўл, қум барханлари, ғуж-ғуж буталар, қамишлар шабадада чайқалиб ётибди.

— Эсингиздами, буви, чўлга келганимизнинг эртасигаёқ мени мана шунақа барханин устига олиб чиқиб теварак-атрофни кўрсатганимиз.

— Эсимда, қизим. У барханлардан ҳозир номнишон қолгани йўқ. Ушангаям ўттиз йилча бўлдиёв чамамда.

— Ҳа, ўттиз йилдан бери чўл қувамиз. Бу орада минг-ерик гектар ерлар ўзлаштирилди, биргина шу Комсомолободимизда олти совхоз тузилди.

Ўзлаштирган билан дарров буйин эгиб қўя-қолмайди. Кўпайсинхон бўлимга ажратиб берилган янги ерларни яёв кезиб чиқиб, буни яққол сезди. Меҳнат, асосийси меҳр керак бу ерларга. Уни ўзлаштириш учун яхши оруз-истаклар лозим. Бўлим бошқарувчисининг оруз-истаклари эса жуда кўп эди. Асрлар бўйи қақраб ётган бу ерлар ҳосилдор заминга — «оқ олтин» қонига айлантирилса, анови вагонеткалар, палаткалар, чайлалар ўрнида шаҳарнусха уйлар, иморатлар савлат тўкиб турса, ариқларда зилол сувлар оқса, боғларда гуллар, дов-дарактлар яшнаб турса, тунлар чароғону, сайр қилганингда қулоғингга жарангдор кулги, қўшиқ садо-лари оқиб кирса. Партия ва ҳукумати-мизнинг чўлни ўзлаштиришга бўлган диққат-этибори, гамжўрлиги, онаси ўргатганидек, ўз кучига ишонч, одамларга бўлган меҳр бўлади, дейишди ишчилар бир овоздан. Фақат одам керак, ишчи кучи керак эди.

— Бригадамизнинг бор аъзоси тўрт киши бўлса, — сўз олиб деди бригадир Абдумалик Солиев, — еримиз эса тўқсон гектар. Одамлар келишмаяпти эмас, келишаяпти, лекин уй-жой йўқлигидан, даромад озлигидан яна кетиб қолишаяпти.

— Нега даромад оз? Чунки ҳосилдорлик паст. Нега паст? Чунки ер шўр, — фикр билдирди ишчи Аҳмадҷон ака Исмонов, — еримиз шўр-у, яна уни сизот суви билан суғорамиз. Бу билан пахта бўлармиди! Ариқлар чиқариш керак, тоза сув келтириш керак.

рини қалқон қилишмади, ишчи кучи етишмаслиги билан, ернинг азалий шўри билан, сувсизлик балоси билан росмана олишишга тўғри келди...

Она кечаги чўл ўрнида селкиллаб яшнаб ётган ғўзаларга боқаркан, қизининг меҳнатни кўз олдига келтирди.

— Бу йил ҳам қийналиб кетдинг-а, қизим? Сарсонқуми қуриб кетсин, икки қайта чигит акдинглар-а?

— Уч қайта.

— Дастлабқисини кўрувдим. Бай-бай-бай, бир кўрдим — бошқа кўрмай. Шундоқкина селкиллаб ўсаётувди, шонага кирай-кирай деб қолувди. Шамол бир кечада таг-томири билан учуриб кетди. Турғунбойнинг бригадасидаги ғўзаларни танаси копти дегин, тутурт чўпидай бўлиб. Қўзларимдан ёш чиқиб кетди. Увол бўлди-я гектар-гектар ғўзалар, шунча тортган меҳнат-машаққатларинг увол бўлди. Сочингнинг оқи кўпайганимиз шундан-да, болам.

— Қайдам, — кулди Кўпайсин опа, — ўзингиз айтгансиз-ку осон меҳнат бўлмайди деб.

— Айтмоқчи, қизим, менга қара, бўлим бўйича беш йилликни тўрт йилда бажарамиз, деб чиқувдиларинг шекилли. — Бу сафар она ўсмоқчилади.

Қизи дарров тушунди: ваъдангни унутма, лафзингни улўғ тут, элга берилган сўзни муқаддас бил, ҳар ким ўз ишида улўғвор, ўз сўзида устивор бўлмоғи керак, демоқчи эди она.

— Гапимиз гап, буви. Ўтган икки йилда уч йиллик маррага яқин пахта топширдик. Бу йил катта хирмонни мўлжаллаб иш тута-

## ОНА ИЗИДАН

...Она билан қизи ўшанда Избосқандан келган эдилар.

— Шароитни кўриб турибсан, — деган эди Унсин опа эндигина бўйга етиб келаётган қизига қақроқ чўлни кўрсатиб, — энгил бўлмайди бизга бу ерда. Лекин шу гапим эсингда бўлсин, қизим, меҳнатинг қанча оғир бўлса, нонинг шунча ширин бўлади.

Ушанда, Кўпайсинхон онасини бургутга, ўзини эса эндигина парвозга чоғланаётган бургут боласига ўхшатган эди. Чўлнинг захматиям, фазилатиям кўп. Заҳмати шундаки, қаҳри қаттиқ, ўта асов: оилаб қилган меҳнатингни бир шамол билан кўкка совуради-қўяди. Фазилати шундаки, одамларнинг хашпаш дегунча мардини мардга, мўртини мўртга ажратиб беради. Ўтда тоблагандай тоблайдди, иродали, толмас, курашчан, анчамунча қийинчиликларни назарга илмайди-ган қилиб қўяди.

Кўпайсинхон чўлда астойдил ишлади, теримчи сифатида донг чиқарди, турмушга чиқди. Уни бригадирликка кўтаришди. Ун йил ичида ҳосилдорлики олти центнердан ўттиз икки центнерга етказди. Уста пахтакор сифатида тилларга тушди. Онаси шундан кейингина хотиржам неварга боқишга ўтди-ю, лекин қизининг олиб бораётган ишларидан, ўй-фикрларидан бохабар бўлиб юрди, кези келганда ундан маслаҳатини, насиҳатини аямасди. Мана энди қизи чўл бағрида янги ташкил этилган «Дўстлик» совхозининг йирик бўлимида бошқарувчи.

Сарсонқум — қайсар, бадфеъл чўл. Бе-корга уни «қум ер — шум ер» дейишмайди.

— Сарсонқумнинг шамоли довулдан ёмон. Буни ҳаммамиз биламиз. У човут солганда, экинимизни химоя қилолмай доғда қолаётганимиз ҳам ўзимизга маълум. Экинимизнинг қалқони йўқ, ўртоқлар. Қалқон ясашимиз, ихота дарахтзорлари бунёд этишимиз керак.

Эл юраги бамисли булоқ. Ёчими қийин, лекин ҳал қилинишга гоёт муҳтож муаммо-лар! Бу муаммолар ҳал бўлмагунча, тоғ-тоғ «оқ олтин» қайда-ю, кўркам бор-роғлар, ўйин-кулгилар қайда.

Бу муаммоларнинг ҳаммаси бир йил ичида ҳал бўлмайди, лекин шу бир йилнинг ўзида унга асос солиш, хайрли ишни бошлаб юбориш, одамлар қалбига унинг ҳал бўлишига ишонч туғдириш мумкин-ку. Ихота учун ўтқазилган ниҳолларнинг экинни шамол ва ҳўрондан сақлаб қола оладиган кучга эга бўлиши учун қамаида уч йил керак. Унча-чи? Унча ўша ниҳоллар орасига қалин қилиб, маккажўхори, оқжўхори, су-пурги экилса-чи. Уларни чигит экишдан икки-уч ҳафта илгари ўтқазилса, ғўза икки қулоқ бўлгунча, (шамол кўпроқ худди шу пайтда авж олади) улар белбўйи бўлиб қолади. Экинни ҳам сақлайди, чорва учун ем-хашак ҳам бўлади.

Чўл одами унча-мунча заҳматини заҳмат демайди. Табиат инжиқликлари билан оли-шиб, юз чиғирикча тўшса, ўт кечиб-сув кечиб, баъзан энгил бўлса-да қўзлаган мар-расига етиб борса, ана шунда «бу йил ҳўп ишладик-да» деб қўяди. Она бошлиқ бўлим коммунистлари, ишчилари эғу ниятлари сари юришда озмунча бўронларга кўкрак-ла-

япмиз. Гектаридан 36 центнердан пахта етиштироқчимиз.

— Айтганинг келсин.

Улар ҳамон қумтепада туришар, шу туришда ҳужум олдидан майдонни қўздан кеңираётган саркардаларга ўхшаб кетишар эди. Кўпайсин опа Саримсоқованинг фикр кўзгусидан чўлнинг эртаси, яқин йиллардаги ажиб манзараси ўтарди... Деҳқон иродаси олдида чўл ҳали кўп чекинади. Унинг ўрнида абадий ҳаёт қайнайди...

— Эсингдами, бир пайтлар бу ёқларга чўл қувиб, бахт қувиб келяпмиз, дегандим?

— Эсимда. Чўлга келган қунигимиз айтув-дингиз.

— У вақтлар сени ҳеч ким танимасди. Сабаби, эл-юртга ҳали меҳнатинг сингинган эмасди. Эл хизмати, эл ишончи деб ўзингни аяманинг, ўтга-сувга урдинг. Мана энди ҳамманинг иззат-ҳурматидасан кўксингда қатор-қатор орден-медаллар. Бир ўзинг эмас, бутун бошлиқ бўлим ҳам, агроном Набижон, бригадир Абдумалик, Жўрақул, Турғунбой, механизатор Жабборхон, Абдуҳафиз, теримчиларинг Мўтабархон, Муқаддасхонлар-нинг номи тилдан тушмай қолди. Чўлга бахт қувиб келдик, деганимда элнинг шу иззат-ҳурматини назарда тутгандим, болам. Шу-кур, шунга сазовор бўлгансан.

Кўпайсин опа Саримсоқова юз-кўзидан нур ёғилиб турган онасининг шукронасига қулоқ соларкан, меҳри товланиб, беозоргина кучиб қўяди.

Мухаммадҷон АБДУКАРИМОВ,  
Андижон область Комсомолобод райони.



киш ҳалок бўлганлигини хабар қилади. Бу табиий офатдан Магилдадан 325 километр жанубда жойлашган Панай ороли аҳолиси айниқса катта талофат кўрган. Дарҳақиқат тўлқин Лейта оролининг қирғоқ бўйидаги қишлоқларини ҳам ювиб кетган. Бу филлиппинларнинг ўтган йилда бошдан кечирган ўн экинчи табиий офатидир.

## Калтакесакдан чўчиб...

## Ғалати ўлжа

Бундай воқеа содир бўлганлигини Жанубий Сахалиндаги «Путь к коммунизму» номли балиқчилик колхозининг «Архипелаг» номли қосмасининг кекса балиқчилари ҳам эслай олмайдилар. Улар эрта тонгда овга чиққан эди... Балиқчилар тўрларини сувдан кўтарганда ғалати ўлжата дуч келдилар.

— Нерпа бўлса керак, — деб тахмин қилди улардан бири. Базан нерпалар ўлжа кетишдан қувиб тўра тушиб қолиш ҳолати учраб туради. Бироқ ғалатроқ кўринган бу ўлжа денгизнинг млик бағрини оёғин қилиб олган улкан тошбақа бўлиб чиқди.

Тошбақанинг юзига чиқиб қолганлигига нима сабаб бўлганлиги балиқчиларининга эмас, балки олимларни ҳам қизиқтирмакда. Оғирлиги икки центнер бўлган тошбақани Сахалинга олиб келиб тушириш ҳам осон бўлмади. Бунинг учун автоюк тушириш ва кўтарма кран ишга солинди.

Тошбақанинг юзига чиқиб қолганлигига нима сабаб бўлганлиги балиқчиларининга эмас, балки олимларни ҳам қизиқтирмакда. Оғирлиги икки центнер бўлган тошбақани Сахалинга олиб келиб тушириш ҳам осон бўлмади. Бунинг учун автоюк тушириш ва кўтарма кран ишга солинди.

Порт шаҳри Момбаса (Кения) полициячилари полиция маҳкамасидан қочган 20 та хавфли жиноятчи қидирилаётганлигини хабар қилди. Бу жиноятчилар сўроқ қилинаётган хонага улкан калтакесак кириб қолганлиги тўғрисида қочини мажбур бўлганлар.

...Сўроқхонасида ҳозир бўлган соқчилар ҳам уша маҳлуддан чўчиб тўйиб бўлишган.

Бу, жиноятчиларга қўл келди шекли улар жойларига қайтмадилар. Франс Пресс агентлигининг хабарида шулар айтилган.

## Довул қурбонлари

Рейтер агентлиги Филиппин устида бўлиб ўтган «Агнес» деб номланган довулдан сўнг, аниқ маълумотларга кўра, 500 дан зиёд



Момо янги уйга кўчиб кирди...

Э. Маликов фотоси



Улуғ Ватан уруши ветеранлари — (чапдан ўнгга) О. Шабалина (Омск), З. Скоробатова (Курган), А. Аблязов (Чирчик), Е. Петлюк (Одесса) ва М. Тожобеков (Тошкент) Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан республикаимиз пойтахти Тошкентда қайта дийдор кўришди.

М. Нуриддинов фотоси

## МУРЕНА ЎЗ УЙИДА

«Денгиз илони!» — шўнгувчилар шу заҳоти тарқала кетади. Дарҳақиқат, узунлиги бир метрдан кўпроқ бу жониворнинг гавдаси сувостни тошлари аро қаққон ҳаракат қилади. Лекин унинг биқинлари қапишган мускулдор гавдаси, елкасидаги суягич қаноти ва калласининг ўзига хос шакли бошқа нарсани билдиради. Бу Уртаер денгиз мурена-сидир. Қадимда эгалари кулларни ҳавзаларга ташлаганда, уларни шафқатсиз равишда ютиб юборганлар — мана шулар. Шоҳид бўлганларнинг гувоҳлик беришларича, унга яқинлашган ҳар қандай кишини огоҳлантирмасдан, сабабсиз қувлайди, ҳужум қилади, тишлаб олади...

Шўнгувчилардан бири балиқлар яшириган камаруяга қадар сузиб боради. Камар тешигидан фақат мунчоқ кўали, оғзи ҳужумга оқилган қаллагина чиқиб туради. Шўнгиб борган одам унга қўлини чўзади. Жағ янада кенгроқ очилиб, мурена ҳамла қилади — чўчимоқчи бўлади. Яна бир кескин қўл ҳаракатидан кейин каттақон балиқ камарда тешик билан кўздан йўқолади.

Нима бу? Қайтмас йирткич ҳақидаги афсонанинг тугасими? Йўқ. Муренанинг ўзи фавқулодда ҳошларгагина рақибига қарши ҳужум қилади, шунда ҳам бурчакка қамаб борганда, ўзига нисбатан рақиб каттароқ бўлганда. Балиқчиларнинг тўрига тушиб қолса, у жуда ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатади: игнакаби ўткир тишлари одами тишлаб олишга қодир. Таж-



рибасиз шўнгувчи унинг яшадди ҳамласига дуч келиб қолиши ҳеч гап эмас. Гап шундаки, муреналар сувостни дунёсида ажойиб тарзда ниқоблана билдилар, шу сабабдан уларни маълум масофадан аниқлаш қийин. Бу балиқнинг жағлари ўткир тишлар билан қопланган бўлиб, бязи бирлари шунчалки каттали, мурена оғзини ёшолмай қолади. Бир куни қирғоққа чиқарилган мурена балиқчилар суккан йўғон таёқни майдалаб ташлаган.

Айни пайтда шундай ҳодисалар ҳам маълумки, бу йирткич балиқлар одамларга ўрганган, сузувчиларнинг қўлларидан чўчимай овқат еган, силлаб-эрқалашга қаршилик кўрсатмаган...

Қадан ортик турлари мажжуд бўлган муреналарнинг тропик кенгликларда яшайдиган айрим хиллари, айтилгачча, узунлиги уч метрга ҳам етар экан. Лекин одатда уларнинг катталиги ўрта ҳисобда бир метрга, оғирлиги олти килограммга етади. Узунлиги ўн сантиметрдан ошмайдиган майда муреналар ҳам учрайди. Муреналарнинг асосий овқати албатта анчайган сувостни сузувчилар эмас, балки балиқлар, денгиз қисқичбақалари ва бош-оёқли мол-

люскалардир. Муреналар уларни қол бриқлар, сувостни горлари пистирмаларида тутиб олади. Бу йирткич очикдан ҳолда ҳам фақат биттагина балиққа — тубан балиғига тоғмайди.

Уртаер денгизлик ва тинчқоқлик аҳоли дастурхониди муренанинг ўзи теътеъ кўзга ташланади. Уларнинг айрим турлари жуда ҳам таъсир овқат ҳисобланади, Қадимги Рим овқат шивавилари уларга юксак баҳо берганлар.



Муреналарнинг зарари тўғрисида ёлгон таассуротга бориқ хурофот тўғрисида Уртаер денгизининг ҳамма ерида муреналар кириб юборганлиги, куллар катор районларда биологик мувозанат бузилиши аломатлари кўришди — насал балиқлари сони неқисин кўпайди, катти қисқичбақалар, қисқичбақасимонларни овлаш камайиб кетди.

Хўш, қонхўр йирткич борасида бизгача етиб келган афсонага нима дейсиз? Маълум бўлишича, куллар ғўш-ти билан оқилган машҳур муреналарни янги одамҳўрлик ролига киритиш учун ойлаб тайёрланган экан: улар яримч сушлаб турилган, қон ҳидига маҳсул ўргитилган...

Н. НИКОЛАЕВ  
(«Вокруг света» дан)



## КАСБ ТАНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Урта мактабни битириб, кўлларига етуклик аттестати олган йигит-қизларнинг ҳаётида қувончли ва шу билан бирга масъулиятли давр бошланади. Биринчи бор мустақил ҳаётга қадам қўйиш нақадар қувончли бўлса, ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини тўғри тоша билиш янада масъулиятлидир.

Кишининг бахтли ҳаёт йўли кўп жиҳатдан унинг лаёқати ва истеъдодига мос равишда касб танлашига, шу касб эгаси бўлишига боғлиқ. Ҳозирги кунда мактабни битирган кўпгина ёшларнинг бутун фикри ҳаёли «Ким бўлсам экан?» де-

ган ўй билан банд. Улар кўпинча касб тўғрисида энг аввал ота-оналари, қариндош-уруғлари ва ўртоқларидан маслаҳат оладилар. Маълумки, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг қобилияти ва истеъдодидан қатъий назар обрўли касб эгаси бўлишини истайди. Айни пайтда фарзанднинг лаёқати, маълум соҳага мойиллиги, қизиқувчанлигини ҳисобга олмайди. Ота-онанинг талаби асосида касб эгаллаган фарзандни кўз олдингизга келтиринг.

Маълум касбни қизиқмасдан эгаллаган мутахассис на ўзига, на жамиятга унумли фойда

келтиради. Ўз ишини, қилаётган меҳнати қадрламайдиган ишчи, ходим учун кун ўтса бўлди. Бундайлар меҳнат коллективларидаги ютуқ ва камчиликларга ҳам безфарқ қарайдилар. Бироқ, кеч бўлса ҳам касбни ўзгартириб, ана шу касби орқали обрў топаётганлар ҳам кам эмас. Лекин қайта касб эгаллашга кетган вақт, маблағ эса жуда қимматга тушади. Статистика маълумотларига кўра, қайта касб эгаллаш учун сарф қилинаётган маблағ Иттифоқ бўйича ҳар йили беш миллиард сўмни ташкил этар экан. Биргина мисол: 1983 йил давомида Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхоналардан бирида такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаш истагини билдирган 430 киши психофизиологик диагностика лабораторияси кўригидан ўтишида шу нарса маълум бўлдики, ҳайдовчиларнинг ўттиз фоизи йўл ҳаракати қондаларини бузишга, авария содир этишга, йўловчилар билан қўпол муомалада бўлиш каби бошқа бир қатор қусурларга эга экан. Ҳозирги кунда бу министрликда психофизиологик диагностика лабораторияси ишлаб турибди. Такси ҳайдовчиси бўлишни орау қил-

ган ҳар бир киши шу лаборатория ҳулосасига биноан ишга қабул қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Апрель пленумида тасдиқланган ва СССР Олий Советининг ўн биринчи чакириқ биринчи сессиясида қабул қилинган «Умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислох қилишнинг асосий йўналишларида» ҳамда партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кейинги қатор қарорларида умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб танлашга ўргатишни яхшилаш, баъзи бир шаҳар ва районларда тажриба тариқасида касб танлаш марказлари тузиш лозимлиги айtilган. Республикамизда партиямизнинг бу қарорлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

1984 йилнинг бошида Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитетининг ташаббуси билан районда касб танлаш маркази ташкил қилинди. Яқин орада ана шундай марказ шаҳар микросида ҳам иш бошлайди. Бу марказларда ҳар бир ўқувчи ёки ишга жойлашмоқчи бўлган йигит-қиз психолог, физиолог каби мутахассислардан ўз қобилияти ва

лаёқатига қараб у ёки бу касбни танлаш ҳусусида малакали маслаҳат олишлари мумкин.

Ҳозирги кунда эса, ана шундай кабинетлар Урта Осие Темир йўли бошқармасида, Тошкент Нон ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент тўқимачилик комбинатида, «Таштекстильмаш» заводида, Бухоро тўқимачилик комбинатида, Наманган шойи тўқимачилик комбинатида, Тошкент область Бекобод районидagi Ленин номли колхозда ҳамда бир қатор корхона ва хўжаликларда ишлаб турибди.

Касб танлаш ва касбга йўллаш иши коммунистик тарбиянинг таркибий қисмидир. Зотан, касбга йўллаш масалалари партия ва давлат аҳамиятига эга бўлиб, коммунистлардан, партиясизлардан, барча жамоатчиликдан диққат-эътибор, куч ва гайрат талаб қилади. Бу ишларни изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилинса, мамлакатимизнинг янада раванқ топишига, меҳнат унумдорлигини оширишга, пировардида эса, халқиимизнинг турмуш ва маданий фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз.

Абзал ҒУЛОМОВ,  
педагог

Ильич районидagi «Партия XXV съезди» саноат комплексининг илгор ишчилари: Г. Қаршибоева, Д. Жапақова, Г. Хайдаровалар.

Н. Муҳаммаджонов фотоси



# НАҚҚОШ

Йигитча кўринишидан ўн олти-ўн етти ёшларда эди. Эғнида оқ кўйлак, бошида чуст дўппи. У кенг табақали дарвозанинг қанотига уялганча, ичкаридаги ганчкор усталарнинг ишини диққат билан кузатиб турарди.

— Қани, ўғлим, бу ёққа келчи, — деди уни кўрган уста хавозадан пастга тушаётиб. — Қимнинг ўғлисан?

— Уста Хусайннинг.  
— Хали усталар авлодиданман, дегин. Исминг нима?

— Мадамин. Сиздан хунар ўрганиш учун келгандим.

— Баракалла... Дадангни Косонсойда танимайдиган одам йўқ, деса бўлади. Шогирдларининг кўлигидан маҳалласига ҳам «Уста маҳалла» деб ном беришган. Отангдан анча-муңча нарса ўргангандирсан?

— Эшик, ромларни бемалол ясай оламан. Синчли уй қуришни, том ёпишни биламан.

— Лекин, ўғлим, биз бутун Фарғона водийси бўйлаб кезиб юрамиз. Бунинг устига, хунари-миз ҳам жуда машаққатли...

— Шогирдликка олсангиз, бас, у ёғни элайман, — деди йигитча қатъий. Уста боланинг елкасига меҳр билан қокди:

— Майли, ўғлим, сени шогирдликка оламан. Фақат даданг билан маслаҳатлашим лозим.

Шу куни оқшом Мадамин устани уйига бошлаб келди. Уста Хусайн боши кўкка етгудек бўлиб кетди. Ахир, ўғлини шогирдликка сўраб келган бу уста бутун республикага машхур ганч-

кор, нозик дидли наққош Саидмаҳмуд Норқўзиев эди!..

Бу воқеа бундан қирқ йил мукаддам Косонсойда бўлганди.

Мадамин Хусайнов узоқ йиллар давомида уста Саидмаҳмуддан ганчдан сержило, нафис, ранг-баранг нақшлар солишни ўзлаштириб олди.

1959 йили Мадамин Хусайнов Наманганга қайтди. Рассом Турғун Абдуллаев билан ҳамкорликда кўпгина қуриш объектларини безашда иштирок этди. Унда ўз касбини бошқаларга ҳам ўргатиш истаги туғилди. Шу мақсадда у Фарғона Бадий фонднинг Наманган бўлимига ишга кирди. Бу ерда иш гоят масъулятли бўлиб, оригинал кўринишдаги шакллар талаб этилар, уларнинг қораламаларини кўпчилик расомлар биргаликда муҳокама қилишгач, энг яхшиларинигина танлаб олар эдилар. Шундан кейин фойдаланиш учун тавсия этиларди. Бадий фонд бўлимида ишлаш наққош учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди. У наққошлар, ганчкорлар бригадасига бош бўлди: Чортоқ, Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Косонсой районларида бир неча колхоз клублари, чойхона ва бошқа жамоат биноларини безадилар. Тўрақўрғон районидаги Калинин номи, «Москва» колхозлари клубларига, Тўрақўрғон шаҳридаги жанговар ва меҳнат шон-шухрати уйига ишланган ганч нақшлар устанинг профессионал маҳоратидан далолат берди.

Бир гуруҳ наққош ва ганчкор-

лар сўнгги йилларда Мадамин ака бошчилигида Учқўрғон шаҳрида, дарё соҳилига қурилган мухташам ресторан-чойхона, Наманган шаҳридаги зифат биноси, Наманган районидаги «Ленинград» колхозни клуби ва чойхонаси ошхоналарида ҳамда Косонсой районидаги бир қанча объектларда катта безак ишларини амалга оширдилар. Ҳозирги кунда улар КПСС XXV съезди номидаги Наманган Аврли газламалар комбинати биноларининг фойелари, залларини безаш ишларини олиб бормоқдалар.

Устандан хунар ўрганган Убайдулла Нурмухамедов, Мамадали Узоков, Муҳсиддин Садриддинов, Муҳаммаджон Эралиев, Ҳасматжон Қозоқов, Ҳасимжон Хусайнов, Абдуҳалил Хусайнов, Усможон Шарифбоев, Яхё Аюпов, Довуд Халилов, Исмоил Садриддинов, Фозилжон Ғозиев, Мақсуд Исмоилов каби наққошларнинг номлари аллақачон тилга тушган. Уларнинг ҳар бири эндиликда мустақил ишлаб, ёшларга ўз хунариларининг сирларини ўргатишмоқда.

Мадамин аканинг талантли шогирдларидан бири Адхамжон Муҳинов устози ҳақида шундай дейди:

— Мен ҳар гал устанинг нафис, нозик нақшларидан, бири-бирига уйғун ранглар танлай билиш маҳоратидан, фантазиясининг бойлигидан ҳайратга тушаман. У яратган нақшлардан қалбининг олижаноблигини ҳис этиб турасан. Улар дилингни янги-янги изланишларга рағбатлантиради. Биз бу камтарин, олижаноб инсондан одамийликни, меҳнатқашликни, ўз қобилиятимизни ишга сола билишни ҳам ўрганмоқдамиз.

Албатта, ганчкорлик ва наққошлик — жуда машаққатли хунар. Бино деворларига, шифтларга нақш тушириш учун дастлаб девор ёки гумбаз оқ цемент билан бир текисда суваб

чикилади. Унинг устидан бир хил қалинликда чангсувоқ қилинади. Ганч қотиб қолмаслиги учун нақш тезкорлик билан нухса кўчирувчи қоғоз ёрдамида деворга туширилади ва махсус кескичлар билан ишга киришилади.

Ганччи ўйиш тез ва соз бажарилиши лозим. Бўлмаса, ганч қотиб қолади. Ўйилган гуллар ҳам сифатсиз ва қўпол чиқади. Шунинг учун ҳам бу санъат ўз соҳибларидан юксак маҳорат ва малакани талаб этади. Наққошлик эса жуда «майда» иш. Наққошлар бутун борлиқлари билан берилиб ишлайдилар. Ҳар бир гулнинг кунгурасига нозик мўйқаламлар билан чирой ҳаля этишга баъзан ойлар, йиллар сарф бўлади. Айниқса гумбазларга гул ишланаётганда усталар фақат тепага қараб ишлайдилар. Бўйин толади, кўз тинади...

— Ганчдан гул ўйиш, нақш солиш санъати, — дейди уста, — қадим замонлардан буюн ўзбек халқини ўзига мафтун этиб келган. Ганчкорлик ва наққошлик инсон ақлу заковатининг нечоғлик юксаклиги, дид ва идрокнинг, қалбининг нозиклигини кўрсата оладиган санъатдир. Самарқанд, Бухоро, Хева, Қўқон шаҳарларидаги обидаларнинг мўъжизакорлиги ҳам шундан-дир.

Мадамин ака бугунги кунда элга танилган моҳир наққош, СССР Рассомлар союзининг аъзоси, Наманган Бадий фонди ганчкор ва наққошлар бригадасининг етакчиси. У Наманганда ўзига хос ганчкорлик, наққошлик мактабини яратиб, хурмат-этибор топди. Шарқона нақшларга қайта умр бахш этиб, уларни янги-янги жилвакор шакллар билан бойитди.

Наққошнинг оила аъзолари ҳам бу ўлмас санъатга ихлоқ кўйишган. Фарзандлари Мажид, Абдурауф, Убайдулла, Ҳамид ҳам ота изидан бориб, наққош бўлиб етишдилар. Улар бу борада амалиёт билан назарияни бирга боғлаб олиб боришпти: Мажид ва Абдурауф Хусайновлар Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг бадийи безаш ва наққошлик бўлимларида тахсил олишди.

— Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Республикада халқ амалий санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида»ги қарори биз амалий санъат усталарининг ишига берилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, — дейди Мадамин Хусайнов. — Бу гамхўрликка жавобан барча имкониятларининг, қалбининг бор кучини халқ амалий санъатининг янгидан-янги уфқларини очишга, жозибасини кашф қилишга сарфлагинг келади.

...Уста Мадамин ганч ўймоқда. Кўз нури, қалб кўрнин бахш этиб, гўзалликка боқий умр ҳаля этапти. Бу гўзаллик кишилар дилни кўчаётир. Уларнинг қалб дувёси-ни маънавий юксак туйғулар билан бойитаётир. Устанинг инсоний бахти, бизнинг унга бўлган чексиз меҳримизнинг боиси ҳам шунда.

Абдулла АБДУМАЖИДОВ



Парварши.



Тошкент область, Бўстонлик районидagi Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори, СССР Давлат мукофотининг лауреати Саломатхон Сайдалева шогирди Инобат билан.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

## Табиат неъматлари

# КАРТОШКА ТАРИХИ

«Ер олмаси» дегани бу сабзот-мева, ҳозирда кундалик овқатларимизда кенг истеъмол этилаётган картошқадир. Доҳиймиз В. И. Ленин Октябрь кунларида картошкани «иккинчи номимиз» деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, картошқа таркибидаги озуқа моддалари тўқутарлик жиҳатидан нондан қолишмайди. Унда 18 фойиз крахмал, 2 фойиз оксил, 1 фойиздан кўроқ шакар моддаси, маъдан турлари ва анчагина витаминлар — дармондорилар мавжуддир. Лекин мана шундай фойдали ва серлаззат масаллиқ XVI асргача Европа ва XIX асргача Осиёда истеъмол қилинмаган.

Ботаника тарихи билан машғул олимлар келтирган далилларга кўра, ёввойи картошқанинг ватани Чили ва Перу бўлиб, бу мамлакатларнинг территорияларида яшаган аҳоли уни маданийлаштирган ва бу масаллиқни «паппа» деб атаган. Тарихдан маълумки, 1536 йилда испаниялик фотиҳлар Жанубий Американи ўзига бўйсундирадилар. Аскарлар орасида турли касб-кордаги одамлар бўлади. Улардан бири асл мутахассислиги ботаник бўлиб, у паппани Испанияга олиб келиб экади. Унинг вафотидан кейин бу ўсимлик ёввойилашади. XVII асрда Италия экинзорларида бегона ўт сифатида пайдо бўлади ва уни

«тартофелли» деб атайдилар. «Картофель» деган тушунча ана шундан келиб чиққан.

Ер олмасининг тўқутар овқат ва шифобахш неъмат эканлигини дастлаб кашф қилган киши доришунос Пармантье бўлган. У картошкани кўплаб экади, ундан турли таомлар тайёрлайди, ҳатто картошкани тарғиб қилиб, «Пом де терра» (яъни «Ер олмаси») номли китоб ҳам ёзади.

Бир куни Пармантье ўз китобини Франция қиролига тақдим этади ва унга яшиқларда махсус ўстирилган картошкани олиб келиб кўрсатади. Қиролдан бу ўсимлиқни кўплаб экиш учун фармон чиқаришни илтимос қилади. Қирол олимнинг сўзини инобатга олмайди. Фақат қиролича илтифот учунгина картошқа гулини узиб олиб сочига тақайди. Қирол ҳам гулидан олиб соат чўнтагига тақайди-да, хайр-маъзур қилади. Шу нарса туртки бўлиб картошқа масаллиқ сифатида эмас, декоратив экин — гул сифатида тувақларда ва гулхоналарда ўстирига бошланади. Сарой зодагонлари камзулларининг соат чўнтақларига картошқа гулини қистириб юришни модага киритишади, аёлларнинг картошқа гули шляпалари пайдо бўлади.

1565 йили Англияда картошқанинг жонкуяр яна битта тарғиботчиси пайдо бўлади. Бу Жон Хоукенс исмли денгизчи бўлиб,

у Перудан қайтаётганида анчагина картошкани пароходда авайлаб олиб келиб экади. Картошқа пишганда Хоукенс катта зиёфат ташкил қилиб, сарой зодагонларини картошқали таомлар билан сийламоқчи бўлади. Лекин, афсус, «иш ўнгидан келмаса шиша тошни парчалайди» деганларидек, ошпаз тушмагур жуда ношуд экан, у таомни картошқанинг илдици тугунларидан эмас, шундоққина кўкитани ўриб келиб пиширади. Ейилишидан олдин ҳамду санолар ўқилган «таом» дастурхонга тортилгач, барча меҳмонлар хангу манг бўлиб қолишади. Шунда меҳмонлардан бири мезбонга юзланиб:

— Визни ўзингизга ўхшатиб хашакхўр деб ўйлаган бўлсангиз керак, йўқ биз одамимиз! — дейди. Ҳамма ранжиб чиқиб кетади. Уша воқеадан сўнг узок денгиз сафарларида шухрат қозонган ва «Кўркмас капитан» номига сазовор бўлган Жон Хоукенс картошқани тарғиб қиламан деб, ўз ниятига эришаолмайди.

Энди яна Францияга қайтайлик. Картошқа фидойиси Пармантье қиролга мурोजаат қилиб ҳеч бир натижага эришаолмагач, бўш келмайди: ўз томоркасига кўплаб картошқа экади. Ҳосил гулга киргандан эътиборан чор томонга милтиқли соқчилар қўяди. Бу ишдан қўшни деҳқонлар хайрон бўлишиб:

— Пармантье даласига олтин эканмидики, кўриқласа, — деб хайрон бўлишади.

Шов-шув бошқа қишлоқларга ҳам тарқайди. Ҳар ҳолда одат бор: эҳтиёт қилинган нарсага ўғри ўч бўлади. Пармантье даласининг атрофида соқчилар ухлашини пойлаб юрган аллақандай кишилар пайдо бўлиб қоладилар. Пайтини топиб, улар картошқадан кавлаб кетадилар, олиб бориб гулхонага ташлайдилар. Тасодифан бир чўпон кўрда пишиб қолган картошқадан татиб кўради. Хай-хай, «ер олмаси» ни емабсиз, дунёга келмабсиз! Шундоқ лавзат! Тузга теккизиб еса янада хушхўр...

Шундан сўнг картошқанинг таърифи кетади. Оч аҳолини боқоқмай боши қотган қиролга ҳам ақл қиради. Тез орада картошқа кўпгина Европа мамлакатларида экилабошлайди.

XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида Россия подшоши Петр I Голландияда кема-созлик санъати билан шахсан ўзи шуғуллангани маълум. Ушунда Петр I бу мамлакатдаги деҳқонларнинг картошқа номли янги неъмат етиштирганликларидан хабар топади ва бир қоп картошқа харид қилиб олиб Россияга жўнатади ҳамда «деҳқонлар экин» деган буйруқ ҳам беради. Лекин бу ерда ҳам картошқа осонликча ерга қадалмади. Тарихда деҳқонларнинг картошқа экишга қарши галаён қилганликлари тўғрисида маълумотлар бор.

Атиги 120 йил муқаддам, яъни XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Россия далаларида бу неъмат жуда кенг майдонларга экиладиган бўлади ва Осиё мамлакатларига ҳам шу ердан тарқалади. Картошқанинг Урта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда экилиши ҳам осон кўчмаган. Урта Осиё Россия составига қўшиб олинганидан сўнг бу ерларга кўчиб келган рус деҳқонлари ўзалари билан редиска, петрушка, сельдрей, бақлажон, булғор гармдориси, помидор уруғларини, жумладан картошкани ҳам олиб келиб экишни жорий қиладилар. Солдат ошхоналарида, рус рестораниларида ва деҳқон хонадонларида картошқали таомлар кўплаб тайёрланади. Шу-шу маҳаллий деҳқонлар ҳам картошқа экишга, ошпазлар эса пиширишга ўргана бошлайдилар.

Эндиликда эса картошқа экмаган хўжалик йўқ, картошқа солинадиган таомлар кўп. Совет олимлари картошқачилиқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Сабазвот ва картошқанинг навларини яхшилаш бўйича илмий-тектириш институтлари ва илмий станциялар мавжуд.

Жаҳонда 450 йил давомида картошқанинг фақат бир навигина экиб келинган бўлса, социалистик қишлоқ хўжалигининг ярим асрлик равнақи давомида унинг 150 нави селекция қилиниб экиладиган бўлган. Картошқа бугун миллий таомларимизнинг 250 хилга қўшиб пишириладиган хушхўр ва оммавийлашган масаллиқ бўлиб қолди.

Карим МАХМУДОВ

# ШЕЪР ФАЙЗИДА ЯШАЙДИ

Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш Халқаро Ленин мукофоти лауреати, Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг ветеранларидан бири, атокли урду шоири Файз Аҳмад Файз 1984 йил 20 ноябрь куни Покистонда вафот этди.

Файз Аҳмад Файз 1911 йили Сиялукт шаҳрида туғилган. Унинг илк шеърлар китоби — «Фарёд нақши» 1941 йили Лоҳурда нашр этилди.

Файз Аҳмад Файз кўп йиллар давомида инглиз тилида чиқадиган «Пакистан таймс» ва урду тилида нашр этиладиган «Имроз» газеталарининг бош муҳаррири бўлди. 1953 йили унинг иккинчи шеърлар китоби — «Сабо қўллари» босмадан чиқди. 1951—1955 йилларда шоир «Равалпинди фитнаси»да иштироки бор, деган айб билан қамқоқхонага ташланди. Файз Аҳмад Файз шу йилларда ёзган шеърлари асосида «Зиндоннома» китобини яратди. 1962 йили Файз Аҳмад Файз халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги улкан хизматлари учун юксак шарафга муяссар бўлди — Халқаро Ленин мукофоти билан тақдирланди. 1970 йили ЮНЕСКО бу атокли шоирнинг бир жилдик сайланма шеърлар китобини нашр этди.

1972 йили Файз Аҳмад Файз «Мангулик қаршида» шеърлар китобини эълон қилди. Бу мажмуа унинг Бангладеш воқеалари даврида ёзилган шеърларидан иборат эди. Кейинги йилларда Файз Аҳмад Файз Покистон ҳукумати қоншдаги санъат кенгаши раиси лавозимида ишлади.

Файз Аҳмад Файз юксак гражданлик пафоси билан йўғрилган лирика устаси сифатида шуҳрат топган шоир. Унинг шеърлари ҳинд, рус, ўзбек, инглиз, вьетнам ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган.

Файз Аҳмад Файз Осиё ва Африка ёзувчиларининг «Тошкент руҳи»га асос солган 1958 йили I конференциясида ҳам, 1983 йили республикаимиз пойтахтида икки буюк китба адиблари ҳаракатининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган юбилей конференциясида ҳам иштирок этди. Чорак аср давомида у Осиё, Африка қитъасининг прогрессив адиблари билан бир сафда туриб, энг эзгу идеалларни қарор топтириш йўлида хормай-толмай курашди.

Файз Аҳмад Файз совет адибларининг, шу жумладан, ўзбек совет ёзувчиларининг кадрдон дўсти эди. Жуда кўп шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган. 1961 йили Собир Абдулла таржимасида шеърлар тўплами нашр этилган.

Шоир ва тинчлик учун курашчи Файз Аҳмад Файз ҳамisha сафда. У руҳан жаҳон прогрессив шеърляти, Осиё, Африка адиблари ҳаракати билан ҳамнафас яшашда давом этади.



Андижон области ўзининг бой санъати ва маданияти тарихига эга. 1919 йилдаёқ Андижонда духовой оркестрнинг ташкил топиши тарихи ҳам фикримизни тасдиқлайди. Унинг ташкилотчиси Тошкет шаҳар, Октябрь район Жумхурият маҳалласида туғилиб ўсган, рус чолғу асбобларининг республикада биринчи ўқитувчиси Қурбон Чориев эди.

Қурбон Чориев ёшлигида Тошкентдаги маҳаллий бойларнинг кўчма циркларида ишлаб юрганида, духовой оркестрга қизиқиб қолади. У ишдан бўш вақтларида, оркестр хонасида кларнет чалишни қисқа вақт ичида ўрганиб олади. Уртокларнинг ёрдами туфайли саводини ҳам чиқариб олгач, кейинчалик машғулотларда нота бўйича куйлар ижро эта бошлайди.

1919 йил ёзида Қурбон Чориев Андижонга келиб, кўнгилдилар армияси сафига қўшилади. Кўнгилдилар армиясида иштирок этаётган Иброҳим қизиқ Тешабоев, Солижон Аҳмедов, Ёқубжон Тўхтасинов, Шокиржон Ҳожиёв ва яна бир неча ёшлардан иборат кичик оркестр тузилади. Бу ёш санъаткорлар Қурбон Чориев раҳбарлигида қисқа вақт ичида кларнет, труба, тинор, бас, альт, барабан ва бошқа чолғу асбобларида куйлар чалишни пухта ўрганиб олишади.

1920 йили мазкур духовой оркестрга «Партизанлар оркестри» деб ном берилди. Оркестр аъзолари Тожизода, Ваҳоб Азимов, Исоққори Каримов, Ориф-гармон Тошматов ва бошқа санъаткорлар иштирокида агитпоездда юрилар. Уша йилнинг кузида шоир

## АНДИЖОНДА БИРИНЧИ ДУХОВОЙ ОРКЕСТР

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Андижонга келиб, Узумбозор қишлоғида «Шарқ кечаси» деб номланган кеча ўтказилади. Бу кечада оркестр жўрлигида Ҳамзанин «Ҳой, ишчилар» революцион куйи маҳорат билан ижро этилади. Шундан кейин Андижонда ном чиқарган «Партизанлар оркестри» қишлоқларда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. 1922 йилда оркестр Қурбон Чориев бошчилигида Бухоро, Ашхобод фронтларида инқилобий ва миллий куйларни ижро этиб, Қизил Армияга мададкор бўлади. Сафардан қайтгач эса, Тошкент шаҳар партия, комсомол ташкилотлари ихтиёрида хизмат қилади.

Уша йили Андижонга яна қайтиб келган Қурбон Чориев бу ерда духовой оркестрнинг мукаммал шакл топиши учун изланишлар олиб борди. Унинг ташаббуси билан Узумбозордаги чойхонада «Санойи нафиса» союзи тузилади. Союзга 20 дан ортиқ қарнайчи, ногорачи, сурнайчи ва бошқа созандадар жалб этилди. Халқ созандалари тўрт қисмга бўлиниб, халққа хизмат қилишади. Улар ижро этган «Чоргоҳ», «Сурнай навоси», «Ажам», «Наво», «Муножот» каби классик халқ куйлари, кураш, дор ўйинлари юзлаб, минглаб тингловчи-томошабинларга ором бағишлайди.

1924 йили Қурбон Чориев Кўнгилдилар армияси сафига қўшилади, босмачиларни тор-мор қилишда актив қатнашади.

Уша йиллари Андижонда «Намуна», «Ватан» номли мактаблар бирлаштирилиб, болалар интернати ташкил топди. Бу интернат қошида Қурбон Чориев 15 кишидан иборат духовой оркестр ҳаваскорлик тўғрагини ташкил этади. Оркестр составида Ганижон Абдуллаев, Раҳмонжон Мамадалиев, Солижон Аҳмедов, Ёқубжон Тўхтасинов, Мирзааҳмад Хўжаев, Жума Тошматов ва бошқалар актив қатнашиб, турли музика асбобларида куйлар чалишни ўргандилар. Машғулотлар 6—7 соатлаб давом этарди. Икки йил ичида ёш созандадар оркестрининг концертлари қизгин тус олди. Шу тариқа Андижонда ўзбек йигитларидан иборат каттагина духовой ансамбль вужудга келди. Улар катта анжуманларда, сайилларда Ҳамзанин инқилобий куйларидан ташқари, интернационал гимнларни ҳам усталаб билан ижро этишарди.

Оркестр ўша йиллари халқ ижод этган «Андижон полкаси» куйини республикаимизга танитди.

1932—1940 йилларда оркестр коллективи шаҳардаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши бошлангач, оркес-

трада ёшларнинг бир қисми фронтга кетди. Қолганлари эса Охунбобоев номли област ўзбек Давлат музикали драма театрига ишга жойлашди.

Оркестрнинг талайгина ижрочилари ҳали ҳаёт. Улар айни пайтда фаровон ҳаётимизда кексалик гаптини суришмоқда.

Санъат отадан болага, устоздан шогирдга қолади. Шу йил 65 баҳорни кутиб олган созанда, педагог Ганижон Абдуллаев кўп йиллардан бери шаҳардаги 40-ўрта мактабда музика ўқитувчиси бўлиб ишлаб, устозининг ишларини давом эттирмоқда. Маърифатпарвар санъаткор Қурбон Чориев ташаббуси билан ўша пайтларда ташкил топган духовой оркестр куйлари бугун ҳам тантанавор янграмоқда. У ҳаётга шу қадар сингиб кетдики, байрамларда, катта анжуманларда, маданият ва истироҳат боғи майдонларида томошабинларга алоҳида руҳ бағишлайди.

Қурбон Чориев 1947 йили Тошкентда вафот этди. Андижонлик дўстлари, шогирдлари уни доимо эслаб туришади. Оркестр чалинса бас, бу ерда дарров Қурбон Чориевнинг номи ёдга тушади. Ҳа, санъатга бағишланган умр боқийдир.

Нусрат ИНОҚОВ,  
Ўзбекистон ССРда хизмат  
кўрсатган артист, кекса  
созанда

## АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Илмий-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида инсониятнинг табиатга таъсир миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Бу таъсир бир томондан самарали бўлгани ҳолда, иккинчи томондан асоратлидир.

Шунинг учун ҳам, мана, икки йилдирки, ҳукуматимизнинг табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида қабул қилган қонун кучга кирди. Бу муҳим ҳуқуқий ҳужжат биз совет граждандари зиммасига катта масъулият юклайди. Негаки, табиатда йўқолган, инсонга хизмат қилдирилган нарсаларнинг ўрнини тўлдирish, ҳавонинг софлигини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳим ва долзарб бўлиб қолди.

Юқорида айтганимиздек, инсониятнинг табиатга таъсир кўлами тобора ортиб бораёпти. Ҳозир ҳар

йили 4 миллиард куб турли қазилма бойликлар қазиб олинмоқда, 6 миллиард тонна тошкўмир ва 2 миллиард тонна нефть ёқилади. Булар ўз навбатида 10—12 миллиард килород ютиб, 14—15 миллиард тонна карбонат ангидриди, миллион тонналаб турли зарарли газ, чанг ва аэрозоллар чиқармоқда. Оқибатда она-табиатнинг кўпгина унсурлари — ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот олами маълум даражада заҳарланмоқда. Бу ўз навбатида кишилар саломатлиги, уларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Демак, табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири ижтимоий-иқтисодий омиллар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, капиталистик тузум бу борада ҳам ўзининг башарасини кўрсатмоқда. Жумладан, ядро қуролла-

рини сувда, қуруқликда ва ҳавода синишлар, саноат корхоналаридан чиқадиган газ, қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги чиқиндилар, табиат ресурслари: сув, ўрмон, тупроқ, қазилма бойлик каби-лардан бир группа кишиларнинг манфаатини кўзлаб, плансиз фойдаланишлар оқибатида планетамиз табиатига зиён етмоқда. Буларни ҳақли равишда она-табиатнинг «жароҳати» деб аташимиз мумкин. Бундай нохуш ҳодисаларни капиталистларнинг табиий бойликлардан фойдаланаётганида ўз фаолиятлари қандай оқибатларга олиб келишини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги, фақат уларга хос бўлган иллат — фойда кетидан қувишдек касалликка мубтало бўлганлиги оқибати деб қарамоқ керак.

Социалистик тузум шароитида эса аксинча, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини тўла қондириш мақсадида табиат ресурсларидан планли, оқилона ва келажак авлодимизнинг яшаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда тежаб-тергаб фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бузилишдан сақлаш назарда тутилади. Бизда она-табиатни муҳофаза қилибгина қолмасдан, балки уни қайта тиклаш, унга етказилган «жароҳатлар»ни тuzатиш борасида ҳам самарали ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қадимда қакраб ётган кимсасиз Мирзачўл, Жиззах, Езёвон, Қарши чўллари ўзлаштирилиб, улар ўрнида гуллаган воҳалар бунёд этилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Сийриб дареларини эрта осийга бошқариш масаласи билан боғлиқ бўлган «Орол муаммоси» амалга ошгандан сўнг шу ўлкадаги «қуш учса қаноти, инсон юрса оёғи куяди»ган барханлар макони бўлган Қорақум, Қизилқум чўллари келажак авлодларимиз учун яшил масканга айланади. Бепоён мамлакатимиз аҳолиси табиий географик нуқтаи назардан кулай бўлган майдонларга жойлашиб, ҳўжалик ишларини юргизмоқдалар.

Ҳар қайси ўлканинг географик жойлашувига қараб, ўз табиати ва маълум даражада чекланган имконияти бўлади. Шундай экан, табиатдан унинг имкониятидан ортқ эҳсон қутиб бўлмайди. Акс ҳолда табиатни ўзимизга қарама-қарши қилиб қўямиз. Табиатни инсониятга нисбатан қасоскор бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди.


Дарҳақиқат, ҳар қачонгидан ҳам эндиликда табиат билан дўстона муносабатда бўлиб, уни эъзозлаш, чинакамига севиш лозимлиги аён бўлиб қолди. Шу бонсдан ҳам ҳозирги кунда барча ишчи, пахтакор, олим, студент, ўқитувчи, ўқувчи, хуллас, ҳамма табиат муҳофазасининг иштирокчиси бўлмоғи зарур. Жаҳон халқлари бир ёкадан бош чиқариб, тинчликни ҳимоя қилганларидек, она табиатнинг посбонлари ҳам бўлсалар, аини муддао эди!

Абдурасул СОАТОВ,

СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси

Қумқўрғон райони яйловларида.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси



Фарҳод МУСАЖОНОВ

Акмалхон ака қўлзма солинган папкани қўлтиқлаганича қаддини роз тутиб, театр биносига гириб борди. Эшигига «Бош режиссёр» деб ёзилган хонага яқинлашди-да, хушчақчақ бир кайфиятда ичкари кирди.

Тўрдаги катта стол қошида ўрта яшар, сочлари тўзғиб кетган Назар Якубович столга муккасидан тушиб, қандайдир қозғолазга тикилиб ўтирарди.

Акмалхон ака гўё эски кадрдонини учратгандек, кўтаринки руҳда хитоб қилди:

— Давримизнинг улуг режиссёрига оташин саломлар!

Аммо Назар Якубович ҳорғин: — Келинг, — деди.

Акмалхон ака хафа бўлмади. Чунки ҳозир энг асосийси хушхол ва тетик кўриниш. У чиройли жимлайди.

— Менга бир неча дақиқа табаррук вақтларини ажрата оладиларми?

Режиссёр хатто бошини кўтармади, мингқиллаб:

— Хизмат? — деди.

Акмалхон ака бўш келадиганлардан эмасди. Бўйини қисиб кирган жойда қачон иш битган? У бурро давом этди.

— Бир нарс олиб келган эдик, кўриб чиқармикинлар деган ниятда.

Режиссёр бошини кўтармай драматург томон қўлини чўзди. Акмалхон ака унинг қўлига пьеса солинган папкани тутқапти. Назар Якубович панжаларининг учи билан папкани олди-да, столнинг бир чеккасига ташлади:

— Уртага сукут чўкди.

— Хўш, жавобига қачон келайлик? — сўнги кўринишга солиб хушхол бўлишга тиришди драматург.

Назар Якубович елкасини қисди, кўлларини ёвди:

— Аниқ айтолмайман. Билансиз-ку, ижодий ишни олдиндан планлаштириш қийин.

— Албатта, албатта, — режиссёрнинг ганини маъқуллашдан бўлак иложи қолмаган эди Акмалхон аканинг, — майли бўлмаса, кўнгироқлашармиз.

Режиссёр «маъқул» дегандек бош ирғади. Акмалхон ака хайрлашиб чиқиб кетди.

Орадан бир hafta ўтгач, Акмалхон ака театрга телефон қилди. Режиссёр «Ҳозир бизда прогон» дедию, тубрқани илби қўйди. Кейинги гал ҳам драматургнинг гапи озиди қолди. Фақат «генеральная репетиция» деган жумлани эшитиб улгурди. Учинчи гал режиссёрдан атиги битта сўз эшитди: «Премьера». Шундан кейин драматург сал енгил торди. «Ҳа, премьерга ўтса, режиссёрнинг қўли бўшар», деб суюнди. Премьеранинг эртасига режиссёрга яна телефон қилди. Аммо бу гал телефонни нотаниш одам олди: «Премьердан кейин ре-

жиссёрнинг мазаси қочиб, касалхонага ётиб қолди», деди.

Хуллас, орадан уч ой ўтганда, Акмалхон ака яна бош режиссёр хонасига кириб борди. Бу гал у ўзини анча сипо тутишга ҳаракат қилди.

Режиссёр драматургни совуққина қарши олди, ўтиришга таклиф этди. Акмалхон ака виқор билан стулга ўтирди. Шу заҳоти чўнтагидан сигарета чиқариб тутатди.

Букчайиб, столга кўкрагини бериб ўтирган режиссёр ҳис-туйғусиз кўзларини драматургга қадади. Шу қиёфада узоқ сукут сақлади. «Жуда юракни қисдинди, гапира қолмайсанми энди, хумпар», тоқатсизлиб дилидан ўтқапти Акмалхон ака.

Нихоят, режиссёр чукур хўрсиниб, мотамсаро овозда сўради: — «Хаёт порлоқ, армон йўқ» миди пьесангизнинг исми?

— Ҳа, мен кўмма, мураккаб асарларни ёмон кўраман. Шунинг учун асар ғоиси яққол бўсини, деб сарлавҳага чиқариб қўя қолдим.



Драматург ҳазиллашпганими ё жиддий гапиряптими, режиссёр англаб ололмаган эди. У пьесанисини тириштирди.

— Нарсаларини ўқиб чиқдик. — Эшитайлик фикрларини. — Акмалхон ака гап бошланганидан анча енгил тортиди.

Аммо режиссёр яна сукутга фарқ бўлди. Валиқоникига ўхшаган сўник кулранг кўзларини яна драматургга қадади.

«Эси сал кирди-чикди роқми бу зангарнинг, — хавотирланди Акмалхон ака, — артистлар ҳақида ҳар хил гаплар юради, образга кириб кетса, тутканогои тутиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, дейишади. Бу ҳам ўшанақалардан бўлмасин тагин?!»

Акмалхон ака битта сигаретани тутатиб иккинчисини бошлади. Назар Якубович олдингидан кўра ҳам мотамсаророқ овозда сўради:

— Хўш... қаердан... бошланади?

Драматург бир оз саросимага тушди. Нимани сўраяпти, пьесаними, бошқа нарсаними? Беўх-

шов илжайиб, таваккал жавоб берди.

— Икки ижобий қахрамон бир-бирини мусобақага чақиршидан бошланади.

Режиссёрнинг кўзлари оғиб шифтга термулди. Қийноқдан ҳориган одамдек ҳазин овозда қайтарди:

— Театр... қаердан... бошланади?

Ҳар бир сўздан кейин, у бир минутча сукут сақлар, кейин иккинчисини айтарди. Режиссёрнинг берган саволини-чи, шунақаям бемаъни савол бўладими, ёки калака қилияптими? Акмалхон ака ҳазилга мойил оҳангда жавоб қилди:

— Эшикдан, тақсир.

Режиссёр «шўрим курсин» қабилида пьесонасига шапатлагани. Кейин бошини чангаллаганича, ерга тикилиб узоқ ўтирди. Яна хўрсинди:

— Ичкарироқ...киринг.

Драматург баттар довдиради. Унғайсизланаётганини яшироқчи бўлиб, ийманиб илжайди: — Бош режиссёрдан бошланса керак-да!

— Офарин! — заҳаранда хитоб қилиб режиссёр, кейин донадона қилиб давом этди, — театр... вешалқадан... яъни кийим иладиган жойдан бошланади. Бу мени эмас, Станиславскийнинг калималари. Хўш, энди айтинг-чи, пьеса... нимадан... бошланади?

Драматургнинг тоқати-тоқ бўла бошлади. У сал асабийлашиб жавоб берди:

ман! Ҳазм қилолмайдиған нарсамни эса, марҳамат қилиб оғзинга тикман!

«Уздан ўзи нега жазавасти тутаяпти бу авишқанинг» — драматургнинг юрагига гулгула тушди.

— Сўнгра! — чинқириб хитоб қилди режиссёр, — ижобий қахрамонингиз фақат планин ортинги билан бажаргани учунгина ижобий. Унинг ахшиллигини кўрсатадиган бошқа биронта одамий хусусияти йўқ. Ҳа, ахир меҳнат қилиш, планин бажариш ҳар қандай кимсаннинг инсоний бурчи. Планин бажарган дарров яхши одам бўлиб қолаверадими?!

— Ия! Ҳадеб сиз мени сўроққа тутавермай, мен ҳам ўларингиз билта савол ташлай. Меҳнат пафоси бўлмаган асар асарми? А, сиз кабинетда ўтирволдиб, меҳнатга қарши чиқасиз?! Бепоеён пахтазорлар, улкан иншоотлар, қуришлар...

Шу пайт шарақлаб эшик очилдию хонага ясовул либосидаги бир барзанги қилич яланғочлаб бостириб кирди. Драматургнинг ўтакаси ёрилай деди.

— Назар Якубович! Реквизитдан сўрасам, бирорта буфафор қилич қолмади деб, қўлимга мана бу зил-замбил чўянин тутқади. Ахир, бу сабил колтурни мен қандай қилиб қирқ беш минут кўтариб тураман?! Қўлим узилди тушади-ку, — деди ясовул кўзлари аланг-жалаң бўлиб.

— Узилди тушса ҳам кўтарасиз, — ҳукм ўқиётгандек гапирди режиссёр.

— Э кўтармайман! — дўк урди ясовул, — ушланг, матахингиз ўзингизга сийлов. Зўр келса, бўшатиб юборарсиз! — ясовул қўлидаги қилични ерга улоқтирди-да, эшикни қарсиллатиб ёниб чиқиб кетди.

Режиссёр бунақа пўписаларни эшитавериб қулоғи пишиб кетди. Э эканми, пинагини ҳам бузмади. Индамасдан столдаги қиличга қўл чўзди. Аммо бир қўлида кўтаролмади. Икки қўллаб аранг кўтарди-да, гандирақлаб бориб деворга тираб қўйди.

Акмалхон ака олдинги гал ҳам, бу гал ҳам келганда театр ҳовлисида турли миллатларга мансуб шахзодалар, қулваччалар либосида юрган артистларни учратарди, лекин ҳозирги замон кийимида бирорта актёрни кўрмади. Вақтдан фойдаланиб, пичинг отди:

— Бу дейман, тақсир, беш-олти йилдан бери репертурларингизда замондошимиз ҳақида бирорта сахна асари кўрмабман-а! Топиб олганларинг ё шахоншоҳ, ё босмачи, ё хуру гилмонлар!

Режиссёр башарасини аламазда буриштириб, қаҳ-қаҳа урди. Бу кулгидан кўра ҳам йиғига кўпроқ ўшарди.

— Сиз менга замонавий мавзуда ёзилган асар топиб беринг, мен вариантга бий қўй. Драматургларнинг ҳаммаси осмону фалақда. Ҳақийқ сахна асари ёзиш эса бирортасининг қўлидан келмайди. Шунинг учун ҳалиям бўлса классиклар кунимизга яраб турибди.

— Ҳа, замонавий асарини қўлингизга тутқазиб қўйибмиз-ку. Уч ой бўлди ҳатто фикрингизни айтмайсиз. Шуми эътибор

# МЕЪЁРНИ БИЛИШ КЕРАК!

Дори ичишда меъёрни ва тартибни билмаслик, уни белгиланган нормадан ортқ истеъмол қилиш кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда. Бу нарса пайдаланиш муддати тугаган ёки муайян даволаш муддати тамом бўлган, юз беради. Бундай ҳодиса аллергия реакциялар ва қондирган асоратли ҳолатлардан фарқ қилади.

У ёки бу дорининг аллергия чакирувчи хусусиятлари врачларга маълум. Ҳар бир врач маълум бир беморга дорилардан фойдаланишни тавсия этар экан, буни, албатта, инобатга олади. Шунинг учун бемор дориларни врачнинг тавсиясига қатъий риоя қилган ҳолда истеъмол қилиши лозим. Бу нарса врачга беморга у ёки бу дорининг бемор организмга қандай таъсир этганини назорат қилиш ёки кўнгилсиз асоратнинг олдини олиш имконини беради. Баъзан эса бемор врачнинг тавсиясини бузади, дори ичишда ўзинча иш тутади. Бунинг азобини эса унинг ўзи тортади.

Врачнинг тавсиясидан мустасно равишда бирданига бир неча дори нарса ўзинча ёки танишларининг

маслаҳати билан ичганда унинг организми заҳарланади. Масалан, ухлатадиган, таркибида алкоғоль бўлиб, кишига биров ором берадиган дорилар бирданига ичилганда заҳарланиш ҳолатлари юз беради. Кўп ҳолларда онлаштирилган катталарнинг эътиборсизлиги билан дориларни болаларнинг қўли етадиган жойларга қўйилиши оқибатида кўнгилсиз ҳоллар содир бўлади.

Ухлатадиган ёки беморга биров ором берадиган дорилар кишиларда бўшанглик, мадорсизлик каби ҳолатларни йўқотиш учун истеъмол қилинади. Бундай дорилар бир неча соатдан сўнг ёки бир-икки кун ичида маскур аломатларни йўқотишга ёрдам беради. Бу дорилар бирданига, кўп ичиб қўйилса-чи, унинг оқибати оғир кечади, ҳатто бемор ҳушини йўқотади. Бундай вақтда бемор, албатта, касалхонага ётқизирилиши керак.

Кейинги йилларда юрак-томир касалликларини даволаш учун истеъмол қилинадиган дигоксин, дигитоксин, обзидан, изоптин, финоптан, гемитон, клофелин каби дорилар билан ҳам заҳарланиш

ҳоллари кузатишмоқда. Бу хил дориларни меъёрдан кўп истеъмол этиш юрак ҳаракатиغا қаттиқ таъсир қилиб, ҳатто унинг бирдан тўхтаб қолишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай пайтда заҳарланиш аломати сезилиши биланоқ уйга дарров врач чакириш зарур.

Маълумки, ҳозирги пайтда ҳар бир хонадонда хароратни туширувчи, шамоллашга қарши ишлатиладиган ацетилсалцицил кислотаси, амидопирин, парацетамол, анальгин, этиазол, сульфадиметоксин каби дорилар сақланади. Бундай дориларни меъёрсиз ва бирданига ишлатиш кўнгилсиз ҳолларга олиб келади.

Аёлларнинг ҳомилдорлигининг олдини олиш учун зарарли дориларни истеъмол қилишлари ҳам қусиш, ошқозонда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиш, юрак уришини тезлаштириш каби хуноқ ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Дорилар билан заҳарланишнинг олдини олиш учун бу дориларни болаларнинг, асаб касали бор кишиларнинг қўли етмайдиغان ва кўзи тушмайдиغان жойларда эҳтиётлаб сақлаш, уларни

фик белгиланган меъёрда истеъмол этиш лозим. Кўнгилсиз ҳолларга учраган кишилар албатта, касалхона шароитларида даволашни керак. Ҳозир шу мақсадда кўпгина шахарларнинг касалхоналарида ва «тез ёрдам» станцияларининг бригадаларида ихтирослашган токсикологик бўлимлар ташкил этилган.

Биз кўнгилсиз ҳоллар юз берганда қуйдагиларни бажаришни маслаҳат берамиз:

Дарҳол уйга «тез ёрдам» машинасини чакириш керак. У келгунча эса, тегишли эритма билан беморнинг ошқозонини ювиш керак. Бунга бемор ҳушини йўқотмаган тақдирдагина бажариш мумкин.

Агар бемор ҳолсизланса, юриши ва ҳаракати сусайса, уни дарҳол тўшакка ётқизиш лозим. Бемор ҳушини йўқотган бўлса, унинг бошини ёнга буриб қўйиш керак. Акс ҳолда, қусиги нафас йўлига кетиб қолиши мумкин. Беморнинг ҳолидан хабардор бўлиб турган одам бармоғига тоза бинт ўраб, беморнинг оғзини артиб турши лозим. Мабодо, беморнинг нафас олиши тўхтаб қолса, уни дарҳол сунъий йўл билан нафас олдириш тавсия этилади.

«Тез ёрдам» етиб келганда эса врачга бемор истеъмол қилган дорининг қолган қисмини бering, билсангиз, касалнинг дорини ичган вақтини ва дозасини ҳам айтиш. Ана шунда сиз оғир оқибатнинг олдини олишга ёрдамлашган бўласиз.

Ю. Н. ОСТАПЕНКО,  
врач-токсиколог

ёзувчиларга. Осмонда деб сизларга айтади.

Назар Якубовичнинг битта хусусияти бор, унга гап таъсир қилмасди. У кўзини лўқ қилиб драматургга тикилиб турди-да:

— Йўқ,— деди,— йўқ, сиздан Шекспир чиқмайди. Сиздан ҳатто на Уйғун ва на Яшин чиқади.

— Гапимиз жуда майдалашиб кетди, тақсир,— тоқатсизланиб қолларини чимирди Акмалхон ака,— пьеса ҳақидаги фикрингизни эшитайлик, ўртоқ Станиславский.

Режиссёр креслонинг суянчигига ястаниб ўтирди.

— Гапнинг лўндаси шуки, бизники область миқёсида бўлса ҳам ўз обрўнига эга театр. Сиз бу дурдонангизни бирорта халқ театрига олиб боринг. Виз эса сиз билан жуда бўлмас персонажларга исм қўйишни ўрганганин сиздан кейин учрашсак.

Бир ҳафтадан кейин улар яна учрашдилар. Бу гал суҳбат жуда илик ўтди.

— Шу десангиз, Якубовичхон ака, мен очик гапни яхши кўраман,— хонин қилаётгандек бошлади Акмалхон ака.— Гап шундаки, камона ўтқир, ҳозиржавоб мавзу топаоламизу сюжет қуриш масаласига келганда сал қийнаиб қоламиз. Мана сизлар сюжет бобида устаси фарангсизлар. Шунинг учун, ўйлаб кўриб қанча ҳаракат қилсам ҳам ёлғиз ўзим пьесани уддала тuzатолмайман,

деган хулосага келдим. Агар ўзлари саховат кўрсатиб, шу матоҳга қўл урсалар, жуда очилиб кетадиган нарса эди-да.

Бирдан режиссёр ҳам юмшади, кўзидаги совуқ, бефарқ ифодани ўрнида майин нур пайдо бўлди.

— Йўқ, аслида сюжет жудаёам у қадар нўноқ эмас, эпакага келтирса бўлади. Аммо асар композицияси, диалоглар, мизансценалар устида хийла кўп тер тўқиш керак.

— Биргалашиб тер тўқамиз, агар рози бўлсангиз.

— Вақт ўлгур тигиз-да, вақт ўлгур йўқ. Қўлимда муаллифларнинг уч-тўртта чала пьесалари ётибди. У ёқда бир йўла иккита спектакль устида иш олиб боряпман.

— Энди у ишлар ҳам бўлар, Якубовичхон ака. Одам ўзини ҳам ўйлаш керак. Текинга ишлайверган билан биров миннатдор бўлмас экан.

— Театрнинг плани деган гап бор, ахир.

— План бажарилишига битта ўз асарингиз қўшилса, нур устига нур-ку.

Режиссёр жабрдийда одамдек хўрсинди.

— Бизга мумкин эмас-да, шу ерда ишлаб туриб ўз нарсамизни репертуарга тикиш мумкин эмас... Йўқ, ман этилмайди-ку-я, лекин ноқулай-да. Ҳар хил гап-

сўзлар тарқайди. Хуллас, ўзингиз тушунасиз-ку!

— Йўли бор,— кўзларини маънодор чақчайтирди Акмалхон ака,— гап тегмасин десангиз, афишага сизнинг номингизни қўймаймиз. Бу ёри эса ўша-ўша, қоқ ўртасидан арра.

— Шундоқликка шундоқ-ку-я, яна битта нарсани халқ қилиб олиш кераклиги режиссёрнинг овозидан сезилиб турарди,— аммо...

— Аммо бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Гап ўртамизда қолади. Бирор кимсга оғиз очган — номард. Ҳақи ҳам тенг бўлишчилади.

Назар Якубовичнинг яна нимадандир кўнгли тўлмади. У столни панжалари билан чилдирма қилиб чалиб, ҳаёлчан кўзларини қисганича Акмалхон акага тикилди. Гап нимадалигини англолмаган Акмалхон ака қийнаиб кетди.

— Э, бўлди, тушундим,— деди у ниҳоят енгил тортиб,— процентини келишиб олмабмиз. У ҳам ўртада. Бир тийинга хиёнат қилсам, суриб кетсин.

Драматург бу гал мўлжалга урган бўлса ҳам режиссёр ортиқча қувонч изҳор қилмади. Шундай бўлиши табиийдек бош сийлаб ҳамроҳининг гапини маъқуллади. Ҳис-туйғуларини яширишга уста эди.

— Бўлмас, шу сейфга солиб

қўя қолайлик,— деди режиссёр ўрнидан туриб, гапга яқун ясангандек,— эртадан эса репетицияни бошлаймиз. Йўл-йўлакай текстга ҳам сайқал бериб кетаман. Репетиция зўр нарса-да, гоҳида бутун бошли пардалар тушиб қолиб, ўрнига янгисини ҳам ёзиб юборамиз.

Акмалхон ака суюниб кетди, аммо аниқлаб олгуси келди:

— Ниманинг репетициясини?

— Пьесангизнинг... пьесамизнинг репетициясини,— режиссёр сейфни очиб, Акмалхон акага маънодор тикилди.

Драматург режиссёрнинг мақсадини англолмади.

— Шу ерга солиб қўя қолайлик, дейман,— ёрдамга келди режиссёр.

— Нимани? — беўхшов илжайди драматург.

— Арра ҳақидаги гапални. Акмалхон ака ҳафтафаҳмлиқ қилганидан қизариб кетди.

— Узр, дўстим,— деди хижолат билан,— биздан ўтибди. Ҳозир болаймиз.

Кейин шошиб пьесанинг пулини арра қилиши ҳақида тилхат ёзди-да, режиссёрга узатди.

— Қандоқ келишган бўлсак, шундоқ битдик гапални.

— Яшанг, азимиз,— меҳр тўла овозда дўстини юпатди режиссёр.— Бу ҳамир учидан патир. Ҳали биз сиз билан кўп ишлар қиламиз.

**Х**АР БИР санъаткор ҳаётнинг ёруғ томонларини удуғлаб, салбий кўринишларини фош қилар экан, ижодда маълум бир мантиққа бўйсунди. Бу — ҳаёт мантиқи. У асарнинг ички тузилишида, хусусан қаҳрамон характери тақомилида, сюжет қурилишида акс этади.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» саргузашт романи сюжети асосини фанлардан ўзлаштирмоччи, ишёқмас, аммо қув ва хушчақчақ Ҳошимжоннинг ўз характеридаги иллатлардан кутула бориши, ҳаётдан ўз ўрнини топиш учун курашиши масаласи ташкил этади. Бу ерда биз дастлаб қаҳрамоннинг кундалик турмушининг ўзгаришига дуч келамиз. Онасининг сўзлари билан айтганда, Ҳошимжон дарс тайёрламаслиги, уй ишларига қарашмаслиги, сингилларига кун бермаслиги, кун бўйи муштлашиши туфайли уйдан ҳайдалади — одатдаги ҳаёт тарзи ўзгаради. Ёзувчи уни сеҳрли қаллоқча ёрдамида сафарга олтатиради.

Ҳошимжон сеҳрли қаллоқча кўмагида ўқимасдан ҳам одам бўлишини исботлаш учун ҳаётнинг турли кўчаларига кириб чиқади. Лекин илмсизлиги ҳамма жойда ишнинг белига тепади. «Тўхтанг, — дейди у, — нега энди ишим доим кетга кетаверади? Агроном бўлдим — қувилдим. Шоир бўлдим — номим ёмонга чиқди. Инженер бўлдим — аранг қочиб кутулдим. Нега?»

Саёҳатчи бўлмоқчи эдим, Петров амаки билан Власов амаки ҳамроҳликка олишмади, ёнларига ҳам йўлатишмади. Артист бўлиб номимни шон-шухратга бурмамоқчи эдим, бўлмади».

Ҳошимжонни ўйга толдирган мана шу саволлар ўқувчини ҳам сергак торттиради, ўз тақдири ҳақида ўйлашга ундайди. Бу ерда вужудга келган конфликт китобхонга характерлараро зиддиятга ўхшаб туюлса ҳам, аслида бош қаҳрамоннинг ички коллизиясидан иборат: охир-оқибат қаҳрамон ўқимасдан одам бўлиш фикрининг пуч эканлигини тушуниб этади.

Романнинг «Сариқ девни миниб» номли иккинчи қисмида аса, Ҳошимжон Енғоқ қори,

Данак қори ва Бодом қори каби диндорларга қарши курашиб, уларнинг сирини фош этади ва конфликтнинг ички коллизияли кўриниши бу ўринда аста-секин характерлараро кураш шакли билан алмашинади. Асарнинг охириги «Менинг ҳам дўстларим бор» қисмида Ҳошимжоннинг ўзидаги ялқовлик иллатига қарши кураши ва енгиб чиқиши акс этган. Демак, конфликтнинг характерлараро кураш формаси тагин ички коллизия шаклига ўрнини бўшатиб беради.

«Сариқ девни миниб» романининг конфликти шунинг билангина туамайди. Асарда қаҳрамон нияти билан мавжуд шароит ўртасидаги зиддият ҳам катта ўрин тутади. Бу — социалистик воқеликка хос ҳаёт ҳақиқати билан Ҳошимжон характеридаги ялқовлик иллати туфайли ҳосил бўлган қарама-қаршиликдир. Қаҳрамон ҳаёт қонуниятини, моҳиятини тушуниб етиши билан конфликтнинг маскур тури ҳам ўз табиий ечимини топади.

Ёзувчининг ютуғи шундаки, Ҳошимжонни муҳитдан ажратиб олмайди: унинг характеридаги ўйинқароқлик ва дангасалик ҳам, илмсиз бирор касбни эгаллашнинг мумкин эмаслиги ҳақида ҳулосага келиши ҳам муҳит билан боғлиқ.

Ҳошимжоннинг табиатан шўхлиги, мактабда ўртоқлари ва ўқитувчилари олдида ишончини йўқотганлиги, уйда назоратнинг сустилиги ўқишларининг пастлаб кетишига сабаб бўлса, турли ишлардан ҳайдалishi уни ўқимасдан бирор касб-хунар эгаллаб бўлмас экан, деган қарорга олиб келади.

Ҳошимжоннинг характери ўзгариши билан теварак-атрофдагиларга ҳам таъсир ўтказиши романнинг энг муҳим ижобий сифатидир. Миробидинхўжа-нинг тўғри йўлга тушиб олиши, Зокирнинг дангасалиқдан қутилишида бевосита Ҳошимжоннинг роли бор.

Ҳошимжоннинг сеҳрли қаллоқча ёрдамида амалга оширилган ғайритабиий хатти-ҳаракатлари ҳам, ҳаётдан ўз ўрнини топиш йўлидаги интилишлари ҳам китобхонни шубҳалантирмаслиги асарда ҳаёт мантиқига қатъий амал қилинганлиги самарасидир.

Бадиий асарда ҳаёт мантиқига жиддий амал қилиш унинг юк-

сак гоёвийлиги ва бадиий пухталигининг зарурий шартти эканлигини Носир Фозиловнинг «Қор хат», Латиф Маҳмудовнинг «Эски дуторнинг сирлари», Оқилжон Хусановнинг «Торда ўсган бола», «Сирли одам», Анвар Обиджоннинг «0099 номерли ёлғончи», «Эй, ёруғ дунё» каби саргузашт асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Уларда ёзувчилар кичик китобхонларга айтиш албатта зарур бўлган гоёвий фикрга мос қаҳрамонлар образини яратганлар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муаллиф ўзи танлаган қаҳрамон образи орқали ифодаланиши лозим бўлган бадиий гоёга мос воқеаларни саралаган. Воқеалар эса қаҳрамонларнинг ўша гоани ифода қилиши учун имкон берган. Зеро, қаҳрамон ва воқеликнинг узвий бирлиги — мантикий мутаносиблик асар ҳаётлигини таъминлашда муҳим омилдир. Мантикий мутаносиблик танланган ҳаёт материали ёки тасвир услуби ва асар характерига эмас, балки ёзувчининг ижодий иқтидорига боғлиқ. «Қор хат» қиссасида муаллиф оригинал шакл ҳам топади. У Соғиндиқни машхур балиқчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қалли ота Шомуродов хузурига йўллаб, биринчидан, китобхонни қорақалпоқ халқи ҳаёти, урф-одатлари ва маданий турмуш даражаси билан таништиришни назарда тутса, иккинчидан, «қор хат» ўйини воситасида асар сюжети тармоқларини бир марказга бирлаштиради.

Қисса тугунини юзга келтирган Қалли ота образи китоб саҳифаларида кам кўринса ҳам, асар марказида туради. Унинг кўлни кўрган нуруний сиймоси ва фидойилигини ёзувчи бирикки чизгидаёқ аниқ гавдалантиради. Масалан, самолётда Нукусдан Мўйноққа учиб пайтида Соғиндиққа кўрсатган гамхўрлиги ва ўрмонда болаларга қилган муомаласи орқали ёзувчи китобхонда Қалли ота ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилади.

Эргаш Раимовнинг «Ажаб қишлоқ» қиссасида қаламга олинган воқеалар ҳам кундалик турмушимизда у ёки бу тарзда учраши мумкин. Асар қаҳрамонлари Саид ва Соат — ҳар нарсага қизиқувчан болалар. Улар кечаси Жамил отанинг ҳовлисига кириб, сирли туюлган нарсани излашади, теримга тайёрлан-

ган пахта даласини сув босиб кетишидан сақлаб қолишади ва ҳоказо.

Ўқувчи қаҳрамонлар билан қадам-бақадам боради, айнқса, Саиднинг мактабдан ҳайдалганидан кейин Муллажон акадан хунар ўрганиш йўлида кўрган кечирганлари, ниҳоят, ундан юз ўгириб, мактабга қайтиши воқеалари ўқувчини ҳаяжонлантиради. Юзак қараганда, иккинчи бўлиб кўринадиган мана шу воқеалар заминда қаҳрамонлар характери шакллана боради. Айрим ёзувчиларнинг камчилиги шундаки, қаҳрамон характери тақомилига хизмат қилмайдиган воқеаларни ҳам асарга киритиб, ҳаёт мантиқининг бузилишига унчалик аҳамият бермайдилар. Масалан, Раҳмат Азизхўжаевнинг «Эломон» қиссасининг сюжети Эломон бошлиқ отряд аъзоларининг колхоз жўжаларини ўмариб кетаётган ўғрилари топиш воқеаси асосига қурилган.

Муаллифнинг нияти яхши: болаларнинг колхоз мулкни асраш йўлидаги жонқуярлигини удуғламоқчи. Лекин буни кўз сатиш мақсадида келтирилган лавҳалар қуруқ тафсилотдан иборат бўлиб қолган. Китобхон қаҳрамонларнинг қувончига ҳам, чеккан қийинчиликларига ҳам шерик бўлолмади. Негаки, уларнинг хатти-ҳаракатидан таъсирланмайди. Шундай вақтда ёзувчи танлаган ҳаёт материали хусусида ўйлаб кўришга тўғри келади. Нима учун шунга яқин мавзуга бағишланган Павел Морозов, Кичан Жақиповлар ҳақидаги асарларда тасвирланган воқелик бир умр хотирамизга ўрнашиб қолган. Шунинг учунки, маскур повестларда ўша даврининг актуал масалалари ва ёзувчи гоисини энг ёрқин даражада ифода этадиган кескин драматизмга бой воқеалар ҳикоя қилинган.

Бу ерда ҳамма гап ҳаётий зиддиятни бадиий ижодга тўғри кўчира билишда, ҳаёт мантиқини сақлаб билишдадир. Демак, ёзувчи реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг қаҳрамон характери қирраларини ва асар гоёвий мақсадини очишга хизмат қилади-ганларини танлаб тасвирлаган-дагина ҳаёт мантиқини бадиий баркамол тарзда ифодалаб бера олади.

Сафо МАТЧОНОВ,  
филология фанлари кандидати

# МАДАНИЙ УММОН КЎПРИГИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Хурмат белгиси орденли Тил ва адабиёт институтида сўнги 30—35 йил ичида турли типдаги умумфилологик лугатлар яратилганда катта ютуқлар қўлга киритилди ва бу соҳада янада зўр ғайрат билан иш олиб борилаётган. Шу давр ичида босилиб чиққан беш жиллик «Русча-Ўзбекча лугат» (Тошкент, 1950—1955), бир жиллик «Русча-Ўзбекча лугат» (Москва, 1954), бир жиллик «Ўзбекча-русча лугат» (Москва, 1959) ҳамда икки жиллик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (Москва, 1981) каби фундаментал асарларнинг ҳар бири республикамиз маданий ҳаётига ғулкан воқеалар жумласига кирди. Бундай йирик лексикография асарлар улғур Ленин тилини ўрганишда, бой рус бадиий ва илмий адабиётдан баҳраманд бўлишда, тилимизни сўз бойлигини чуқурроқ тасаввур қилишда кенг ўқувчилар ҳамда китобхонлар оммасига беқиёс ёрдам бераётган.

Яқинда институтнинг лугатшунос олимлари икки жиллик янги «Русча-Ўзбекча лугат» устидаги кўп йиллик шарафли ва сермаърақат ишни ниҳоясига етказдилар. Ҳар бири 160 босма тобоқдан иборат бўлган бу йирик иш китобхонлар қўлига теғди. Бу лугатни тузишда З. Маърупов (марҳум), С. Ақобиров, Т. Алиқулов, Н. Маматов, Э. Умаров, М. Абдурахимов, Г. Н. Михайлов, Р. Дониёров, Б. Хўжахонов каби республикамизнинг таниқли лугатшунос олимлари қарийб ўн беш йил тер тўкиб меҳнат қилдилар. Асар етмиш мингга яқин сўз ва ибораларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, таржимонлар, тилшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, файласуфлар, ёзувчи ва шoirлар, ўрта ҳамда олий ўқув юрларининг ўқувчилари, талабалари учун мўлжалланган. Ундан рус ва ўзек тиллари билан қизиқувчи ҳар бир киши кенг фойдаланиши мумкин.

Лугат муаллифлари беш жиллик ва бир жиллик русча-Ўзбекча лугатлар тузиш жараёнида тўпланган бой илмий-лексикографик тажрибадан ҳамда уларнинг энг яхши анъаналаридан самарали фойдаланганлар. Лекин шуни эсда тутиш лозимки, янги русча-Ўзбекча лугат беш жиллик ва бир жиллик лугатларнинг тўлдирилган қайта

нашрлари эмас. Янги лугат ўз вазифаси ҳамда составига кўра олдинги лугатлардан кескин фарқ қилади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, мамлакатимизда лугат тузишининг илмий ва амалий принциплари анча мукаммаллашди, рус тилининг тўрт жиллик ва ўн етти жиллик лугатлари майдонга келди, ўзбек лексикографияси ҳам, юқорида таъкидланганидек, қатор ютуқларни қўлга киритди. Иккинчидан, кейинги йилларда барча совет кишиларининг, жумладан ўзбек китобхонларининг ҳам рус тили соҳасидаги билими, иқтидори анча ошди, рус тили — совет кишиларининг чинакам иккинчи она тилига айланиб қолди. Бу эса ўз навбатида олимлар олдида янги русча-Ўзбекча лугатни рус тилини ўрганувчилар, таржимонлар учун чинакам қўлланма бўла оладиган лугат даражасига кўтаришдек муҳим вазифани қўйди ҳамда ўзбек лугатшунослари бу ишни шараф билан адо этдилар.

Энг сўнги «Русча-Ўзбекча лугат» нашр этилганига чорак асрдан ошди. (В. В. Решетов тахрири остида 1972 йилда босилган ўқув лугати бундан мустасно), бу давр ичида рус ва ўзбек тиллари лугат составида катта ўзгаришлар содир бўлди. Ана шу ўзгаришлар янги лугатда ўз ифодасини топган. Zero, лугатни варақлар экансин, унинг саҳифаларида «антиматерия», «атомоход», «бионика», «лазер», «транспортное агентство», «капсула космического корабля» сингари янги сўз, термин ва бирикмалар маҳорат билан таржима қилингани ва изоҳланганининг гувоҳи бўласиз. Шунингдек, янги лугат саҳифаларида «акватория», «алгоритм», «аллерген», «пирузет», «пинакотек», «плеоназм», «ультиматум», «тонфильм», «толуол», «фантазмагория», «этюд» сингари актив қўлана бошланган терминлар, «ареал», «социология», «фонология», «генетика», «кибернетика», «эпицентр», «энергоблок», «энергопоезд», «эндшпиль», «экстракт», «экспресс», «штурм», «штемпель», «штат», «шпиндель», «фабула» каби маъносини эскирган ёки ўзгарган сўзлар ҳам аниқ шарҳланган.

Янги лугатнинг олдинги русча-Ўзбекча лугатлардан яна бир афзаллиги шундаки, бу лугатда сўзларга доир грамматик, стилистик маълумотлар бир мунча кенгайтирилган, айрим кам қўлланиладиган терминларнинг изоҳи қисқартирилган, «аспирант», «ателье», «антенна», «аппаратура», «аэродром», «аэропорт», «бетон», «бинокль», «бульдозер»,

«бухгалтер», «факультет», «шампунь» каби ўзбек китобхонлари учун тушунарли бўлиб қолган сўзларга изоҳ берилмаган.

Хозирги вақтда ўзбек китобхонларининг буюк рус тили соҳасидаги билим даражаси анча ошди, ўқши маданияти юксалди. Бу эса янги русча-Ўзбекча лугатда сўзларга илгари қўлланган қомусий изоҳлар бериш усулидан воз кечиш имконини яратди. Наतिжада янги лугат сўзлиги анча кенгайди, кўп маъноли сўзлар семантикаси чуқурроқ изоҳланди, сўз маъноларини очиб берувчи мисоллар кўпайди. Масалан, бир жиллик «Русча-Ўзбекча лугат» (1954)да «выбросить» («отмок», «ташламок») феълнинг икки маъносини кўрсатилган бўлса, янги лугатда бу феълнинг етти маъносини изоҳланган ҳамда «выбросить из головы (из памяти, из сердца)» каби қатор иборалар таркибида келиши кўрсатилган, уларнинг таржимаси келтирилган. Эки «гнездо» (уя, ин) сўзи бир жиллик лугатда уч маънода қайд этилган бўлса, янги лугатда бу сўзининг 10 маъносига изоҳ берилган ҳамда бир неча иборалар таркибида қўлланиши таъкидланган. Бундай мисолларни янада кўпайтириш мумкин.

Умуман олганда, янги лугатда русча сўзларни ўзбек тилига эквивалент (айнан мос) сўзлар орқали таржима қилишга алоҳида эътибор берилган. Эквивалент таржима усули таржима қилинаётган сўз ёки ибора маъносини ҳар қандай тушунтиришдан кўра аниқроқ очиб беради. Шунга кўра, бу усул бир тилли изоҳли лугатларда кенг қўлланивчи сўзларга синонимик изоҳ бериш принципига анча яқин тулади.

Шуниси диққатга сазоворки, янги русча-Ўзбекча лугат мақола-ларининг сўнгида қўллаб русча фразеологизм, мақол ва маталлар алоҳида белги билан ажратилган ҳолда келтирилган, уларнинг ўзбекча таржимаси, муқобил варианты ва маъноси берилган. Масалан, «путёвка в жизнь» — «ҳаётга йўланма», «ни пуха ни пера», — «ишингиз ўнгидан кел-

син», «голова пухнет», — «мия говлаб кетди», «пьялить глаза» — «кўзини олайтириб қарамок», «показать пятки», — «туёғини шикқиллатмок», «и на солнце бьвают пятна» — «ойда ҳам доғ бор», «хар тўқисда бир айб», «ради бога» — «худо ҳаққи», «разжевать и в рот положить» — «чайнаб, озгиза солиб қўймоқ», «белга тугиб қўймоқ» сингари қатор иборалар шулар жумласидандир.

Биз мазкур «Русча-Ўзбекча лугат»ни ижобий баҳолаш билан бирга унда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритмоқчимиз. Асарнинг «Сўзбоши» қисми анча бўш ёзилган, бу қисм лугатнинг моҳиятини тўла очиб беролмайди. Лугатнинг 1-жилдида келтирилган «Лугатдан фойдаланиш тартиби» қисмининг 2-жилд охирида айнан келтирилиши (795—797-бетлар) бироз таажжубланарлидир. Унинг ўрнига ўзбек тилида рус тилининг қисқача грамматик очерки ёки грамматик жадваллари берилса, айни муддао бўларди. Китоб сўнгида келтирилган аббревиатуралар (қисқартма сўзлар) рўйхатини янада бойитиш бу тўлдириш лозим эди. Лугатда рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кенг қўлланивчи «вуз», «госбанк», «райком», «исполком» каби қисқартмаларнинг мустақил сўз сифатида келтирилиши маъқул, ammo шу типдаги «ВАМ», «госстрах», «горгаз», «райсобес», «горздрав» сингари қисқартмалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак эди.

Булардан катъий назар, янги «Русча-Ўзбекча лугат»нинг нашр этилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа, тилшунослик фани хазинасига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

**Худойберди ДОНИЕРОВ**,  
филология фанлари доктори,  
СамДУ профессори,  
**Жўра ХОЖИМАТОВ**,  
филология фанлари кандидати,  
доцент,  
**Бекмурод ИҮЛДОШЕВ**,  
филология фанлари кандидати,  
доцент.



Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани Турсун Шокиров Чортоқ районидаги «Москва» колхозни пахтакор ёшларнинг мураббийсидир.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

1 Русча-Ўзбекча лугат, икки томлик, I том, Тошкент, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бosh редакцияси, А—О, 1983, 808 бет; II том, П—Я, Тошкент, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бosh редакцияси, 1984, 800 бет.

# ЁВУЗЛИК МАХВ ЭТИЛАДИ!

Яқин Шарқдаги кескин вазият инсониятни ташвишлантириб келмоқда. Сўнги 37 йил ичида бу ерда олти марта уруш содир бўлганини эсласак, ташвишлар салмоғи янада ортади.

Исроил сионистлари тўрт миллионлик фаластин араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва миллий давлатини барпо этиш ҳуқуқини инкор этибгина қолмай, умуман бу халқни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи. Ирқчиликнинг бир шакли бўлмиш сионизм идеологиясининг мантиқи ана шундай.

Яқин Шарқда ҳукмронлик ўрнатишга интилаётган Қўшма Штатлар Тель-Авивнинг босқинчилик урушларини тўла қувватлаб, унга ҳарбий ёрдам кўрсатаётганлиги бежиз эмас. Вашингтон ва Тель-Авив ўртасида ҳарбий ва сиёсий соҳаларда ҳеч қачон шу кеча-кундуздагидек ҳамжихатлик бўлган эмас. Президент Р. Рейган вақтида биз Исроил билан алоқада сўздан сиёсий-ҳарбий ва дипломатик соҳаларда кенг ҳамкорликка ўтдик», дея очик эътироф қилинди АҚШ республикачилар партиясининг сайловолди хужжатларидан бирида.

Вашингтон билан Тель-Авив ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб боришининг асл моҳиятини сионист А. Шарон куйидагича изоҳлайди: «Исроил давлати вужудга келганидан бери биз АҚШдан 30 миллиард доллар қарз олган бўлсак, шу вақт мобайнида унга 100 миллиард доллар ҳажмида хизмат кўрсатдик». Бу шахс Исроил ҳукуматида ҳарбий министр лавозимини эгаллаб келган. Яъни у Исроил — АҚШ муносабатларининг кўпчиликка номаълум томонларини жуда яхши билади. «Яқин Шарқда Вашингтонга кўрсатган ҳарбий ёрдамлари учун АҚШ Исроилдан 70 миллиард доллар қарз», — деди Шарон. Демак, аслини олганда, Қўшма Штатлар томонидан «жаътий манфаатлари доирасига кирадиган район» деб эълон қилинган Яқин Шарқда Исроил Америка монополияларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Ҳозирги Вашингтон маъмурияти бу ерда ядро қуролини ҳам, нейтрон қуролини ҳам ишга солишдан қайтмаслиги турган гап. Бундан бир неча йил аввал АҚШ билан Исроил ўртасида имзоланган «стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги меморандумга кўра, Исроил территориясида Американинг ядро зарядли «Першинг-2», қанотли ракеталар ва нейтрон қуролини жойлаштиришга томонлар келишиб олганлиги юқорида айтганимиздек тахминлар қилишга асос беради.

Қўшма Штатларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли қўшни араб давлатлари территорияси ҳисобига Исроил сионистлари «буюк Исроил» давлатини барпо қилиш режасини тузмоқда. 1984 йил ўрталарида Исроилда бўлиб ўтган сайлов натижасида сионистик гуруҳларнинг ўта агрессив қисми ҳокимият тепасига келди. Улар орасида қўшни араб мамлакатларига қарши олиб борилган босқинчилик урушларининг илҳомчилари бўлган собоқ генераллар бор. Фаластинлик қочқоқларнинг лагерлари — Сабра ва Шатиланинг беғуноҳ аҳолисини кириб ташлашга буйруқ берган Шарон, 1967 йилда босқинчилик уруши режасини ишлаб чиқиб, амалга оширган генерал Й. Рабин, 1967 йилда Шарқий Қўддусни «ишғол этиш операциясига» раҳбарлик қилган Гур ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги Исроил ҳукуматида савдо ва саноат министри лавозимини эгаллаган Шарон Америкада нашр этиладиган «Тайм» журнали устидан даъво иши кўзгади. Мазкур журнал Сабра ва Шатиларида рўй берган фожиа ва унда Шароннинг ўйнаган муҳим роли тўғрисида ёзган эди. Фожиа тафсилотини текширган комиссия докладининг илова-си ҳам журнал томонидан эслаб ўтилган эди. Илова махфий бўлиб, у ҳақда сўз юритиш ман этилганидан фойдаланган Шарон «Тайм» журнаliga даъво қилиб, ундан 50 миллион доллар ундириб олмоқчи бўлаётир. Бу билан у комиссия докладининг махфий қисми тилга олинишига ўзининг газабин билдирмоқда.

Араб территорияларини оккупация қилиб туриш ва ҳатто қўшиб олиш, сионистларнинг фикрича, қонуний ҳол эмас. Сионистларнинг арабларга қарши янги жиноятларини олдиндан оқлашга уринаётган ана шундай доиралар ҳозирги вақтда Исроилда ҳокимият тепасида турибди.

Исроил сионистларининг босқинчилик сиёсати араб халқларига аазоб-уқубат келтириб қолаётгани йўқ. Бу сиёсат Яқин Шарқда одилона ва мустақкам тинчлик ўрнатиш

Лекин стратегик жиҳатдан қулай жойлашган, хом ашёга бой районни ўз назорати остидан чиқармасликка ҳаракат қилаётган Қўшма Штатлар Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ бўйича позициясини бутунлай бузиб талқин этмоқда. Ваши гтон расмий доираларининг айтишларича, Яқин Шарқ мамлакатларига Совет Иттифоқи томонидан хавф бўлиб, АҚШнинг бутун ҳаракатлари бор-йўғи ана шу хавфни барқараф этишга қаратилган эмиш!

Яқин Шарқ проблемаси ҳамон ҳал этилмай келинаётган экан, бунинг учун бутун маъсуляят энг аввало Исроил босқинчиларни қувватлаб келаётган Қўшма Штатлар ҳукмрон доиралари зиммасига тушади. Вашингтон халқро жамоатчилик диққатини ўзининг ноқонуний ҳаракатларидан чалғитиш мақсадида «Совет хавфи» афсонасини ўйлаб чиқиб, ундан бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашаётганлигини ниқоблаш учун фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг турли жойларини «ўз манфаатлари доирасига кирадиган районлар» деб эълон қилган Қўшма Штатлар Марказий Америка мамлакатларига ҳам шу нуқтан назардан қарамоқда. Вахолонки, бу региондаги кўпгина мамлакатларнинг халқлари ўз она ерларига ҳўжайин бўлиш, мустақил ривожланиш каби табиий ҳуқуқлари учун курашмоқдалар. Лекин бу кураш ҳар доим Қўшма Штатларнинг қаршиллигига дуч келмоқда. Сўнги қирқ йил мобайнида АҚШ Лотин Америкаси мамлакатларига қарши 26 марта қуроли агрессия уюштирди. 1983 йилда Гренада Вашингтон агрессиясининг қурбони бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, бу агрессия орқали Қўшма Штатлар 1979 йил революциясидан сўнг мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Никарагуани оғоҳлантироқчи бўлдилар. АҚШнинг бу мамлакатга нисбатан агрессия хавфи тобора кучайиб бормоқда. Манавуада нашр этиладиган «Совераниа» журналининг ёзишича, Вашингтонда Никарагуага агрессия уюштириш режаси амалга қачон ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун қулай фурсат кутилмоқда.

Америка империализми ва самосачи тўдалар ёш республика ҳаётида вужудга келтираётган оғир қийинчиликларга қарамай, бу ерда туб революцион ўзгаришлар чуқур илдиз отиб бормоқда. 1984 йил 4 ноябрь куни мамлакатда бўлиб ўтган сайлов ва унда Сандино миллий ооздик fronti вакилларининг эришган галабаси бунинг ёрқин далили. Уэ ооздикли ҳимоясида турган Никарагуа халқи билан халқро бирдамлик тобора кучайиб бормоқда. Сальвадор, Гватемала, Гондурас ватанпарварлари олиб бораётган ооздик курашининг тиги аслида АҚШга қарши қаратилган. Вашингтон Яқин Шарқ ва Марказий Америка мамлакатларида рўй бераётган воқеаларга Совет Иттифоқининг қўли бор, деган сохта баҳона билан реакция кучларга қурол-яроғ етказиб бераётир. Бу билан у ўзининг ноқонуний қилмишларини халқро жамоатчилик олдида оқлашга уринмоқда.

Ҳозир инсоният ниҳоятда нотинч шароитда яшаётганлиги Вашингтон маъмуриятининг жуда хавфли сиёсати оқибатидир. Бу сиёсатга кескин зарба бериш тинчлик тарафдорларининг муқаддас бурчидир.

Турсун ҚОРАТОВ,  
сиёсий шарҳловчи

## Халқаро мавзуларда

мақсадларига, қолавера, Исроилнинг ўз ҳаётий манфаатларига ҳам мутлақо зиддир. Исроилнинг 1982 йилда Ливанга қарши бошлаган уруши унинг тарихида энг қора саҳифаларни ташкил этади. Исроил биринчи бор Ливанда катта талафот кўриб, кескин қаршиликка учрамоқда. Авваллари Исроилда урушга қарши кучлар асосан коммунистлар ва бошқа тинчлик тарафдорларидан иборат бўлса, ҳозир мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ўртасида норозилик кучайиб бораётир. Урушнинг иқтисодий оғирлиги гарданига тушаётган меҳнаткашлар оммавий намойишлар орқали Исроил ҳукумати-нинг босқинчилик сиёсатини қораламоқда-лар.

Совет Иттифоқининг 1984 йил 29 июлда илгари сурган тақлифларида араб мамлакатларининг қонуний талаблари тўла қондирилмай туриб, бу районда мустақкам тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги яна бир бор эслатиб ўтилади. Бунинг учун босиб олинган араб территорияларидан Исроил қўшинлари чиқиб кетиши, фаластин араб халқининг ўз давлатини барпо қилиш ҳуқуқини тўла амалга ошириш зарур.



ИНТЕРМЕДИЯ

Почтахон — ромчи.  
 Менглихон,  
 Севархон. — опа-сингил отарчилар.  
 Пулатой,  
 Меҳри — уларнинг қўшнилари,  
 фабрика ишчилари.

*Хонада ўрғи ёилардаги, чўққисоқол Почтахон ромчи нар ёсғиққа ёнбошлаб, рангли телевизорда кўрсатилаётган фигуралли учини томоша қилди. Ёшиқ очилиб, чап юзида холи бор Менглихон киради. Почтахон телевизорнинг овозини пасайтиради.*

**Почтахон.** Менгли кизим, дундиқ кизим, қадамларига ҳасанот!

Шоир мана бу газални сенга ўхшаган паривашларнинг ҳусни-жамолидан илҳомланиб ёзган:

Менг...

**Менглихон.** (Гапини бўлиб) Почтахон ака, ҳозир шеър-газал кўнглимга сирмайди, фалокат рўй берди.

**Почтахон.** Ҳой-ҳой, ўзи асрагин, нима гап, оппоқ қизим?

**Менглихон.** Қимматбаҳо узугимни йўқотиб қўйдим (йиғлайди). Қўзи лайли бадахшон эди, уни боламдан ҳам ортиқ кўрардим. Шу узук деб аввалги молтопар эримдан ажралган эдим. Бир иложини қилинг, Почтахон ака. Узук топилса, бир кўзимни ўйиб беришга ҳам тайёрман.

**Почтахон.** Бирор кимсадан гумонинг борми?

**Менглихон.** Мол аччиги — жон аччиги, дегандай, қўшнилариمنى олиб келганман. (Ташқарига чиқиб, қўшниларишни бошлаб киради.)

**Почтахон.** Ихлос — халос, дейдилар. Имкон борича ҳаракат қиламиз, оби дийдани бас қил, қизим. Мана ҳозир қулф-қалит қилиб, ўғрини топамиз ва ментально юзига қозим куя сурамыз. (Ромчи кандирнинг бир учи билан китобни, иккинчи учи билан қалитни боғлайди. Кўзларини юмиб дуо ўқийди, дам уради.)

Ҳозир сизларни шариат бўйрасига ўтқазиб, имтиҳон қиламан. Мана бу қалити адолатни шаҳодат бармоғингизга илиб, галмагал кўтарасизлар. Кимики мусицадай беғуноҳ, сарв дарахтдек тўғри бўлса, унинг бармоғида қалит қилт этмайди. Кимики шайтони лаъиннинг васвасасига учган бўлса, қалит унинг бармоғидан тушиб кетади. (Пулатойга) Қани, ўзларидан бошладик, ойим киз.

**Менглихон.** Утган ҳафта мен ҳам қалит кўтарганман, бўла қолинг, ўртоқжон.

**Пулатой.** Сиз кўпларнинг ногорасига ўйнагансиз, Менглихон. Бошқаларни ҳам ўз газингиз билан ўлчаманг. (Қалитни бармоғига илиб кўтаради.) Майнабозчилик тугадими, ё яна борми?

**Почтахон.** Вас, қизим, бас, шубҳадан фориг бўлдингиз. Энди қалитни дугонангизга беринг.

**Меҳри.** Вой шўрим, бундан бошқа тухмат йўқми? Қора босиб яллагининг уйига нега ҳам кирдим. (Қалитни бармоғига илади. Китоб қармоққа илинган балиқдек юқори кўтарилади, кейин ерга тушади.)

**Менглихон.** Топилди, узукжоним — кўзимнинг қорачиги топилди. Илоё имон топинг, Почтахон ака, яхшиликнингизни ўлгунимча унутмайман. (Ромчининг бўйнидан қучиб, юзидан ўлади, Меҳридан.) Вой, ўртоқжон-ей, ҳазиллашиб олудим, десангиз бўлмасмиди? Майли, ёпуғлик қозон ёпуғлигича қолсин, ҳеч кимга айтмайман. (Шу пайт ясанган Севархон киради.)

**Севархон.** Менгли, тирикмансан? Уйингга борсам «обдастгардон» қилдиргани кетди дейишди. Узук ваҳимасими? Қўрма, юрагинг ёрилмасин, мана ўша узугинг, сендан сўрамай, тўйга тақиб кетган эдим.

**Менглихон.** (Узукка чанг солиб.) Бу ёққа бер, яшшамагур!

**Меҳри.** Менглихон, энди хорманг! Ким ўғри, ким тўғри экан? Қорақуяни кимга суртамиз энди?

**Менглихон.** Хафа бўлманг, қўшнжон, ўғлингизнинг тўйида ўйнаб бераман.

**Меҳри.** Раҳмат, энди уйимга қадам босиб бўлсан, ифлос яллагчи!

**Менглихон.** (Узукдан кўз узмай.) Қўшнчилик қилмасаларинг, ундан нарига, сени қара-ю!

**Почтахон.** (Соқолини қашиб.) Химм... таҳорат олишни фаромуш қилган эканмиз-да, аттанг.

А. ИСОМИДДИНОВ

Жўра АҲМАДЖОН

СЕНДАҚА БЕЮЗ БИЛАН

(Юмалоқ хат битувчи фитначига)

Жон койитмай, ишни дундирмоқчисан гап-сўз билан, Гапларингга там киритмоқлик керак кўп туз билан. Қўлларинг билмас совуқ сув таъсирин шул дамгача, Балки кўргансан совуқ сувни узокдан кўз билан. Сирларин ўзлаштирибсан сохтагарлик илмининг, Маҳв бўлибсан, дўстлашиб доимо «юз-юз» билан. Кайфинг учгай қилмасанг ходимларингга қош-қовоқ, Сўзларинг шундоқ совуқки, беллашар қор, муз билан. Жой тополмайсан туришга келсалар тафтишчилар, Кўз юмолмасдан улайсан кечани кундуз билан. Бир илож айлаб, яна сувдан қуруқ чиқмоқчисан, Хайр-маъзур пайти келди сендақа беюз билан!

Самарқанд.

ҚАЙСАР БАТАРЕЯ




Езда...



Қишда...

Аёл, ўйларимиз музлаб кетди,  
 бир иложини қилсангиз-чи!  
 ЖЭК бошлиғи. Иложини  
 бўлса шу ахволда ўтирармидик,  
 холажон!



— Кетдик! Бу ерда чириб ётгандан кўра совуқда қотганимиз яхши!

А. Холиқов чизган расмлар.



Шон-шухрат азоби...

## ЛАТИФА

Афанди нарвон кўтариб келатган эди, қўшниси кўриб, сўради:

— Йўл бўлсин, мулла Насриддин?

— ЖЭКка кетяпман, — деб жавоб берди афанди.

— Уй-жой бошқармасида нима қиласиз?

— Бошлиги сира шикоятимизга қулоқ солмаётир, бурни кўтарилиб кетган. Нарвон қўйиб, бурнига чертиб тушмоқчиман.

— Бизлар учун ҳам чертиб қўйинг, — деб илтимос қилди Афандининг қўшниси.

— Театрда доим бир гўзал билан ўтирар эдингиз, бугун бир ўзингиз ўтирибсиз?

— Уша гўзал жононга уйланиб олганмиз, ҳозир у киши уй пойлаб ўтирибдилар.

Қаҳрамон, Қумри, Умри уювлари кемада сайр қилиб юришар эди. Бир пайт Қумри Қаҳрамондан сўраб қолди.

— Қаҳрамон ака, айтингчи, мабодо қайғимиз ағдарилиб кетса қайси биримизни олдин кутқарар эдингиз?

— Энг аввал ўзимни қутқарардим, — деб жавоб берди йигит.


## БЎЛАДИГАН БОЛА

Врач бола кўтариб турган онадан сўради:

— Уғилчангизнинг тили чиққанми?

Бола оғзидан сўргичини олиб, онасидан олдин сайраб кетди:

— Менинг тилим чиққан-чи, магани неча пуллик ишингиз бор, берадиган дорингизни беравермайсизми?!.



## КРОССВОРД

Энига: 5. «Вой ила хизматчи» драмаси қаҳрамони. 6. Мевасидан шифобахш мой олинадиган доний яшил сутролик дарахт. 9. Қаттиқ нарсаларни кўчиришда ишлатиладиган бинокорлик асбоби. 11. Режина таяёрлашда ишлагилдиган мода. 12. Зёб-зийнат буюмлари хунарьанди. 16. Таинқли қозоқ полони, классик кураш устаси. 18. Тола олинадиган техника экин. 19. Адабий жанр. 20. Жакубий Осмаёли социалистик мамлакат. 21. Атоқли рус совет табиатшунос олим. 25. Бурчани аниқловчи дурадгорлик асбоби. 26. Қардош демократик республика пойтахти. 27. Совет шахматчиси, собиқ жаҳон чемпиони. 30. Ватанидаги дунда энг чуқур кўл. 33. Ўзбек миллий музика асбоби. 34. Транспорт тури. 35. Аскиянинг маълум мавази. 36. Ўзбек классик куйи.

Бўйига: 1. Қамишимон тропик ўсимлик. 2. Нодир металл. 3. Сайроқи қуш. 4. Яшил тусли кимматбаҳо тош. 7. Зотли чопқир от. 8. Миллий ширинлик. 11. Мойбўёқчи рессом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 13. Улуғ рус қомусий олим. 14. Гражданлар уруши қаҳрамони. 15. Атоқли совет ёзувчиси. 17. Муҳтор Ашрафий операси. 22. Ииртки балик. 23. Инерт газлардан бири. 24. Мўйнали хайвон. 28. Едгорлик, тасвирий санъат асари тури. 29. Хушбўй ўсимлик. 31. Нефтан олинадиган мой. 32. Туркменистон чўлларида яшовчи ноёб хайвон.

ТЎЗЎВЧИ: Фозилжон ОРИПОВ

### 12-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ.

Энига: 1. Курама. 4. Чапаев. 12. Узуқ. 13. Адлер. 14. Кино. 15. Азов. 16. Абай. 19. Аския. 20. Магадан. 21. Самбо. 24. Алёкин. 26. Шўртон. 28. «Ўқитувчи». 29. Габардин. 31. Валхаш. 33. Пулкан. 39. Литва. 40. Рентген. 41. Курка. 45. Веда. 46. Авар. 48. Улоқ. 49. Неман. 50. Хина. 51. Наханг. 52. Гахвар.

Бўйига: 2. Узуқ. 3. Морзе. 5. Атлас. 6. «Етим». 7. Рустам. 8. Лавсан. 9. Алебастр. 10. Арарат. 11. Фосфор. 17. Кимё. 18. Вахт. 22. Нилуфар. 23. Вўтакўз. 25. Лаққа. 27. Обида. 30. Косгрома. 32. Лава. 34. Клуб. 35. Климук. 36. Ведана. 37. Седана. 38. Нарзан. 42. Репия. 43. Пахта. 44. Нота. 47. Зира.

### Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рессом), Маҳмуд МУИДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислидин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳақим ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежесемслчнй, обществено-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рессомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 21.12.84 й. Босишга рухсат этилди 29.01.85 й. Р-11052 Қозғ 70×108 1/2. Ботик усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобёк 5,6 Напр ҳисоб тобери 7,80. Тиражи 211782. Буюрма № 5141. Напр А-110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Рассом В. Петров. Қўриқ, Ишдан сўнг хордиқ; Чўлга хаёт келди.

Иккинчи бет: Хоразм область Янгибозор районидаги «Ленинизм» колхозининг сут соғувчиси Роҳатой Матчоновна ферма мудири Раҳим Ҳайтбоев кўлидан илгорлик кўчма вимпелини қабул қилиб олаётир.

Шу колхознинг боғбони Шомурод Урозбоев ва унинг шоғирди Рўзбой Мадаминов мевали дарахтларга ишлов бермоқдалар.

А. Тўраев фотолари

Учинчи бет: 1-Аму—Занг насос станцияси қурилиши жадал сурьатлар билан олиб борилмоқда. Суратда (чапдан ўнгга) «Сурхондарё» ирригация қурилиш трести бош инженири Сафар Тўрақулов, «Сурхон» кўчма механизмлашган колоннаси участка бошлиги Бахтиёр Тошқулов ва бетончилар бригадаси бошлиги Қудрат Ҳайдаров.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ)

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Тошкент Тепловоз депосининг катта машинисти Ҳабибулла Исмагуллаев.

Л. Гусейнов фотоси Зарварақнинг учинчи бетига: В. Петров. Чўл уйғонди.

Редакцияга келган бир босма тобёкча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Нима қилиб ўтирибсизлар, аянув ерда янги уй топирийдим-ку!..





# РАССОМ ТЕЛЬМАН МУҲАМЕДОВ ИЖОДИЙ МЕРОСИДАН

1. БОИ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
2. ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
3. ЕҒДУ СОЧАЕТГАН МУШУК.

3



1

2

